



Одам савдоси жабрдийдаларини  
келиб чиқиш мамлакатига  
қайтариш жараёнида инсон  
ҳуқуқларига амал қилиш бўйича  
**Дастуриламал тамойиллар**

**exxt**

Европада Хавфсизлик  
ва Ҳамкорлик Ташкилоти  
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори

Мазкур қўлланма илк мартаба 2014 йилда “Guiding Principles on Human Rights in the Return of Trafficked Persons” сифатида ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан чоп этилган. Мазкур ўзбек тилидаги нусха ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори томонидан таржима қилинган, тайёрланган ва чоп этилган. Матнда тафовутлар пайдо бўлган ҳолларда инглиз тилидаги нашр охириги ва расмий нусха сифатида кўрилсин.

# Мундарижа

<b>Қисқартмалар рўйхати</b>	<b>4</b>
<b>Асосий атамалар</b>	<b>5</b>
<b>Сўзбоши</b>	<b>10</b>
<b>Кириш</b>	<b>12</b>
<b>Миннатдорчиликлар</b>	<b>16</b>
<b>1-қисм. Одам савдоси жабрдийдаларини келиб чиқиш мамлакатга қайтариш бўйича Дастуриламал тамойиллар</b>	<b>17</b>
1-тамойил. Қайтариш хавфсиз бўлиши керак	18
2-тамойил. Тегишли ҳуқуқий тартибга бўлган ҳуқуқ	21
3-тамойил. Қайтариш имконияти бўлмайдиган ҳолатларда ҳимоя қилиш чоралари	23
4-тамойил. Қайтариш жараёнида одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича махсус чоралар	25
5-тамойил. Бундан кейин зарар етказишни истисно этадиган узок муддатли қарорлар	28
6-тамойил. Ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш имконияти	30
7-тамойил. Ҳамкорлик ва мониторинг	32
<b>2-қисм. Дастуриламал тамойилларига тушунтириш хати</b>	<b>35</b>
1-тамойил. Қайтариш хавфсиз бўлиши керак	36
2-тамойил. Тегишли ҳуқуқий тартибга бўлган ҳуқуқ	53
3-тамойил. Қайтариш имконияти бўлмайдиган ҳолатларда ҳимоя қилиш чоралари	62
4-тамойил. Қайтариш жараёнида одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича махсус чоралар	77
5-тамойил. Бундан кейин зарар етказишни истисно этадиган узок муддатли қарорлар	88
6-тамойил. Ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш имконияти	103
7-тамойил. Ҳамкорлик ва мониторинг	110

# Қисқартмалар рўйхати

<b>ДИИХБ</b>	Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро
<b>ИХЕК</b>	Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси
<b>ИХЕС</b>	Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди
<b>БМТТЖК</b>	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий ташкилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси
<b>БМТҚҚК</b>	БМТнинг Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенцияси
<b>БҲК</b>	Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита (БМТ)
<b>БМТ БҲК</b>	БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси
<b>МХТ</b>	Миграция бўйича халқаро ташкилот
<b>ФСҲҲК</b>	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт
<b>МССХМ</b>	Миграция соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича халқаро марказ (International Centre for Migration Policy Development - ICMPD)
<b>НХТ</b>	Ноҳукумат ташкилоти
<b>ЕХХТ</b>	Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот
<b>БМТ</b>	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
<b>БМТ ҚОКБ</b>	БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий Бошқармаси Комиссари Бошқармаси
<b>БМТ ИҲОК</b>	БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари
<b>БМТ НЖБ</b>	БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилар бўйича бошқармаси
<b>ЮНИСЕФ</b>	БМТнинг Болалар фонди жамғармаси

# Асосий атамалар

---

<b>Қочоқ</b>	Ўзининг ирқи, этиқоди, фуқаролиги, сиёсий қарашлари ёки муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги учун жуда асосланган ҳолда таъқиб жабрдийдаси бўлишидан хафсирайдиган шахс. Фуқаро сифатида мансублиги ёки ўзининг аввал одатда яшаб келган мамлакат ташқарисида бўлган ва ушбу мамлакат ҳимоясидан фойдалана олмайдиган ёки шундай ҳимоядан фойдаланишни хоҳламайдиган шахс <sup>1</sup>
<b>Қайтарадиган давлат/мамлакат</b>	Одам савдоси жабрдийдаларини ўз ҳудудидан келиб чиқиши мамлакатига қайтариб берган ёки қайтариб бериш жараёнини бошлаган давлат
<b>Қайтариш</b>	Ушбу атама одам савдосига нисбатан қўлланилганда, одам савдоси жабрдийдаларини шундай шахс сифатида аниқланган мамлакатдан келиб чиқиш мамлакатига қайтариш жараёнини англатади. Жараён ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши мумкин ҳамда давлатнинг ёрдамида ёки унингсиз амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳужжатда мазкур атамадан келиб чиқиш мамлакатига қайтиб боришга мажбур қилинадиган одам савдоси жабрдийдалари аҳволини баён қилиш учун фойдаланилади.
<b>Тикланиш/ўйлаш учун вақт</b>	Бу одам савдоси жабрдийдаларига ўзларига келишлари ва жиноятчилар таъсиридан холи бўлишлари учун тақдим этиладиган, шунингдек ваколатли давлат идоралари ходимлари тўғрисидаги масала бўйича онгли қарор қабул қилиш имконияти учун бериладиган вақт.

---

<sup>1</sup> Қаранг: 1951 йил 28 июлдаги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенциянинг 1-моддаси, Қочоқлар мақомига тааллуқли Қайднома воситасида киритилган тузатишлар билан (1967 йил 31 январда НьюЙоркда қабул қилинган)

<b>Чиқариб юбориш (“refoulement”)</b>	Қайсидир бир шахсга нисбатан бир давлат томонидан мазкур шахс ирқи, этникоди, фуқаролиги, сиёсий қарашлари ёки муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги учун таъқиб қилиниши мумкин бўлган ёхуд унга қийноқларни қўлаш ёки бошқа инсон ҳуқуқларини жиддий бузиш таҳдиди билан боғлиқ қайтариш. Мажбурий қайтариш дейилганда қайсидир бир шахсга нисбатан таъқиб қилиш таҳдиди бўлган, шу жумладан чиқариб юбориш, депортация, экстрадиция қилиш, чегарадан ўтказиб юборишни рад этиш ёки бошқа ҳудудларда қўлга олинишига олиб келадиган ҳар қандай амал тушунилади.
<b>Ҳинчи мамлакатлар фуқаролари</b>	Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлар фуқаролигига эга бўлмаган ҳар қандай шахс
<b>Қўшимча ҳимоя</b>	БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ қочоқ мақомини олиш талабларини қондирмайдиган бўлишига қарамасдан халқаро ҳимоя қилинишига эҳтиёжи бўлган шахсларга миллий қонунлари ёки амалиётига мувофиқ ушбу мамлакат томонидан мамлакатда яшашга расмий рухсат берилиши
<b>Одам савдоси жабрдийдалари</b>	Мазкур ҳужжатда ушбу атама одам савдоси жабрдийдаси бўлган, одам савдосининг жабрдийдаси бўлиш эҳтимоли бўлган ёки одам савдоси жабрдийдаси бўлиши тахмин қилинаётган шахсни англатади
<b>Халқаро ҳимоя</b>	Халқаро ҳамжамият томонидан амалга ошириладиган ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ ўз келиб чиқиш мамлақати ташқарисида бўлган ва ўз мамлақати томонидан миллий ҳимоя қилинишдан маҳрум шахсга нисбатан қўлланиладиган амаллар
<b>Қайта йўналтиришнинг халқаро механизмлари</b>	Одам савдосининг жабрдийдалари бўлгани аниқланган ёки бўлиш эҳтимоли бўлган шахсларни ҳар тарафлама трансчегаравий қўллаб-қувватлаш ва/ёки қайтариб бериш бўйича йўналтирилган ҳамкорлик тўғрисидаги битим концепцияси. Унинг доирасида турли мамлакатларнинг давлат органлари одам савдоси жабрдийдаларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мажбуриятларини бажаради <sup>2</sup>

2 Қаранг: “қайта йўналтириш халқаро механизмлари” тушунчаси куйидаги нашрда: : Guidelines for the Development of a Transnational Referral Mechanism for Trafficked Persons in Europe, ICMPD, 2010.

<b>Қайта йўналтиришнинг миллий механизмлари</b>	Бу ҳамкорлик тизими бўлиб, унинг доирасида давлат органлари ўз саъй-ҳаракатларини фуқаролик жамияти билан стратегик шериклик асосида мувофиқлаштирилган ҳолда одам савдоси жабрдийдаларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш юзасидан ўзларининг мажбуриятларини бажаради <sup>3</sup>
<b>Чиқариб юбормаслик/мажбуран чиқариб юборишнинг ман этилиши (“non-refoulement”)</b>	Даставвал – бу халқаро ҳуқуққа оид (қочоқлар тўғрисидаги) тушунча бўлиб, унга мувофиқ давлатлар томонидан қайтиб борадиган бўлсалар таъқиб қилинишдан ҳақли равишда хавфсирайдиган қочоқларни ноқонуний чиқариб юбориш ёки қайтариш (французча: “refoulement”). Ушбу тамойил халқаро одат ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланади ва шунинг учун барча давлатлар учун, улар БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенцияси иштирокчилари бўлишлари ёки бўлмасликларидан қатъи назар, мажбурий кучга эгадир
<b>Кузатиб келинмаётган болалар</b>	Ота-онасидан ва бошқа қариндошларидан айрилган ва қонун бўйича ёхуд одат бўйича васийлик учун жавобгар катта ёшдаги шахс ёки шахслар васийлигида бўлмаган болалар
<b>Энг яхши манфаатни белгилаш</b>	Алоҳида муҳим қарорлар қабул қилишда қатъий кафолатларни ҳамда болага тааллуқли манфаатларнинг энг мақбулини аниқлашни қамраб оладиган расмий тартибот
<b>Инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашув</b>	Бу қонунчилик соҳасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрларга таянадиган концептуал тизим бўлиб,, амалий томондан инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга йўналтирилгандир
<b>Одам савдосининг жабрдийдалари бўлиши мумкин шахс</b>	Эксплуатацияга дучор қилинмаган, лекин ўзининг ночор аҳволи сабабли одам савдоси жабрдийдаси бўлиши мумкин бўлган шахс
<b>Одам савдосининг эҳтимол тутилган жабрдийдаси</b>	Одам савдоси жабрдийдаси бўлиши мумкинлигидан далолат берадиган муайян белгиларга эга бўлган, аммо маъмурлар томонидан одам савдоси жабрдийдаси сифатида расман тан олинмаган ёки бундай сифатда расман тан олиниши рад этилаётган шахс

3 Қаранг: “Қайта йўналтиришнинг миллий механизмлари” тушунчаси “Guidelines for the Development of a Transnational Referral Mechanism for Trafficked Persons in Europe, ICMPD, 2010” нашрида берилган

<b>Жудо қилинган болалар</b>	Ота-онасидан ёки аввалги қонуний ва анъанавий асосий васийсидан жудо қилинган, аммо албатта бошқа қариндошларидан айрилмаган болалар. Бундай болаларга оиланинг бошқа аъзолари бўлган, бироқ уларнинг ота-онаси бўлмаган катта ёшдагилар томонидан кузатиб келинаётган болалар ҳам тааллуқлидир
<b>Бола</b>	18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс
<b>Ҳуқуқий ҳимоя воситаси</b>	Бу фақат етказилган зарарни қоплаш моддий ҳуқуқинигина эмас, шунингдек зарар қопланиши имкониятидан фойдаланишни таъминлаш учун зарур бўлган процессуал ҳуқуқлар мажмуасини ҳам қамраб олади. Моҳият жиҳатидан бу етказилган зарар учун тегишли қоплаш тақдим этилиши кераклигини - реститутция, компенсация, сатисфикация тикланишини, шунингдек ҳуқуқбузарлик қайтарилмаслиги кафолатини англатади. Процессуал нуқтаи назардан ҳуқуқий ҳимоя воситаси зарарни қоплашга эришиш имконини берадиган ваколатли ва мустақил орган ёрдамида ҳуқуқий ҳимояланиш воситасидир. У энг камида ҳуқуқлар, қопланиш имконияти бўлган воситалар ва қоплаш механизмлари мавжудлигини ҳамда улардан фойдаланиш имконияти йўллари; ҳуқуқий, тиббий, психологик, ижтимоий, маъмурий ва бошқа, ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни амалга оширишга зарур маъмурий ва бошқа ёрдамларни; одам савдоси жабрдийдаларига ўйлаш ва тикланиш учун вақт ажратилишини қамраб олади. Ана шу ўйлаш ва тикланиш вақти тугагандан кейин одам савдоси жабрдийдаларига уларга ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш учун кетадиган вақтда яшаш мақоми тақдим этилиши керак <sup>4</sup>
<b>Бориладиган мамлакат</b>	Одам савдосига нисбатан ушбу атама одам савдоси жабрдийдалари эксплуатация қилиш мақсадларида чиқариб юборилган ёки чиқариб юборилаётган мамлакат

4 Қаранг: БМТнинг Одам савдоси жабрдийдаларига самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига тааллуқли асосий тамойиллари лойиҳаси - БМТнинг Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдоси масаласи бўйича Махсус маърузачи томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Махсус маърузачи томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашидаги маърузасида (Guidelines for the Development of a Transnational Referral Mechanism for Trafficked Persons in Europe, ICMPD, 2010) тақдим этилган “ҳуқуқий ҳимоя воситаси” тушунчаси

<b>Келиб чиқиш мамлакати</b>	Одам савдоси жабрдийдалари фуқаролигига эга бўлган мамлакат (мамлакатлар), фуқаролиги бўлмаган ҳолатларда эса одатда аввал яшаб келган мамлакати. Айрим ҳолатларда, шу жумладан, масалан Дублин регламентига кўра, ушбу атамада бу шунингдек транзит мамлакати ҳам бўлиши мумкин
<b>Болалар савдоси</b>	Эксплуатация мақсадлари учун болаларни ёллаш, ташиш, узатиш, яшириш ёки олиш (агар бу амаллар зўравонлик ёки куч ишлатиш таҳдидлари ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, хокимиятни суиистеъмол қилиш ёки ночор аҳволдан фойдаланиш ёхуд бошқа шахсни назорат қиладиган шахснинг розилигини олиш учун тўлов ёки манфаатни кўзлаб сотиб олишни амалга ошириш <sup>5</sup> )
<b>Одам савдоси</b>	Эксплуатация мақсадлари учун одамларни ёллаш, ташиш, узатиш, яшириш ёки қабул қилиб олиш (агар бу амаллар зўравонлик ёки куч ишлатиш таҳдидлари ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, хокимиятни суиистеъмол қилиш ёки ночор аҳволдан фойдаланиш ёхуд бошқа шахсни назорат қиладиган шахснинг розилигини олиш учун тўлов ёки манфаатни кўзлаб сотиб олишни амалга ошириш <sup>6</sup> )

<sup>5</sup> “Болалар савдоси” атамаси тушунчасига шунингдек 3(с) моддасига қаранг.

<sup>6</sup> “Одам савдоси” атамаси тушунчаси БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тўхтатиш ҳамда бунинг учун жазолаш тўғрисидаги протоколда берилган

# Сўзбоши

Одам савдоси – бу фақат инсон ҳуқуқларини жиддий бузиш бўлмасдан, шунингдек эркинлик ва хавфсизлик учун таҳдиддир. ЕХҲТда иштирок этувчи давлатлар келиб чиқиш, транзит ёки бориладиган мамлакатлари бўлгани ҳолда одам савдоси билан унинг ҳамма босқичларига дуч келади. Шу муносабат билан одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш масаласи барча давлатларга – улар хоҳ қайтариб юбораётган ёки хоҳ қабул қилаётган мамлакат сифатида бўлсалар-да – тааллуқлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, одам савдоси жабрдийдаларини хавфсиз қайтаришни таъминлаш ва уларни такроран виқтимизациялаш одам савдоси билан курашишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу тарзда тегишли мамлакатларда давлат субъектлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари томонидан келишилган жавоб чоралари кўрилиши, шунингдек халқаро субъектлар ва ташкилотларнинг биргаликдаги саяёҳаракатлари зарур.

ЕХҲТ давлатларга одам савдоси билан курашиш, шу жумладан жабрдийдаларни қайтариш масалалари бўйича жавоб чораларини кўриш ва ҳамкорликни ўрнатгиш учун ўзига хос ягона майдонни тақдим этади. ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) инсон савдоси жабрдийдалари бўлган шахсларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган қатор новаторлик дастурларини бошлади. Жумладан, Бюро иштирок этувчи давлатларга 2004 йилда ДИИҲБ томонидан чиқарилган “Миллий даражада одам савдоси жабрдийдалаларини қайта йўналтириш механизмлари” амалий қўлланмасида баён этилган тавсиялардан фойдаланилган ҳолда миллий қайта йўналтириш механизмларини ташкил этишда кўмаклашмоқда. Бюро 2008 йилда “ЕХҲТ минтақасида эксплуатация ва одам савдоси жабрдийдаларига компенсация тақдим этиш” нашрини эълон қилиб, жабрдийдаларини одил судловдан ва ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш, шу жумладан товон пули олиш учун имконият яратди.

Шу билан бир қаторда одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш учун асосий масъулият давлат зиммасига юклатилади. Ушбу қоида давлат маъмурларига ўз юрисдикцияларида бўлган қандайдир шахс одам савдоси жабрдийдаси бўлганлиги ёки жабрдийда бўлиши тахмин этилганлиги маълум бўлиши билан (ёки маълум бўлиши керак бўлганда) амал қила бошлайди. Ушбу масъулият камида жабрдийданинг дарҳол ҳимоя қилиниш ва қўллаб-қувватланиш эҳтиёжи қондирилмаганга қадар кучда қолади. Ушбу босқичда бошқа мажбуриятлар – масалан, ҳуқуқий ҳимоя воситаларини

таъминлаш, мақомни тартибга солиш ва қайтариш ҳуқуқига эга бўлиш бўйича бошқа мажбуриятларда бундан кейин ҳам ҳимояни ва қўллаб-қувватлашни тақдим этиш учун масъулият кўзда тутилади.

ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар одам савдоси билан курашиш учун ўз масъулиятларини англаган ҳолда ушбу соҳада кенг қамровли меъёртив-ҳуқуқий асосни ишлаб чиқдилар. Бу одам савдоси билан курашиш бўйича 2003 йилги Ҳаракатлар режасида; 2005 йилги одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларнинг алоҳида эҳтиёжларига бағишланган Ҳаракатлар режасига Қўшимчалар; 2013 йилги яна пайдо бўлаётган тенденцияларга қарши курашиш ва энг шошилиш муаммоларни ҳал этишга бағишланган Ҳаракатлар режасига Қўшимча, шунингдек Вазирлар кенгашининг қатор қарорларида мужассамланган. Ушбу ҳужжатларда ЕХХТга аъзо давлатларнинг одам савдоси билан курашиш бўйича асосий масъулияти яна тасдиқланади, шунингдек ушбу соҳадаги муҳим тавсиялар ҳамда ЕХХТ институтлари ва тузилмаларига, шунингдек ЕХХТнинг жойлардаги миссияларига иштирок этувчи давлатларга уларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан топшириқлар берилади.

Ушбу нашр давлат органлари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари, шунингдек ЕХХТ минтақасида одам савдоси билан курашишга, жумладан жабрдийдаларни келиб чиқиш мамлакатига қайтаришига тааллуқли миллий қонулар, сиёсат ва амалиётни баҳолаш ва ислоҳ қилишни ишлаб чиқиш билан машғул ҳукуматлараро ташкилотларга мўлжалланган. Нашрда ўқувчиларга дастуриламал тамойиллар тақдим этилган бўлиб, давлатлар уларга амал қилган ҳолда сиёсат, тартиблар ва амалиётни жабрдийдаларни қайтариш жараёнига йўналтиришлари мумкин; бундан ташқари ўқувчиларга тегишли халқаро стандартларнинг шарҳи таклиф этилади. Ушбу нашр одам савдосига қарши курашиш учун иш олиб бораётган инсон ҳуқуқларига асосланган фуқаролик жамияти институтлари томонидан ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш учун восита сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Ишончим комилки, ушбу дастуриламал тамойиллар ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар ўртасида ҳамкорлик учун мустаҳкам асос бўлади, бу фақат одам савдосига жамоавий зарба беришни кучайтиришга ёрдам берибгина қолмасдан, шунингдек ушбу жиноятлар маъносида энг ночор шахсларнинг хавфсизлик ва ҳимояланишга эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради.

*Михаэль Георг Линк,  
ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон  
ҳуқуқлари бўйича бюроси директори*

# Кириш

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси инсон савдосига қарши курашиш, шу жумладан одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш бўйича чораларига ёндашуви одам савдосини одам савдоси жабрдийдалари, шунингдек давлатлар ва фуқаролик жамияти ташкилотлари учун инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан жиддий оқибатларга эга бўлган жиноий фаолият деб тан олишига асосланган. Инсон ҳуқуқларига асосланган ана шу ёндашувга мувофиқ, миллий ёки ҳалқаро даражада одам савдосига қарши курашиш ҳалқаро ҳуқуқида мустақкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқлар ва мажбуриятларга таянади.

ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятлар одам савдосининг олдини олиш, жабрдийдаларни ҳимоя қилиш ва айбдорларни таъқиб этишни қамраб олади; қатор мажбуриятлар одам савдоси жабрдийдаларини келиб чиқиш мамлакатига қайтаришга тааллуқлидир<sup>7</sup>. Жумладан, ЕХХТнинг одам савдоси билан курашиш бўйича ҳаракатлар режасида ЕХХТнинг мажбуриятлари аниқ тавсиялар тарзида тақдим этилган бўлиб, уларда иштирок этувчи давлатлар миллий даражада текшириш, ҳуқуқ-тартибот фаолияти ва одам савдоси учун суд таъқиб, жиноятларнинг ана шу турининг олдини олиш, шунингдек жабрдийдаларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш зарурати белгилаб қўйилган.

ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар ушбу мажбуриятларга қўшимча равишда ҳалқаро ҳуқуқнинг бошқа тегишли меъёрларига амал қилишлари шарт. Одам савдосига қарши йўналтирилган бундай меъёрлар уч асосий халқаро ва миллатлараро ташкилотлар – БМТ, Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи (ЕИ) томонидан ишлаб чиқилган.

---

<sup>7</sup> Бундай мажбуриятларга қуйидагилар кириди: ЕХХТ Вазирлар кенгашининг ЕХХТнинг Одам савдоси билан курашиш бўйича сазъ-ҳаракатларини фаоллаштириш бўйича 1/2000-сон қарори (2000); ЕХХТнинг Одам савдоси тўғрисидаги декларацияси (2002); ЕХХТнинг Одам савдоси билан курашиш бўйича Ҳаракатлар режаси (бундан буён – ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси); ЕХХТ Вазирлар кенгашининг “Меҳнатни эксплуатация қилиш мақсадларида одам савдоси билан курашиш” 8/07-сон қарори; ЕХХТ Вазирлар кенгашининг “Одам савдоси билан курашиш” 13/05-сон қарори, у билан “ЕХХТнинг Одам савдоси билан курашиш бўйича Ҳаракатлар режасига Кўшимча: одам савдоси жабрдийдаси бўлган, ҳимоя қилиниш ва ёрдамга муҳтож болалар эҳтиёжларини алоҳида ҳисобга олиш”(2005) (бундан буён – ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2005 йилги Кўшимча; ЕХХТ Вазирлар кенгаши “Кенг қамровли ва ташаббусдор ёндашув асосида одам савдосига, шу жумладан меҳнат эксплуатацияси мақсадларида одам савдосини қарши курашни фаоллаштириш” 14/06-сон қарори (2006); ЕХХТ Вазирлар кенгашининг “Жиноий одил судлов доирасида комплекс ёндашув асосида одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш 5/08-сон қарори (2008); шунингдек, ЕХХТ Вазирлар кенгашининг яқиндаги ЕХХТнинг Режа қабул қилинганлигининг ўн йиллигига бағишланган “Бир ўн йилликдан кейин” одам савдосига билан курашиш бўйича ЕХХТ Ҳаракат режасига Кўшимчани маъқуллаш тўғрисидаги 7/13-сон қарори (бундан кейин – ЕХХТ Ҳаракатлар режасига 2013 йилги Кўшимча).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2000 йилда Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция ва унга оид Протоколни қабул қилиб, одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик ҳамда бунинг учун жазолаш (бундан буён - “БМТнинг одам савдоси тўғрисидаги Протоколи”), бундан ташқари одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш масалалари бўйича аввал қабул қилинган, ҳозир мавжудларига халқаро ҳуқуқий замин бўлган ҳужжатлардан ташқари 1951 йилги Қочоқлар мақомлари тўғрисидаги конвенция (бундан буён - БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенцияси) ва 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни Бола савдоси, бола фоҳишабозлиги ва бола порнографиясига тааллуқли Факультатив протокол (2000) билан бирга қабул қилди. “Юмшоқ ҳуқуқ” соҳасида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган 2002 йилги “Инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича тавсия этиладиган тамойиллар ва тавсия этиладиган қоидалар” (бундан буён - Одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича тавсиявий тамойиллар), шунингдек БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан ишлаб чиқилган “Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма (бундан буён - ЮНИСЕФнинг Болаларни - одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш бўйича қўлланмаси) ва БМТнинг 2006 йилдаги Одам савдоси жабрдийдалари ва одам савдоси жабрдийдалари бўлиш хавфига эга шахслар тўғрисидаги конвенцияси (бундан буён - Одам савдоси жабрдийдаларини халқаро ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар) БМТнинг дастуриламал ҳужжатлари ҳисобланади. Бундан ташқари БМТнинг агентликлари - масалан, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ва ЮНИСЕФ томонидан ушбу мавзу бўйича бошқа материаллар, шу жумладан давлатларга халқаро меъёрлар ва мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатиш учун намунавий қонунлар ва маълумот ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Халқаро ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиққан иккинчи ташкилот - Европа Кенгашидир. У одам савдоси билан курашиш мақсадларида Одам савдосига қарши курашиш бўйича конвенцияни, шунингдек 1950 йилда янада кенгроқ қўлланиладиган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясини қабул қилди.

Учинчи ва, эҳтимол, ушбу соҳада яратилган стандартлар мажмуаси энг батафсил Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган. Бу, энг аввало, Европа Парламенти Кенгашининг 2011 йилдаги Одам савдосининг олдини олиш ва унга барҳам бериш тўғрисидаги йўриқномасидир. (бундан буён - ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси). 2011 йилда Европа Парламенти ва Кенгашининг учинчи мамлакатларнинг фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга халқаро ҳимояга муҳтож шахс мақомини бериш, қочоқлар ва қўшимча ҳимояга муҳтож шахсларга ягона мақом бериш, шунингдек тақдим этиладиган ҳимоя мазмуни (бундан буён - ЕИнинг Ҳимоя шартлари тўғрисидаги йўриқномаси) ҳамда 2004 йилда тасдиқланган ЕИ Кенгашининг одам савдоси бўлган ёки ноқонуний иммиграцияси объектлари ҳисобланиб, ҳокимиятнинг

ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилаётган учинчи мамлакатлар фуқароларига истиқомат учун гувоҳнома бериш ҳам шундай аҳамиятга эгадир.

2008 йилда ДИИХБ қайтариш жараёнларининг турли жиҳатларини ва бунинг ЕХХТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартлари ва мажбуриятларига умумий мувофиқлигини ўрганиш учун Германия, Испания, Италия ва Бирлашган Қиролликларнинг одам савдоси жабрдийдалари ва ноқонуний иммигрантларни келиб чиқиш мамлакатларига қайтариши юзасидан қатор тадқиқотлар ўтказиш ташаббусини бошлаб берди. Шундан кейин - 2010 йилда Албания, Нигерия, Сербия ва Украинада ДИИХБнинг қўллаб-қувватлаши билан давлат органлари ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг одам савдоси жабрдийдалари ва ноқонуний мигрантларни қайтариш ва қайта интеграциялашдаги роли тўғрисида ахборотни тўплаш учун миссиялар юборилди. 2009 йил июнида Бюро ҳалқаро ва миллий даражадаги манфаатли томонлар иштирокида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартлар ва қайтариш жараёнига тааллуқли тегишли тадбирларга доир муаммолар доирасини аниқлаш мақсадида экспертларнинг биринчи кенгашини ўтказди. 2010 йилнинг апрел ойида давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти субъектларининг ҳам бориладиган, ҳам келиб чиқиш мамлакатларидан одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш бўйича тажрибани алмашиш мақсадида иккинчи кенгаш ўтказилди.

Экспертлар кенгашлари, тадқиқотлар ва ахборот-маърифий ишларни жойларда ўтказиш натижасида фойдаланиш имконияти бўлган дастуриламал кўрсатмаларнинг, жумладан ҳуқуқат органлари ва фуқаролик жамияти субъектлари учун одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш жараёнига қўллаш мумкин бўлган стандартларнинг мавжуд эмаслиги равшан бўлиб қолди. Ушбу муаммони ечиш мақсадларида ва ЕХХТ минтақасида жабрдийдаларни қайтариш соҳасидаги сиёсат, тартиб ва амалиётни қўллашга кўмаклашиш учун одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш жараёнида иштирок этаётган манфаатдор томонлар учун ДИИХБ ушбу қўлланмани тайёрлашга киришди.

Одам савдоси жабрдийдаларини ихтиёрий қайтариш учун ҳамма вақт мақбул чора мавжуд бўлиши керак. Жабрдийда бориладиган мамлакатда узоқ муддатга қолиш учун олдиндан ҳуқуққа эга эмас. Шу муносабат билан жабрланган шахс эртами ёки кеч бориладиган мамлакатни ташлаб кетиш заруратига дуч келади. Шунинг учун ушбу қўлланма тамойиллари эътибор, энг аввало, одам савдоси жабрдийдалари қайтишга мажбуриятлари ёки келиб чиқиш мамлакатларига қайтишлари кераклиги билан боғлиқ вазиятларга қаратилган.

Одам савдоси жабрдийдаларини тўғри идентификация қилиш - уларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни тақдим этиш имконияти бўлмаган энг муҳим жараёндир. Ушбу нашрда идентификация жараёнига тааллуқли масалалар кўриб чиқилмайди, бунинг ўрнига гап тегишли тузилмалар томонидан одам савдоси жабрдийдалари сифатида тўғри идентификация қилинганларни қайтариш тўғрисида кетмоқда. Шунга қарамасдан жабрдийдаларни

тўғри идентификация қилишнинг аҳамияти, ноқонуний иммигрантлар билан шуғулладиган тизимлар ва вазифаси одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш бўлган тизимлар ўртасида ҳамкорлик қилиш ва ахборот айирбошлаш зарураги муносабати билан қисқача кўриб чиқилмоқда.

Ушбу нашр икки қисмдан иборатдир. 1-қисмда дастуриламал тамойиллар, 2-қисмда ушбу тамойиллар ҳар бирининг батафсил таърифланиши ва асосланиши келтирилади. 1-қисмда тақдим этилган етти дастуриламал тамойиллар ЕХХТ минтақасида қўлланиладиган ҳалқаро меъёрлардан келиб чиқади. Ҳар бир тамойил қисқа баён этилган ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти учун асосий омиллар ва тавсиялар кўрсатилган.

Дастуриламал тамойилларнинг изчил жойлаштирилиши аҳамият нуқтаи назаридан ҳеч бир алоҳида тартибни ифода этмайди. Шу муносабат билан тамойилларнинг ҳар бири алоҳида эмас, балки барча бошқа тамойиллар билан биргаликда қараб чиқилиши керак. Шунга қарамасдан, одам савдоси жабрдийдаларини хавфсиз қайтаришни назарда тутадиган 1-тамойил қайтариш жараёнининг тамал тоши ҳисобланади. Худди шу тамойилда қайтариш амалга ошириладиган восита, айниқса шахсий ҳаёт дахлсизлигини, қадр-қиммат ва камситмасликни ҳурмат қилиш масалаларига алоҳида ёндашув батафсил баён этилган. Бевосита шу тарзда 7-тамойилда давлат органлари билан ҳам қайтариб юборилаётган ва қабул қилаётган мамлакат ичидаги, ҳам улар ўртасидаги давлат органлари ва агентликларининг ҳамкорлик қилишларининг аҳамияти таъкидланган. Чунки бундай ҳамкорлик бошқа дастуриламал тамойилларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шarti ҳисобланади.

2-қисмда дастуриламал тамойиллар батафсил кўриб чиқилади ва улар асосланаётган халқаро ҳуқуқий меъёрлар тушунтирилади. Шу муносабат билан ушбу бўлим одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича иш олиб бораётган ва жабрдийдаларни қайтаришга тааллуқли сиёсат, амалиёт ёки қонунчиликни ўзгартириш учун кампаниялар ташкил этаётган фуқаролик жамияти ташкилотларига, айниқса фойдали ресурс бўлиши мумкин. Ушбу боб жабрдийдаларни қайтариш масаласига қонунчилик ёки дастурий сиёсий ёндашувларни ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган давлат тузилмалари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Ниҳоят ушбу нашр одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилишни яхшилашга кўмаклашишга даъват этилган. Бунга турли мамлакатларда мажуд бўлган шароитлар ва ёндашувлар масалалари бўйича тармоқлараро мулоқатнинг натижасида ушбу масала ва тегишли муаммоларни чуқур тушунишдир<sup>8</sup>.

---

<sup>8</sup> Алоҳида мамлакатлар бўйича таҳлилий материалларни мамлакатлар бўйича маърузаларда, масалан БМТнинг Одам савдоси бўйича Махсус маърузачиси, ЕХХТнинг одам савдоси билан курашиш бўйича Махсус вакили ва мувофиқлаштирувчиси ҳамда Европа кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича экспертлар гуруҳи томонидан тайёрланган маърузаларидан топшиш мумкин.

# Миннатдорчиликлар

ДИИХБ маслаҳатлар жараёнида иштирок этган ҳамда “Одам савдоси жабрдийдаларини келиб чиқиш мамлакатга қайтариш бўйича Дастуриламал тамойиллар” лойиҳасини тузишга қимматли ҳисса қўшган барча экспертлар ва ташкилотларга чуқур миннатдорчилигини билдиради. Бюро Европа Кенгашининг одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича экспертлар гуруҳи (GRETA), Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи чегараларида тезкор ҳамкорликка раҳбарлик қилиш бўйича Европа агентлиги (FRONTEX), Миграция соҳасида сиёсат ишлаб чиқиш бўйича халқаро марказ (МССИХМ), Халқаро миграция ташкилотининг (ХМТ) Жанубий-Шарқий Европа, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақавий бўлимлари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси (БМТ ИҲОКБ), БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси (БМТ ҚОКБ), БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасига (БМТ ГЖБ) миннатдорчилик билдиради. Бундан ташқари ДИИХБ қуйидаги ноҳукумат ташкилотларидан: Бирлашган Қиролликда жойлашган Қулчиликка қарши халқаро ташкилот (Anti-Slavery International), “АСТРА” ташкилоти (Сербия), Туркиядаги Инсон салоҳиятини ривожлантириш жамғармаси, “Ла Страда” (Молдова), LEFÖ (Австрия), шунингдек экспертлар Екатерина Бадикова, Ребекка Одонел ва Валери Кадридан ҳам миннатдордир. Бюро ушбу нашр сарчашмасида турган Энн Галлахерга алоҳида миннатдорчилик билдиради.

Ва, ниҳоят, ДИИХБ ЕХҲТ Котибияти Трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш бўйича департаментининг Полиция фаолиятининг стратегик масалалари бўйича бўлимидаги ҳамкасбларига миннатдорчилик билдиради.

# 1-қисм.

Одам савдоси  
жабрдийдаларини келиб  
чиқиш мамлакатга  
қайтариш бўйича  
Дастуриламал  
тамойиллар

# 1-тамойил.

## Қайтариш хавфсиз бўлиши керак

---

Ҳар бир одам ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан, ўз мамлакатини тарқ этиш ҳуқуқига эга.

- Ҳар бир одам ўз мамлакатига ёки фуқаролиги бўлмаган ҳолатларда ушбу шахс қабул қилувчи мамлакатга кириш пайтида доимий яшаш ҳуқуқига эга ва унга қайтиб бориш имконияти бўлган мамлакатга қайтиш ҳуқуқига эга.
- Инсон савдоси жабрдийдалари чиқиб кетишини чегаралашга йўналтирилган чоралар, шу жумладан одам савдосига қарши курашиш мақсадларида жорий этилган чоралар ҳам қонунчилик талабларига, мутаносиблик ва камситилмаслик талабларига жавоб бериши керак.
- Одам савдоси жабрдийдаларидан жиноий суд иши ўтказилишининг бутун муддати давомида чиқиб кетмаслик талаби қайтиб келиш ҳуқуқини бузади. Давлатлар томонидан ушбу масалада жорий этиладиган чегаралашлар қонунчиликка зид ёки ихтиёрий ёхуд асоссиз бўлмаслиги керак.
- Келиб чиқиш мамлакати ва бориладиган мамлакат келиб чиқиш мамлакатига қайтиш хоҳишида бўлган одам савдоси жабрдийдаларига бунга ноқонуний ва асоссиз кечиктиришларсиз ижозат беришлари керак.

Одам савдоси жабрдийдаларининг қайтиб бориши ихтиёрий бўлиши маъқулроқдир.

- Қайтиб бориш ихтиёрий бўлиши учун, қайтиб бораётган шахс эркин ва онгли, шу жумладан келиб чиқиш мамлакатига аҳвол тўғрисида тўлиқ, аниқ ва объектив ахборот ёрдамида танлов қилиш имкониятига эга бўлиши керак.
- Ихтиёрий қайтиб бориш ушбу шахс келиб чиқиш мамлакатига қайтиб бориши ёки бориладиган мамлакатда қолиши учун мажбурий чоралар бўлмаслигини назарда тутати.
- Ихтиёрий қайтиб бориш фақат онгли танловга асосланбгина қолмасдан, шунингдек ноқонуний ва асосланмаган кечиктиришлардан холи бўлиши керак.

Қайтиб боришнинг бутун жараёни барча босқичларда хавфсиз бўлиши, қайтиб бораётган шахснинг ҳуқуқлари ва қадр-қиммати зарур даражада ҳурмат қилиниши ҳамда олиб борилаётган суд текшируви мақоми ҳисобга олиниши керак.

- Мажбурий қайтаришга фақат мўлжалланган қайтиб бориш хавфсизлиги ва қайтиб бораётган шахснинг ҳуқуқлари, шу жумладан яна одам савдоси жабрдийдаси бўлиши ёки таъқиб, қийноқлар ёхуд ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситадиган муомала ёки жазолаш хавфидан ҳимояланиш ҳуқуқи ўрнатилганда ва бунинг учун қандайдир қўшимча ҳимоя чорлари кўрилишини талаб қилинмагандагина йўл қўйилиши мумкин.
- “Хавфсизлик” талаби қайтариш жараёнига ҳам, натижасига ҳам тааллуқлидир. Қайтиб борилаётган давлатга ҳар бир алоҳида ҳолатда қайтиш билан боғлиқ хавфни баҳолаш ва уни бошқариш мажбурияти юкланади. Бунда гап эркаклар ва аёллар: турли ёш тоифасига ёки муайян гуруҳларга (шу жумладан озчиликни ташкил қилувчиларга) мансуб шахслар дуч келадиган, хусусияти бўйича турли хавфлар тўғрисида кетмоқда. Қайтиб келиш жараёни хавфсиз ва инсон қадр-қимматини камситмайдиган бўлишини таъминлаш, шунингдек одам савдоси жабрдийдалари хавфсизлигини баҳолаш ва таъминлаш мақсадларида ҳам қайтиш жараёни, ҳам бунинг натижалари кузатиб борилиши зарур.
- Қайтариб юборадиган давлатлар ҳар бир алоҳида ҳолатда одам савдоси жабрдийдалари қайтиб боришларидан олдин хавфларнинг шахсий гендер-мўлжалли баҳолашини ўтказишлари, бу шахсларга яна одам савдоси жабрдийдалари бўлишлари хавфи таҳдид солмаслиги, улар таъқиб қилинмаслиги ёхуд қийноқлар, ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолашга дучор бўлмаслиги керак.
- Хавфларни баҳолашни амалга оширишда жабрдийданинг қариндошлари, шунингдек эҳтимол тутилган одам савдосига даҳлдорларнинг хавфсизлиги эътиборга олиниши керак.
- Хавфларни баҳолашда камида қуйидаги масалалар кўриб чиқилиши керак: одам савдосини амалга оширадиганлар томонидан одам савдоси жабрдийдалари ва/ёки уларнинг қариндошларига хавф; маъмурлар томонидан ҳибсга олиш, ушлаш ёки суд томонидан таъқиб қилиниш хавфи; одам савдоси жабрдийдалари қайтиб келганидан кейинги ижтимоий аҳволи; одам савдоси жабрдийдаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурлари мавжудлиги ва улардан амалда фойдаланиш имконияти; ота-оналари одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларнинг аҳволи.
- Одам савдоси жабрдийдалари бола бўлган ҳолатда боланинг энг яхши манфаатларига жавоб берадиган қарорларни қидиришни бола билан келишилган ҳолда олиб бориш керак. Бунда турли муқобил қарорлар кўриб чиқилиши мумкин: бориладиган мамлакат жамиятига болани интеграция қилиш, ўз мамлакатаида ёки келиб чиқиш жойида ёхуд кўчирилган жойида ихтиёрий репатриация ва реинтеграция; учинчи мамлакатга интеграция

қилиш. Оиласига қўшилиш боланинг энг яхши манфаатларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиш учун хавфни баҳолашни амалга ошириш керак.

Бориладиган мамлакатлар хавфни баҳолашга қўшимча равишда қайтарилаётган жабрдийдалар эҳтиёжларини баҳолашлари керак. Бундай баҳолаш одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу шахс саломатлиги ҳолатининг нуқтаи назаридан эҳтиёжларини аниқлаш ва тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Давлатлар миллий қонунчиликка хавфлар ва эҳтиёжларни баҳолаш тўғрисидаги қоидаларни, ушбу баҳолашларнинг батафсил баёнини қамраб оладиган қоидаларни қўшишлари, хавф ва эҳтиёжларни баҳолашни ўтказишга етарли молиявий ресурсларни ажратишлари керак.

Қайтариш воситаси одам савдоси жабрдийдаси ҳуқуқини, шу билан бирга-ликда қайтариш воситаси қадр-қимматни ҳурмат қилиш ҳуқуқини ҳам бузмаслиги керак.

Ҳам қайтариб юбораётган, ҳам қабул қилаётган давлат одам савдоси жабрдийдалари шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқини ҳимоя қилишлари ва ушбу шахсларга зарур ахборот ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни тақдим этишлари керак. Бундан ташқари ҳар икки давлат қайтарилаётган одам савдоси жабрдийдаларига, шу жумладан жиноят ишини кўриш жараёнида гувоҳ сифатидагиларга нисбатан жазолаш чораларига йўл қўймаслик учун бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишлари керак.

## 2-тамойил.

# Тегишли ҳуқуқий тартибга бўлган ҳуқуқ

---

Одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш жараёни жабрдийдаларнинг қандайдир бир ҳуқуқини, шу жумладан тегишли ҳуқуқий тартибга бўлган ҳуқуқни бузишга олиб келмаслиги керак.

Мажбурий қайтариш тўғрисидаги қарор ўзибўларчиликка асосланмаслиги, шахсий асосда ва қонунга мувофиқ қабул қилиниши керак.

Мажбурий қайтариш ҳар бир шахснинг қайтариш билан боғлиқ аниқ вазиятларини объектив кўриб чиқмасдан туриб амалга оширилмаслиги керак.

Одам савдоси жабрдийдалари ўзларига тааллуқли чоралар кўрилгунга қадар уларнинг фикрларини эшитиш ҳуқуқига, шунингдек ваколатли органда тақдим этилиш ҳуқуқига ва номақбул қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Давлатлар жабрдийдаларни идентификациялашнинг ва жабрдийдаларни қайта йўналтиришнинг самарали механизмлари бўлишини, шу жумладан одам савдоси билан курашаётган органлар ва халқаро ҳимояни тақдим этиш учун масъул идоралар ўртасида ўзаро иш кўришни таъминлаши керак. Бундан ташқари давлатлар ўзларини таъқиб қилиш ёки жиддий зарар кўрсатиш хавфи таҳдид солаётган қандайдир белгилар бўлган шахсларни аниқлашга қодир бўлишлари керак. Шунингдек, уларнинг одам савдоси билан кураш олиб борадиган тизими тақдим этадиган ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи сақланиб қолгани ҳолда, қочоқларни қабул қилиш билан шуғулланадиган ваколатли миллий органларга ушбу шахсларни қайта йўналтиришни таъминлаши керак. Бошпана тақдим этиш тизимида рўйхатга олинган қайсидир бир шахс одам савдоси жабрдийдаси бўлиши ёки бу хавфга тушиши мумкинлига оқилона асос бўлган ҳолатларда, ушбу шахслар одам савдоси билан курашадиган тизимга қайта йўналтирилиши ва бунда унинг халқаро ҳимоя тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиш давом этиши керак.

Давлатлар одам савдоси жабрдийдалари бўлиши мумкинлиги учун ишонарли асослар бор деб ҳисоблаганда, бу шахсларга соғлиқларини тиклаш ва ўйлаш учун вақт берилиши керак. Ушбу вақт давомида давлат уларга бирор шартлар

билан чегараланмаган қўллаб-қувватлашни (ҳам жисмоний, ҳам руҳий) ва уларнинг гендер, ёш ва маданий хусусиятларини ҳисобга оладиган ахборотни тақдим этишлари керак. Бу жабрдийдаларга ўзлари кўришлари мумкин бўлган қандайдир чораларни танлашлари, шу жумладан жиноятларни текшириш ва ҳуқуқбузарларни таъқиб этиш давомида жинойий одил судлов органлари билан бирга ҳамкорлик қилишлари ҳал этилиши лозим.

Одам савдоси жабрдийдаларига ҳуқуқий ёрдамни тақдим этиш (ўйлаш учун вақт ажратиш билан бирга) ушбу шахсларнинг бошқа ҳуқуқларини – масалан, ҳимояланиш ҳуқуқини, одам савдоси жабрдийдалари мақоми билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун таъқиб қилинмасликлари учун суд текширувида иштирок этиш ҳуқуқи ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларига бўлган ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт ҳисобланади. Ҳуқуқий маслаҳатлар ва адвокат хизматини тақдим этиш жабрдийданинг ушбу хизматлар учун ҳақ тўлашга қодирлиги ёки бориладиган мамлакатнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш истаги ёки имконияти билан боғлиқ бўлмаслиги керак.

Давлатлар одам савдоси жабрдийдаларига фойдаланиш мумкин бўлган шаклда ва тушуниладиган тилдаги ахборотни тақдим этишлари керак. Ушбу шахслар учун оғзаки таржимон хизматидан фойдаланиш имкониятини ва, зарур бўлганда, бу хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш керак.

Одам савдоси жабрдийдаси жиноятчининг шахси ўрнатилганлиги, у ушланганлиги ёки суд тартибида таъқиб қилиниши ёхуд хукм қилинишидан қатъи назар, жабрдийда сифатида қараб чиқилади. Шу муносаб билан одам савдоси жабрдийдалари тегишли хизматлар ва суд тартибларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Қайтариб берадиган давлатлар одам савдоси жабрдийдалари қайтариб берилганида улар манфаатдор бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган тегишли суд текширувида мақомлари етарли тарзда ҳисобга олиниши керак. Қайтариб бераётган давлатлар, одам савдоси жабрдийдаларининг яширин ночорлигини ҳисобга олган ҳолда, судда уларнинг манфаатлари ва фикрлари инобатга олиниши учун улар гумон қилинаётган одам савдоси билан шуғулланадиганларнинг суд жараёнларида ҳозир бўлишларига кўмаклашишлари керак. Мўлжалланган қайтариш хавфсизлигини баҳолашда қайтараётган давлатлар жабрдийда ушбу суриштирувларда иштирок этиши оқибатида дучор бўлиши мумкин хавфларни чамалаб кўришлари лозим.

# 3-тамойил.

## Қайтариш имконияти бўлмайдиган ҳолатларда ҳимоя қилиш чоралари

---

Айрим ҳолатларда хавфсизлик ва қўриқлаш соҳасидаги ҳал этилмаган муаммолар ёки инсонпарварлик мулоҳазалари сабабли қайтаришнинг, ҳатто ихтиёрий қайтаришнинг имконияти йўқ. Бундай ҳолатларда бориладиган мамлакатлар инсонпарварлик ёки бошқа мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда иммигрант мақомини тақдим этиш қўшимча имкониятини, шу жумладан вақтинча ёки доимий истиқомат қилишни тақдим этиш, болаларга нисбатан эса уларни бошқа давлатга кўчиришни (агар бу боланинг энг яхши манфаатларига жавоб беради деб тан олинган бўлса) кўриб чиқишлари керак. Давлатлар қайтаришга муқобил сифатида қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарорларни таклиф этишга қодир бўлишлари керак.

Давлатлар томонидан одам савдоси жабрдийдаси мақоми турли асосларда мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин ва буни турли воситалар орқали қилса бўлади. Улар қаторида қуйидагиларни таъкидлаш керак:

- одам савдоси жабрдийдасига соғлиғини тиклаш ва ўйлаш учун вақт тақдим этиш, бу вақт давомида қўллаб-қувватлаш (ҳам жисмоний, ҳам руҳий) ҳамда гендер, ёш ва маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга ҳуқуқий маслаҳатлар ва ахборот тақдим этилади. Уларга нима қилиш кераклиги юзасидан бор имкониятлардан бирини танлаш, шу жумладан жиноятни текшириш ва ҳуқуқбузарларни суд таъқибига олиш давомида жиноий одил судлов органлари билан ҳамкорлик қилишлари тўғрисида қарор қабул қилиш учун вақт берилади;
- одам савдогарларига қарши ишда (одатда жиноий ишни судда кўриб чиқиш муносабати билан) вақтинча истиқомат қилиш ҳуқуқини (суд бўлишидан олдинги ва суд текшируви муддатида) бериш;
- инсонпарварлик ёки бошқа мулоҳазалар, масалан чиқариб юбормаслик тамойилига амал этиш, қайтариб бераётган ва қабул қилаётган давлатларнинг хавфсиз қайтариш кафолатини беришга қодир эмаслиги ҳамда

такрорий виктимизация<sup>9</sup> хавфи, шу жумладан мазкур шахс учун яна одам савдоси жабрдийдаси бўлиши хавфи (агар хавфларни баҳолаш натижасида жабрдийда жиддий таъкиб қилиниши ёки такроран одам савдоси жабрдийдаси бўлиши ва бу муайян ҳолатларда чиқариб юбормаслик тамойили доирасида масъулият пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлиши аниқланган бўлса);

- ҳуқуқ асосида халқаро ёки қўшимча ҳимояни тақдим этиш, таъкиб этишдан бошпана излаш олиш; бунда бошпана тақдим этиш жабрдийданинг суд текширувида иштирок этишига тайёрлигига боғлиқ бўлмаслиги керак, одам савдоси жабрдийдасига қочоқ мақоми тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилишда эса ёки мазкур шахсни халқаро ҳимоя қилиш зарурати бўлганида одам савдоси жабрдийдалари – аёллар ва эркаклар одам савдогарлари томонидан таъкиб қилиниши ва ўч олиниши имконияти нуқтаи назаридан хусусиятлари бўйича турлича хавфларга дуч келишлари мумкинлиги зарур даражада ҳисобга олиниши керак. Ниҳоят, одам савдоси жабрдийдаси бориладиган мамлакатга қонуний рухсатга мувофиқ кириб келганидан кейин ва бу мамлакат ҳудудида унинг бошпана олиш тартибидан фойдаланиш имконияти ва бошпана тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиш оқибатига таъсир қилмаслиги керак.

---

9 Виктимизация (лотинча “victima” – “қурбон” сўзидан) – жиноий тажовузнинг қурбонга айланиши жараёни ёки пировард натижаси.

## 4-тамойил.

# Қайтариш жараёнида одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича махсус чоралар

---

Одам савдоси жабрдийдаларининг ёши аниқ ўрнатилмаган ҳолатларда ва ушбу шахсни балоғат ёшига етмаган деб ҳисоблашга асос бўлганида, жабрдийда бола эканлигини тан олиш мавжуд бўлиши керак.

Одам савдоси жабрдийдаси бўлган болага тааллуқли ҳар қандай қарорларни қабул қилишда биринчи навбатда ушбу боланинг (унга катталар ҳамроҳлик қилганлиги ёки қилмаганлигидан қатъи назар) энг яхши манфаатлари таъминланиши керак.

Пировард мақсад болани келиб чиқиш мамлакатига қайтариш ишонарли қарор бўлишидан ва шу муносабат билан боланинг ҳимояланишга бўлган барча эҳтиёжларига жавоб берадиган, унинг фикри ҳисобга олинмаган ва, имконияти бўлса, болага катталар ҳамроҳлик қилиши ёки ота-онасиз ёхуд васийларсиз қолмаслиги кафоғланиши керак. Ишонарли қарор қабул қилиш чорасини излаш боланинг оиласига қайтиши имкониятини кўриб чиқишдан бошланиши керак.

Айрим вазиятларда энг яхши манфаатларни аниқлаш, шунингдек 21 ёшга тўлмаган ёшларга нисбатан ҳам ўтказилиши мумкин. Агар бу зарур деб ҳисобланса, ана шундай шахсларнинг ҳимояланишга эҳтиёжларини қондириш ёки улар учун ишонарли қарорларни излашда ушбу манфаатлардан келиб чиқиши лозим.

Одам савдоси жабрдийдаси бўлган бола учун ишонарли қарорни излашда унинг келажаги тўғрисидаги тасаввурларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, шу жумладан унинг ўз мамлакатига ёки келиб чиқиш жойига қайтишга тайёрлиги, боланинг ёши ва етуқлигига мувофиқ бўлиши зарур. Болалар ўзларининг пухта ўйланган фикрларини билдира олишлари учун уларга барча муҳим ахборотни, шу жумладан уларнинг ўз имтиёзларига бўлган ҳуқуқлари,

фойдаланиш имконияти бор хизматлар, бошпана олиш жараёни, ота-оналарини излаш жараёни ва келиб чиқиш мамлакатадаги аҳвол тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш керак.

Бориладиган мамлакат одам савдоси жабрдийдалари бўлган, ушбу мамлакатнинг фуқароси бўлмаган ёки бу ерда доимий яшаётган шахслар эмаслигига вақтинча истиқомат қилиш ҳуқуқини автомат тарзида берилиши таъминланиши керак. Бу қонуний асосда ушбу мамлакатда уларнинг энг яхши манфаатларини аниқлаш тугалланмаган ва ишонарли қарор топилмагунга қадар бўлиши керак.

Бориладиган мамлакат одам савдоси жабрдийдаси бўлган болага расмий васий тайинлаши ва унга қандайдир тартиблар ёки текширувларда иштирок этишига жалб этилгунга қадар зарур ҳуқуқий ёрдам тақдим этилиши керак. Бола дарҳол ёки узоқ муддатли ёрдам олишида, шу жумладан бориладиган мамлакат жамиятига интеграция қилиниши вақтида ёки келиб чиқиш мамлакатига қайтарилиш ҳамда унда ёки учинчи мамлакатда қайта интеграциялаш жараёнида қонуний васийига эга бўлиши керак.

Мамлакатга ёки келиб чиқиш жойига қайтариш фақат бундай қайтариш боланинг энг яхши манфаатларига жавоб беради, деб ҳисобланганда ташкил этилиши керак. Бунда ўғил ва қиз болаларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларидаги тафовутлар ҳисобга олинishi керак. Эътиборга олинishi зарур бўлган бошқа муҳим мулоҳазаларга болани қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, болани парвариш қиладиган муассасаларнинг мавжудлиги, боланинг ўзининг фикри, боланинг бориладиган мамлакатда интеграциялашиши даражаси ва боланинг ўзлигини сақлаб қолиш ҳуқуқи, шу жумладан фуқаролиги, исми, фамилияси ва оилавий алоқалари, шунингдек болани тарбиялашда изчиллик бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлмаган асослар, масалан миграциянинг умумий назоратига тааллуқли масалалар боланинг энг яхши манфаатларини таъминлашга тааллуқли мулоҳазалардан устун келмаслиги керак.

Мамлакатнинг фуқаролари бўлмаган ёки унинг худудидида мунтазам яшамайдиган одам савдоси жабрдийдалари бўлган болалар ўз мамлакатларига ёки келиб чиқиш жойига худди ота-оналари каби асосда қайтиб бориш ҳуқуқига эгадир. Бироқ оқилона асослар болани қайтариш унинг асосий ҳуқуқларини ва айниқса чиқариб юбормаслик тамойилининг бузилишига олиб келиши хавфи мавжудлиги сабабли қайтаришнинг имконияти бўлмайди.

Одам савдоси жабрдийдаси бўлган болани қайтариш олдиндан қайтараётган мамлакат ёки худуд маъмурлари томонидан боланинг мамлакати ёки келиб чиқиш жойи маъмурлари билан, балки транзит мамлакат маъмурлари билан ҳам келишилган бўлиши керак.

Қайтариш фақат боланинг оиласи билан хавфсиз қўшилиши имконияти бўлганида ҳамда унинг қариндошлари билан бундан буён айри бўлиши боланинг энг яхши манфаатларига жавоб бериши (масалан, бола ота-оналарининг уни одам савдоларига беришига шериклиги сабабли) кўриб чиқилиши керак.

Одам савдоси жабрдийдаси бўлган болани қайтариш тўғрисидаги қарор мамлакат ёки келиб чиқиш жойининг ваколатли органлари билан болани узоқ муддат парваришlash ва васийликни ташкил этиш бўйича аниқ хавфсиз чоралар даставвал келишиб олгандан кейингина қабул қилиниши мумкин.

Қайтариш жараёнининг ҳар бир босқичи болани ёши ва жинси ҳисобга олинган ҳолдаги хавфсиз чоралар ёрдамида амалга оширилиши керак.

Давлатлар болалар билан, шу жумладан оиласидан жудо бўлган ёки ҳеч ким кузатиб келмаётган болалар билан, шунингдек бола савдоси билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш масалалари бўйича ихтисослашган ва талабларга жавоб берадиган тайёргарликдан ўтган мансабдор шахсларни тайёрлашни таъминлаши керак.

Давлатлар одам савдоси жабрдийдаси бўлган болаларнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилишга йўналтирилган махсус чораларни кўришлари керак. Бола шахси тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни идентификация қилиш имкониятини берадиган маълумотларни ҳимоя қилишни таъминлаш зарур. Ушбу маълумотлар фақат истисно вазиятларда боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш муносабати билан ошкор қилиниши мумкин. Бундай истисно вазиятлар қайтаришни ташкил этиш жараёнида, масалан, ота-оналарни излаш ва улар билан алоқа ўрнатиш ёки қўллаб-қувватлаш хизматлари билан алоқа ўрнатиш жараёнида пайдо бўлиши мумкин. Юқорида қайд қилинган ҳимоя қилишнинг махсус чоралари, шунингдек одам савдоси жабрдийдалари бўлган вояга етмаган болаларга қўлланилади.

## 5-тамойил.

# Бундан кейин зарар етказишни истисно этадиган узоқ муддатли қарорлар

---

Агар одам савдоси жабрдийдаси такроран виктимизация хавфига, шу жумладан суд томонидан таъқиб қилиниш, жазоланиш ва/ёки яна қайтиб келгандан сўнг одам савдоси жабрдийдаси бўлиш хавфи пайдо бўлса, уларни хавфсиз қайтаришнинг иложи бўлмаслиги мумкин.

Одам савдоси жабрдийдаларини уларнинг мақоми билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлари (масалан, мамлакатга ноқонуний кириш ёки ноқонуний меҳнат фаолияти) учун жиноий жавобгарликка тортиш ва хибсга олиш, суд томонидан таъқиб қилиш ва қамоқда ушлаш такрорий виктимизациянинг тарқалган шакли ҳисобланади. Давлатлар одам савдоси жабрдийдаларига нисбатан фақат мамлакатга ноқонуний кириб келганлиги ёки бу ерда бўлганлиги ёхуд ноқонуний фаолиятга тааллуқлиги, бундай тааллуқлик уларнинг одам савдоси жабрдийдаси аҳволининг бевосита оқибати бўлса, ушламасликлари, айблов қўймасликлари, суд томонидан таъқиб қилмасликлари ёки жазони қўлламамасликлари (шу жумладан, мажбурий қайтаришни) керак. Бу тамойил одам савдоси жабрдийдаларининг маъмурилар билан ҳамкорлик қилишга қодирлиги ёки тайёрлигидан қатъи назар амал қилади.

Одам савдоси жабрдийдаларини шахсий эркинликдан маҳрум қилиш (шу жумладан уларни иммигрантларга мўлжалланган жойларга жойлаштириш орқали) мумкин эмас. Озодликдан маҳрум қилишни қонуний, зарур ва мақсадга мувофиқлиги асослай олиниши бундан истиснодир. Агар ушланиш асосли бўлса, давлатлар қамоқда сақланаётган одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқларига қатъий амал қилишлари ва уларни ҳимоя қилишлари керак. Бу, шу жумладан худди шу вақтда унинг қонунийлиги ва заруратлигини аниқлаш учун вазиятни суд томонидан ёки маъмурий назоратни, шунингдек одам савдоси жабрдийдалари ушланишлари қонунийлиги устидан шикоят қилишни таъминлашни ҳам қамраб олади.

Давлатлар одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришда қайтариш жараёни қандайдир тафовутларсиз, шу жумладан ирқи, танасининг ранги, жинси, тили,

эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, озчиликни ташкил этувчилар ҳамда сиёсий ёки одам савдоси жабрдийдаларининг бошқа қарашлари тафсирсиз ўтишини таъминлашлари керак. Одам савдоси жабрдийдалари учун уларнинг гендер мансублиги ёки бошқа ҳар қандай мақоми билан боғлиқ қайтаришдан олдин, қайтариш пайтида ёки шундан кейин пайдо бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилиши керак ва жабрдийдаларга етарли эътибор ва қўллаб-қувватлаш ёки ёрдам таъминланиши керак.

Қайтиб келаётган одам савдоси жабрдийдаларини ушбу мамлакатга такрорий киришни ман этиш қатағон чораси ҳисобланади. Бундай қатағон одам савдоси жабрдийдалари уларнинг мақоми билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлари учун жазоланмасликлари кераклиги тамойилига зид келади. Такроран мамлакатга киришни ман этиш ҳам ўз мақсади ҳамда оқибатлари нуқтаи назаридан камситмаслик тамойилини бузиш бўлиши мумкин.

Такрорий виқтимизация, шу жумладан такроран одам савдоси тўрига тушиб қолиш хавфини бартараф этишга йўналтирилган жамиятга қайта интеграциялаш чоралари хавфсиз қайтаришнинг ниҳоятда муҳим жиҳати ҳисобланади. Шу муносабат билан қайта интеграциялаш ва ижтимоий реабилитация қилиш режалари жабрдийданинг шахсий эҳтиёжларини синчиклаб таҳлил этишга, шунингдек хавфларни даставвалги баҳолашга асосланиши керак. Бундай таҳлил жабрдийда иштирокида ўтказилиши зарур.

Жабрдийда қайтиб келганидан кейин тушадиган оила ва ижтимоий даврага алоҳида эътибор берилиши керак. Уларнинг қайтиб келганидан сўнг яхши ҳаёт кечириши ва жамиятга самарали интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур ёрдам кўрсатиладиган муҳит одам савдоси жабрдийдаларининг яна одам савдоси объекти бўлиш хавфини анча камайтиради. Бундан ташқари, одам савдоси жабрдийдаларига кўрсатилган қўллаб-қувватлаш хусусияти ва сифатига боғлиқ равишда кўрқитиш, жазолаш, ижтимоий яккалаб қўйишдан, стигматизация<sup>10</sup>дан анча ҳоли бўлади.

10 *Стигматизация* (юнонча: “отіуца” – “ёрлиқ”, “тамға” сўзидан) – шахсларга ижтимоий, асосан салбий ёрлиқлар ёпиштирилиши оқибатида уларнинг ижтимоий эътироф қилиниши ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, тўлақонли ҳаёт кечиришини қийинлаштириш

## 6-тамойил.

# Ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш имконияти

---

Одам савдоси жабрдийдаси ўзига етказилган зарардан ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситаларини излаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Уларга, шунингдек етказилган зарар тегишлича қопланиши, шу жумладан реституция<sup>11</sup>, компенсация, соғлиғини тиклаш, сатисфакция<sup>12</sup>, шунингдек, такрорланмаслик кафолати тақдим этилиши керак.

Бундан ташқари одам савдоси жабрдийдаларига етказилган зарар қопланишига эришиш учун малакали ва мустақил органдан фойдаланиш имконияти тақдим этилиши керак.

Давлатлар одам савдосига қарши йўналтирилган чораларни, шу жумладан жабрдийдаларни қайтаришни - одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқи бузилмаслиги учун ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашлари зарур. Шу муносабат билан жабрдийдаларнинг ушбу воситалардан фойдаланишлари мазкур шахснинг иммиграциявий мақомига ёки одам савдосига мансуб жиноятчи шу мамлакатни тарк этганлигига қарамасдан тақдим этилиши керак.

Ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконияти камситишдан ҳоли бўлиши керак ва барча одам савдоси жабрдийдаларига, шу жумладан бошқа давлатларнинг фуқароларига, фуқаролиги йўқларга, мамлакатда қонуний ёки ноқонуний яшаётганларга тақдим этилиши керак. Ҳуқуқий ҳимоя воситалари эса адолатли, етарли, мўлжалланганлигига мувофиқ ва самарали бўлиши керак.

---

11 Реституция (лотинча: “restitutio” - “тиклаш” сўзидан) - фуқаролик ҳуқуқида шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш.

12 Сатисфакция (лотинча: “satis” - “етарли” ва “facere” - “амалга ошириш” сўзларидан) - шахснинг шаъни ҳақоратланганлиги учун кечирим қилинишдан қониқиш.

Давлатнинг одам савдоси жабрдийдасига ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларини тақдим этиши муайян бир ишда одам савдосидан мусодара қилинган воситаларнинг мавжудлигига боғлиқ қилиб қўйилмаслиги керак.

## 7-тамойил.

# Ҳамкорлик ва мониторинг

---

Одам савдоси жабрдийдаларини хавфсиз ва мақсадга мувофиқ, ихтиёрий қайтаришни ташкил этиш учун қайтараётган ва қабул қилаётган давлатлар ўртасида ҳамкорлик зарур. Қабул қиладиган давлат жабрдийдани қайтариш учун, масалан жабрдийданинг шахсини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиш хавфларни ва ижтимоий реабилитация имкониятларининг дастлабки баҳолашини ўтказиш, шахсий йўл ҳужжатлари ва бошқа зарур ҳужжатларни бериш, шунингдек қайтараётган давлат билан режалаштирилаётган жабрдийдларни қайтариш хавфсизлигини аниқлаш мақсадида ҳамкорлик қилиши керак.

Давлат ичида одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш топширилган муассасалар ва улар тўғрисида ҳамкорлик қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилишни таъминлаш учун масъуллар, шунингдек одам савдоси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун масъул ҳокимият органлари ва миграция ҳамда бошпана бериш масалалари билан шуғулланадиган органлар ўртасида ҳамкорлик қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Давлат ҳукумат билан фуқаролик жамияти ташкилотлари, шу жумладан одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатаётган агентликлар, касаба уюшмалар, тадбиркорлар ва иш берувчилар бирлашмалари ўртасида ҳамкорликни таъминлаши керак. Бундай ҳамкорлик жабрдийдаларга ёрдам бериш, уларни қайта интеграциялашларига кўмаклашиш ва хавфсиз қайтиб келишларини таъминлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Бундан ташқари жабрдийдаларни қайта йўналтиришнинг миллий ва халқаро механизмлари мамлакат ичида ва трансчегаравий ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади, чунки улар давлат агентликлари, фуқаролик жамияти ва одам савдоси жабрдийдаларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суришда иштирок этаётган бошқа субъектлар ўртасида стратегик шериклик алоқаларини ўрнатишга кўмаклашади.

Қайтараётган ва қабул қилаётган давлатлар ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик одам савдоси жабрдийдалари ўз ижтимоий муҳитлари, таълим тизими ва меҳнат бозорига муваффақиятли ва тўлиқ интеграция қилишни ишонarli қарорини топиш ва таъминлашда ёрдам бериши мумкин.

Ҳам қайтараётган, ҳам қабул қилаётган давлатлар одам савдоси жабрдийдалари розилигини олиб, қайтиб келиш мониторингини амалга ошириши мумкин. Қабул қилаётган мамлакат томонидан амалга ошириладиган мониторинг бўйича фаолият одам савдоси жабрдийдалари доимий хавфсизлиги ва қўриқланишини таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак. Бундай фаолият ана шунга тааллуқли шахсларнинг ҳуқуқларини ва шахсий ҳаётлари дахлсизлиги ҳолатларини бузмаслиги керак.

Мониторинг оқилона вақт оралиғида, энг мақбул ҳолатда қайтиб келингандан кейин камида бир йимл давомида ўтказилиши лозим. Бундан ташқари одам савдоси жабрдийдасининг мониторингда иштирок этиши ихтиёрий бўлиши, давлат органлари эса мониторинг доирасида бунга жалб қилинган, одам савдоси жабрдийдаларини қўллаб-қувватлашга оид фаолият юритадиган агентликлар билан ҳамкорлик қилиши керак.



## 2-қисм.

Дастуриламал  
тамойилларига  
тушунтириш хати

# 1-тамойил.

## Қайтариш хавфсиз бўлиши керак

---

### Мамлакатни ташлаб кетиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқи

ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар “ҳар бир инсоннинг ҳар қандай, шу жумладан ўзининг мамлакатини ташлаб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқини тўла ҳурмат қилиш”<sup>13</sup> мажбуриятини олган. Мамлакатни ташлаб кетиш ва унга қайтиш одам савдоси билан курашишга тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, ЕХХТ минтақаси мамлакатларининг тегишли стратегияларида ўз ифодасини топмаган; шунга қарамасдан ушбу ҳуқуқ инсон савдоси жабрдийдаларини қайтаришга бевосита ёки билвосита тааллуқли ушбу мамлакатларда қабул қилинган кўпгина қоидаларда акс этган. Сотиш мақсадида улар олиб кирилган мамлакат ҳудудида доимий яшамайдиган инсон савдосининг барча жабрдийдалари -- ҳам болалар, ҳам катта ёшдагилар ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини тарк этиш ва келиб чиқиш мамлакатига қайтиш ҳуқуқига эга. Мамлакатни ташлаб кетиш ва унга қайтиш ҳаракатланиш эркинлиги умумий ҳуқуқининг ниҳоятда муҳим жиҳати ҳисобланади<sup>14</sup>.

Умуман, қайтиб келиш ҳуқуқи ЕХХТнинг бутун минтақасида тан олинади. Бироқ амалиётда одам савдоси жабрдийдалари тўғрисида гап кетганида ана шу ҳуқуқ мунтазам равишда камситилади. Бутун минтақада инсон савдоси жабрдийдаларини қайтариш масалалари бўйича аниқ қонунчилик ва сиёсат мавжуд эмаслиги кузатилади. Фақат иштирок этувчи давлатларнинг айримларида инсон савдоси жабрдийдаларини қайтариш қонунлари, сиёсати ва тартиби ишлаб чиқилган. Қайтариш учун эҳтимол тутилган тўсиқлардан бири инсон савдоси жабрдийдаларининг жинсий иш жараёнларида иштирок этиш

---

13 Вена учрашувининг Яқунловчм ҳужжати (Венада Кенгашдан кейинги қадамларга тааллуқли Яқунловчи ҳужжат (бундан буён - 1989 йилги Вена ҳужжати) қоидалари асосида ЕИХҚда иштирок этувчи давлатлар вакилларининг учинчи учрашуви), Вена, принциплар. 20-банд. URL: <http://www.osce.org/tu/mc/40885?download=true>

14 Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (бундан буён - “ИХУД”), БМТ БАнинг 217А (III), 13(2)-моддаси резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт (бундан буён - ФСХХП) БМТ БАнинг 2200А (XXI), 12(2)-моддаси резолюцияси билан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган; Европа Иттифоқининг Инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси (бундан буён - Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа конвенцияси - “ИХЕК”), 1950 йил 4 ноябрда ўзгартиришлар билан қабул қилинган, 4-протокол, 3(2)-модда

талабидир. ЕХХТга аъзо айрим давлатларда инсон савдоси жабрдийдаларига жиноий иш якунлангунга қадар мамлакатдан чиқиб кетиш имконияти тақдим этилади.

Бориш тайинланган мамлакатига инсон савдоси жабрдийдаларига ноқонуний ва асоссиз кечиктирилмасдан келиб чиқиш мамлакатига қайтиб боришга рухсат бериш масъулиятини юклайди. Бундан ташқари ФСХХП ушбу ҳуқуқни ихтиёрий равишда маҳрум қилишни ман этади<sup>15</sup>. Шундай қилиб, инсон савдоси жабрдийдаларини қайтаришга тўсиқлик қилаётган давлат ҳар бир алоҳида ҳолатда унинг амаллари қонунга мувофиқлигини ҳамда ихтиёрий ва асоссиз эмаслигини намоиш қилишга қодир бўлиши керак. Инсон савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни қайтариш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида гап кетганда, асосий мулоҳазалардан бири давлатларнинг боланинг энг яхши манфаатларини ҳисобга олиш мажбурияти ҳисобланади. ЕХХТ Вазирлар кенгашининг қарорларида иштирок этувчи давлатлар болаларни хавфсиз қайтаришни таъминлаши кўп марта тасдиқлаган<sup>16</sup>.

ЕХХТда иштирок этувчи давлатларнинг кўпчилиги расмий ёки норасмий равишда “Инсон савдоси жабрдийдаларини хавфсиз ва ихтиёрий қайтариш” стандартларини қабул қилганларга қарамасдан “ихтиёрий” тушунчаси ҳанузгача аниқ белгиланмаган<sup>17</sup>.

Жабрдийдаларни том маънода ихтиёрий қайтаришни таъминлаш мақсадларида қайтарилаётган шахслар улар ихтиёрида бўлган барча амаллар тўғрисида батафсил, шу жумладан ўз мамлакатига қайтиш, бориладиган мамлакатда бўлишни узайтириш ёки учинчи мамлакатга кўчиш масалаларига тааллуқли

---

15 ФСХХП, 12(4)-модда. Бошпаналарда яшовчи одам савдоси жабрдийдаларининг ҳаракатланиши эркинлигини чеклаш масаласини батафсилроқ қаранг: Anne Gallagher and Elaine Pearson, Detention of trafficked persons in shelters: A legal and policy analysis. Australian Agency for International Development, 2008, p. 13. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг фикрича, бу ҳуқуқнинг чекланиши мутаносиблик принципига мувофиқ бўлиши керак (ўша жойда, 14 б.)

16 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг “Инсон савдоси билан курашиш” 2/03-қарори, 2003 йил 2 декабрь, 8-банд. <http://www.osce.org/ru/odihr/23871?download=true>; ЕХХТ Вазирлар кенгашининг “Инсон савдоси шу жумладан меҳнат эксплуатацияси мақсадларидаги инсон савдоси билан кенг қамровли ва ташаббускор ёндашув асосда курашиш бўйича савдоси ҳаракатларни фаоллаштириш” 14/06-қарори, Брюссель, 2006 йил 25декабрь, 4-банд

17 Қаранг: Programmes and Strategies in the EU Member States fostering Assisted Return to and Reintegration in Third Countries / European Migration Network [ ЕИга аъзо мамлакатларнинг учинчи мамлакатларга ташкилий қайтариш ва реинтеграциясини қўллаб-қувватлаш стратегияси], March 2011, p. 15, [http://rem.sef.pt/PagesPT/DocsPT/EstudosSinteseEuropeus/programmes\\_strategies\\_assisted\\_return\\_reintegration.pdf](http://rem.sef.pt/PagesPT/DocsPT/EstudosSinteseEuropeus/programmes_strategies_assisted_return_reintegration.pdf)

ўзаро келишув мавжуд<sup>18</sup>. Агар гап инсон савдоси жабрдийдалари бўлган болалар тўғрисида кетаётган бўлса, бола ва унинг васийлари тўлиқ хабардор қилинган ва уларнинг фикрлари эшитилган бўлиши керак<sup>19</sup>.

ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар инсон савдоси жабрдийдаларига “келиб чиқиш мамлакатига кўнгилли жўнатишда ёрдам кўрсатиш тўғрисида тўғридан-тўғри шаклда мажбурият олганлар”<sup>20</sup>. Ихтиёрий қайтариш макбуллиги, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олинди<sup>21</sup> ва Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда тасдиқланади<sup>22</sup>.

Бундан ташқари 2009 йилда ўз Декларациясида қайтариш иложи борича кўнгилли бўлишини эълон қилган Европа Иттифоқи томонидан ушбу концепция тан олинган<sup>23</sup>. Шу муносабат билан Европа парламентининг Йўриқномаси ва Умумий стандартлар тўғрисидаги кенгаш ҳамда Иштирок этувчи давлатларнинг ўз ҳудудларида ноконуний турган учинчи давлатларнинг фуқароларини қайтаришга тааллуқли кенгашида (бундан буён – “ЕИнинг қайтариш тўғрисидаги Йўриқномаси) қуйидагилар қайд қилинади: “Агар бу қайтариш мақсадининг тартибига зарар етказмайдиган бўлса, мажбурий қайтаришга қараганда ихтиёрий қайтариш макбул бўлади ва ихтиёрий қайтиб кетишдан аввал бунинг учун вақт ажратиш керак”<sup>24</sup>. Бундан ташқари ЕИнинг Экспертлар гуруҳи қай-

---

18 Ҳам БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий Комиссари Бошқармаси, ҳам ЕИ томонидан том маънода кўнгилли қайтариш тўғрисидаги энг муҳим масала бўйича аниқлаб етилган келишувнинг муҳимлиги таъкидланади. Қаранг: UNHCR, Handbook on Voluntary Repatriation: International Protection [УВКБ ООН, Руководство по добровольной репатриации], Geneva, UNHCR, 1996, part 4.2; The Council of the European Union, 2683rd Council Meeting [Европа Иттифоқи Кенгаши, мажлис 2683], Justice and Home Affairs, 12645/05 (Presse 247), 12 October 2005, p. 23. Европа Иттифоқи Кенгаши кўнгилли қайтариш имконияти тўғрисидаги, шу жумладан қайтариладиган мамлакатдаги мавжуд шароитлар ва вазиятлар масалалари бўйича ахборотдан жараённинг энг эрта босқичида фойлана олишни таъминлашни тавсия қилди. Қаранг: Council of the European Union, 2683rd Council Meeting [Европа Иттифоқи Кенгаши, мажлис 2683], Justice and Home Affairs, 12645/05 (Presse 247), 12 October 2005, p. 24.

19 Report of the Experts Group on Trafficking in Human Beings [Одам савдоси масалари бўйича Экспертлар гуруҳининг маърузаси], EU Group of Experts, European Commission, 22 December 2004 (бундан буён - «ЕИ Экспертлар гуруҳи маърузаси»), 113-тавсия.

20 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг қарори № 2/03, V бўлим, 7.1-банд, <http://www.osce.org/ru/odihr/23871?download=true>.

21 БМТ БА томонидан тасдиқланган БМТнинг одам савдоси билан курашиш бўйича Глобал ҳаракатлар режаси А/64/L.64 2010 йил 30 июль (бундан буён - «БМТнинг Глобал ҳаракатлар режаси»), 34-банд.

22 Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенция, 2005 йил 16 майда қабул қилинган, Европа Кенгаши, 197-сон (бундан буён - «Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси») 16(2)-модда

23 Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенция, 2005 йил 16 майда қабул қилинган, Европа Кенгаши, 197-сон (бундан буён - «Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси») 16(2)-модда

24 2009 October Declaration on Trafficking in Human Beings: Towards Global EU Action against Trafficking in Human Beings (далее - «ЕИнинг одам савдосига қарши курашиш Декларацияси»), EU Ministerial Conference, 19-20 October 2009, para. 15

тариш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурлари бошқалар қатори кўнгилликка асосланиши кераклигини тавсия этган<sup>25</sup>.

Ихтиёрий қайтариш ҳамиша мақбулроқ бўлишига қарамасдан, кўпгина ҳолатларда одам савдоси жабрдийдалари бориш тайинланган мамлакатда қолишни танлайди, лекин улар буни фақат қўшимча ҳимоя қилиниш чораларига муҳтожлар учун белгиланган мезонларга мувофиқ бўлгандагина қилишлари мумкин. (Ушбу чоралар 3-тамойилга бағишланган бўлимда батафсил кўриб чиқилади).

Шунга қарамасдан, қайтариш ихтиёрий ёки мажбурий бўлишидан қатъи назар асосий тамойил шундан иборатки, қайтараётган мамлакат бунинг хавфсиз бўлишини таъминлаши ва одам савдоси жабрдийдалари ҳеч бир хавфга дучор бўлмайдиган тарзда ташкил этиши керак.

### Хавфсиз қайтариш

Хавфсиз қайтариш тушунчаси шунчаки одам савдоси жабрдийдалари ва улар қариндошларининг бевосита жисмоний хавфизлигини таъминлашга қараганда анча кенгроқдир. У, шунингдек қайтаришнинг барқарорлиги, шу жумладан одам савдоси жабрдийдалари омон-эсонлигини ва уларнинг такрорий виктимизацияси ёки такроран одам савдогарлари тўрига тушиб қолишларининг олдини олишни назарда тутади.

Европа Иттифоқининг аъзолари бўлган ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар учинчи мамлакат фуқароларига уларни қайтаришдан олдин у ёки бу шаклда маслаҳатлар беради. Бу мигрантлар, шу жумладан одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришга йўналтирилган ихтиёрий қайтаришга ёрдам кўрсатиш дастурлари доирасида амалга оширилади<sup>26</sup>. Ҳатто бундай маслаҳатлардан баъзан ушбу шахснинг хоҳишларини аниқлаш мақсадида фойдаланилса ҳам, уларнинг мақсади қайтариш жараёни ва аниқ бир шахс олиши мумкин бўлган ёрдам тўғрисида ахборот тақдим этиш ва шу тарзда уларнинг хавфсиз қайтарилишига кўмаклашишдан иборатдир.

Халқаро шартномавий меъёрлар одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришга кўмаклашишда уларнинг хавфсизлиги зарур даражада ҳисобга олинишини назарда тутади<sup>27</sup>. Шу муносабат билан ҳукуматлар одам савдоси жабрдийда-

25 Directive 2008/115/EC of the European Parliament and of the Council on common standards and procedures in Member States for returning illegally staying third-country nationals [Европа парламентининг Йўриқномаси ва Умумий стандартлар тўғрисидаги кенгаш ҳамда Иштирок этувчи давлатларнинг ўз ҳудудларида ноқонуний турган учинчи давлатларнинг фуқароларини қайтаришга тааллуқли умумий стандартлари тўғрисида] (бундан буён - «ЕИнинг Қайтариш тўғрисидаги йўриқномаси»). 2008 OJ L 348/98

26 Programmes and Strategies in the EU Member States, ўша жойда, 62. 6.

27 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмилий ташкиллаштирилган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирадиган Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тўхтатиш, бунинг учун жазолаш тўғрисидаги протокол, 2000 йил 15 ноябрь (бундан буён - БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи) 8(1), 8(2)-модда; Европа Кенгашининг Инсон савдоси қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси; ЕХХТ Вазирлар кенгашининг қарори 14/06, 4-банд

лари қайтиб келгандан сўнг ўч олиш ёки бошқа зарар етказилиши хавфига, шу жумладан мамлакатга чиқиб кетганлиги ёки хорижда фоҳишабозлик билан шуғулланганлиги ва бундай фаолият қабул қиладиган мамлакат қонуни бўйича таъқиб қилинадиган бўлса, хавфга дучор бўлмасликларини таъминлашлари шарт<sup>28</sup>.

БМТнинг одам савдоси тўғрисидаги протоколига мувофиқ келиб чиқиш мамлакати ўзларининг қайтиб келаётган фуқароларини ноқонуний ёки асоссиз кечиктирмасдан қабул қилишлари шарт<sup>29</sup>. Бундан ташқари одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш уларнинг хавфсизлигига ва имконияти борича кўнгилли бўлишига зарур даражада эътибор берилган ҳолда амалга оширилиши керак<sup>30</sup>.

Европа Кенгашининг одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси ҳам иштирок этувчи давлатлар жабрдийдаларнинг эҳтиёжларини уларнинг хавфсизлиги ва ҳимоя қилиниши нуқтаи назаридан зарур даражада ҳисобга олишлари кераклигини ва қайтариш “одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари, хавфсизликлари, кадр-қимматини таъминлаш масалалари зарур ҳисобга олинган ҳолда бўлишини талаб қилади”<sup>31</sup>.

Европа Иттифоқи ўзига аъзо давлатларга худди шундай талабларни қўйгани ҳолда улар зиммасига қайтаришни одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари, хавфсизлиги ва кадр-қимматини зарур даражада ташкил этиш мажбуриятини юклайди<sup>32</sup>. Ҳам жўнатаётган, ҳам қабул қиладиган давлатлар қайтариш жараёнининг барча босқичларида одам савдоси жабрдийдалари хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ ҳуқуқий мажбуриятларга эга. ЕИ томонидан 2012 йилда қабул қилинган Одам савдосига барҳам бериш бўйича стратегияси хавфсиз қайтариш дастуриламал тамойилларини ишлаб чиқиш ва агар қайтариш боланинг энг яхши манфаатларига жавоб бериши керак деб ҳисобланса, одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни хавфсиз ва ишонарли қайтаришни таъминлашга йўналтирилган<sup>33</sup>.

Худди шу тарзда Европа комиссиясининг одам савдоси масалалари бўйича Экспертлар гуруҳи (бундан буён – “ЕИ Экспертлар гуруҳи”) барча иштирок этувчи давлатлар “ННТ, ҳукуматлараро ташкилотлар билан ва тегишли ҳолатларда элчихоналар ва консуллик ваколатхоналари билан қалин шерикликда одам савдоси жабрдийдаларининг шахсий ҳаёти дахлсизлиги, хавфсизлиги, кадр-қиммати ва саломатлигига зарур эътибор” берилишини таъминлайдиган

28 Одам савдоси билан курашиш тўғрисидаги намунавий қонун, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (НЖБ), 2009, 62-модда (бундан буён – БМТ НЖБнинг Намунавий қонуни)

29 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 8(3)-модда

30 БМТнинг Глобал ҳаракатлар режаси, 34-модда

31 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 12(2)-модда.

32 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 16(2)-модда

33 ЕИнинг Одам савдоси билан курашиш тўғрисидаги декларацияси, 15-модда

тегишли қайтариш тартибини қабул қилишларини тавсия этади<sup>34</sup>. Бундан ташқари, хавфсиз қайтаришни таъминлаш мажбурияти 2009 йилда ЕИнинг Вазирлар кенгаши мажлисида яна тасдиқланди. Унинг иштирокчилари “қайтариш одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқлари ва қадр-қимматларига зарур ҳурмат кўрсатилган ва хавфсизлик таъминланган ҳолатда амалга оширилади” деб баёнот бердилар<sup>35</sup>.

МДХ доирасида одам савдоси жабрдийдаларини хавфсиз қайтаришни таъминлаш қонунчилдик соҳаларининг бири сифатида диққат эътибордадир. Бу қонунчилик такомиллаштириш ва умумлаштиришга муҳтождир<sup>36</sup>.

### Хавфлар ва эҳтиёжларни баҳолаш

Қайтариш одам савдоси жабрдийдалари ва улар қариндошларининг хавфсизлигини зарур даражада ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарурлиги давлат органларига жабрдийдалар, хизматни тақдим этувчилар ва келиб чиқиш мамлакатлари, шунингдек бориш тайинланган мамлакатлар маъмурий органлари иштирокида қайтаришдан олдин қайтариш хавфсиз бўлишини аниқлаш мақсадида хавфларни баҳолаш мажбуриятини юклайди<sup>37</sup>.

Хавфларни баҳолаш қайтиш муносабати билан аниқ бир шахсга таҳдид солинадиган хавфларни ўрганиш ва режаланган ҳимоя чоралари етарлигини ёки ушбу шахс хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча чоралар заруратини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бунда аёллар ва эркакларнинг, шунингдек турли гуруҳларнинг (масалан, турли ёшдагилар ёки озчиликни ташкил этувчи гуруҳларнинг) турли эҳтиёжлари ҳисобга олинади.

Кўпчилик иштирок этувчи давлатларда қайтаришдан олдин одатда хавфларни баҳолаш амалиёти кузатилмайди<sup>38</sup>. Масалан, Болтиқ минтақаси мамлакатларида одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатилиши ва ҳимоя қилинишини тадқиқ этиш ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, хизматни тақдим этувчилар ва одам савдоси жабрдийдалари иштирокида хавфларни баҳолаш

34 ЕИнинг Одам савдоси билан курашиш тўғрисидаги декларацияси, 15-модда

35 The EU Strategy towards the Eradication of Trafficking in Human Beings 2012-2016 [ЕИнинг Одам савдосига барҳам бериш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган стратегияси], COM(2012)286 final, 2012 (бундан буён - «ЕИ стратегияси»), 2.1(1), 2.1(3)-бандлар.

36 ЕИ Экспертлар гуруҳининг маърузаси, 109-тавсиялар. ЕИ Экспертлар гуруҳи фикрича, ушбу тартиб ташкилотнинг одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришни ташкил этишнинг аниқ қоидаларида мустаҳкамлаб қўйилиши ва ушбу жараёнда иштирок этаётган барча ташкилотларга тааллуқли бўлиши керак

37 ЕИнинг Одам савдоси билан курашиш тўғрисидаги декларацияси, 15-модда

38 Report on the implementation of anti-trafficking policies and interventions in the 27 EU Member States from a human rights perspective (2008 and 2009) [ЕИга аъзо 27 мамлакатда инсон ҳуқуқларига амал қилиш нуқтаи назаридан одам савдосига қарши сиёсат ва чораларни амалга ошириш тўғрисида маъруза 2008-2009 йиллар], European NGOs Observatory on Trafficking, Exploitation and Slavery, 2009, p. 25 (бундан буён - «ЕИга аъзо давлатларда одам савдосига қарши чоралар тўғрисидаги маъруза»).

доимий ва қарор топган амалиёт эмаслигини кўрсатди<sup>39</sup>. Тадқиқотда, шунингдек ҳуқуқ-тартибот органлари ва хизматни тақдим этувчиларнинг хавфсиз қайтаришга доир ўз функциялари ва мажбуриятларига нисбатан тафовутлар таъкидланган. Жумладан, хизматни тақдим этувчиларда одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича уларнинг зиммасига ниҳоятда кўп номутаносиб мажбуриятлар юкланганлиги тасаввури пайдо бўлган<sup>40</sup>.

Айрим мамлакатларда одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришдан олдин хавфларни баҳолашни ўтказиш талаблари уларнинг қонунчилиги ва сиёсатида кўзда тутилмаган. Бунда одатда қайтариш жараёни бошлангунга қадар хавфларни дастлабки баҳолаш фақат одам савдоси жабрдийдалари бошпана сўраб мурожаат қилганида ёки Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ)<sup>41</sup> ёки хавфларни баҳолашни ўтказиётган ноҳукумат ташкилоти томонидан амалга оширилаётган ихтиёрий қайтариш дастури бўйича қайтиб келаётганида амалга оширилади. Айрим мамлакатларда ноҳукумат ташкилотлари қайтаришдан аввал суҳбатлашиш ва хавфларни баҳолашни ўтказиш ҳамда хулосаларини ХМТга юборади. ХМТ зарурат бўлганида жабрдийданинг розилиги билан ушбу хулосалардан ўзларининг ваколатхоналари ва келиб чиқиш мамлакатларининг давлат органлари билан маслаҳатлар ўтказишда фойдаланади.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколида ҳам, ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасида ҳам хавфларни баҳолашни ўтказиш зарурати беосита кўрсатилмаган<sup>42</sup>. Бунда ЕХХТнинг Ҳаракатлар дастурида қайтариш одам савдоси жабрдийдаларининг хавфсизлиги “зарур даражада ҳисобга олинган ҳолда” амалга оширилиши кераклиги таъкидланган<sup>43</sup>. Ана шундай ёндашув Европа кенгашининг Одам савдоси тўғрисидаги конвенциясида ҳам кузатилади, бироқ конвенция хавф ва хавфсизликни баҳолаш одам савдоси жабрдийдалари болалар бўлган ҳолатларда ўтказилиши кераклигини кўзда тутди<sup>44</sup>.

Шунга қарамасдан давлатлар чиқариб юбормаслик тамойилига мувофиқ қайтариш билан боғлиқ хавфларни баҳолашни ўтказишлари шарт<sup>45</sup>. Бу тамойил

39 Human Trafficking in the Baltic Sea Region: State and Civil Society Cooperation on Victim's Assistance and Protection [Болиқ минтақаси мамлакатларида одам савдоси], UNODC. – New York, UNODC, 2010, p. 43.

40 Ўша жойда.

41 Jobe A. The Causes and Consequences of Re-Trafficking: Evidence from the IOM Human Trafficking Database [Одам савдоси жабрдийдаларини такроран мотиш сабаблари ва оқибатлари]. – Geneva, IOM, 2010, p. 47.

42 Шунга қарамасдан, хавфларни баҳолаш учун БМТнинг НЖБнинг намунавий қонунида стандартлар мавжуд. Қаранг: UNODC Model Law, art. 33, p. 63-65.

43 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, V бўлим, 7.1-модда. ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2013 йилдаги Кўшимчаларда “хавфсиз қайтариш стандарт ҳисобланади (қаранг: ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 1951 йилги қўшимчалар, IV бўлим, 2.5-модда).

44 Еининг Одам савдоси билан курашиш тўғрисидаги декларацияси, 16.7-модда

45 БМТ ҚОКБга мувофиқ, чиқариб юбормаслик принципи “давлатларга қочоқларни улар ҳаёти ёки эркинлигига хавф таҳдиди бўлган мамлакат ёки ҳудудга қайсидир тарзда бўлмасин қайтариш ман этилган халқаро ҳуқуқнинг асосий принципи ҳисобланади” (UN High Commissioner for Refugees, UNHCR Master Glossary of Terms, June 2006, rev.1, p. 15

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида<sup>46</sup> мустаҳкамлаб қўйилган, БМТ Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенциясининг<sup>47</sup> асосий тамойили бўлган бошпана қидириш ва олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун ниҳоятда муҳим ҳамда аёллар ва болаларни фоҳишабозлик ёки шахвоний эксплуатация қилиш учун мажбурий ёки ҳийла ишлатиб ёллаш таъқиби қилишга тенг бўлиши мумкин гендерлик асосидаги зўравонлик шаклларида биридир<sup>48</sup>.

Бундан ташқари БМТнинг ҚҚК қайтараётган давлатларни қабул қилаётган давлатда қайтарилаётган шахсга нисбатан қийноқларни қўллаш имконияти билан боғлиқ хавфларни баҳолашни ўтказишни шарт қилиб қўйган. Шу билан бирга давлатларнинг ўзи ҳам фақат қабул қилаётган давлатда “Инсон ҳуқуқларини ҳаддан ташқари қўпол оммавий бузилиши доимий амалиёти мавжудлиги”ни эмас, шунингдек ана шу шахснинг ҳолатини баҳолаши керак<sup>49</sup>. Давлатлар зарар етказиш хавфи (масалан одам савдогарлари тўрига такроран тушиб қолиш ёки қийноққа тенглаштирилиши мумкин бўлган зўравонлик) мавжуд бўлса ёки агар Европа инсон ҳуқуқлари қўмитаси меъёрларига мувофиқ шавқатсиз муомаланинг бошқа шакллари қўллаш хавфи мавжуд бўлганда бирор шахсни қайтаришлари мумкин эмас.

Давлатларга қабул қиладиган мамлакатга қайтариб юборилаётган шахсга нисбатан ғайринсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомалага дучор бўлиш ҳолати мавжудлиги маълум бўлган ҳолатларда қайтариш жараёнини давом эттирилиши, агар қабул қилувчи давлат шу жумладан ЕИнинг аъзоси бўлса, Европанинг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг бузилиши бўлади. Яқинда қабул қилинган Европанинг инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг қарорида Дублин регламентига мувофиқ, келиб чиқиш мамлақати ёки транзит мамлақатига шахсларни қайтариш жараёнига пайдо бўладиган мажбуриятлар тасдиқланган<sup>50</sup>.

Бола ҳуқуқлари қўмитаси ва ЮНИСЕФ одам савдоси жабрдийдалари болалар бўлган ҳолатлардаги хавфларни баҳолаш бўйича янада аниқроқ йўриқнома-лар берган. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита хавфларни баҳолаш боланинг ёши ва жинси, шу жумладан болаларнинг тўйиб овқатланмаслиги ёки тиббий хизмат кўрсатиш етарли эмаслигининг жиддий оқибатларини ҳисобга олган

46 ИХУД, 14-модда

47 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенцияси (1951 йил 28 июлда қабул қилинган), 33-модда (бундан буён – «БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенцияси»)

48 ЕИнинг одам савдоси тўғрисидаги Йўриқномасида ҳам чиқариб юбориш мутлақ ман этилиши қайд қилинади (муқаддима, 10-банд)

49 БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари, Халқаро химоя бўйича 7-тавсиялар: қочоқлар мақоми, одам савдоси жабрдийдалари ва одам савдоси жабрдийдалари бўлиш хавфи бўлган шахсларга тааллуқли 1951 йилги конвенция 1A(2)-моддаси ва/ёки 1967 йилги протоколни қўллаш бўйича тавсиялар

50 Қаранг: “М.С.С. Бельгия ва Грецияга қарши” иши (M.S.S. v. Belgium and Greece), 30696/09 - баёнот, Европа Кенгаши, Европа Инсон ҳуқуқлари бўйича суд, 2011 йил 21 январь; «Муҳаммад Австрияга қарши» (Mohammed v. Austria), № 2283/12-баёнот, Европа Кенгаши, Европа Инсон ҳуқуқлари бўйича суд, 2013 йил 6 июнь.

ҳолда ўтказилиши кераклигини таъкидлайди<sup>51</sup>. ЮНИСЕФнинг одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланмаси дастуриламалига мувофиқ, шахси аниқланган одам савдоси жабрдийдаси – бола мамлакатнинг ваколатли маъмурий органлари бола билан келишган ҳолда бўлиш тайинланган мамлакатда интеграциялаш, ихтиёрий репартиация ва келиб чиқиш мамлакатига ёки жойида қайта интеграциялаш, учинчи мамлакатга кўчиш қарорларидан қайси бири энг яхшилигини аниқлашлари керак<sup>52</sup>. Оила билан бирлашиш боланинг энг яхши манфаатларига жавоб беришини аниқлаш учун хавфларни баҳолашни ўтказиш лозим<sup>53</sup>.

ЕИнинг Экспертлар гуруҳи хавфларни баҳолашни ўтказишда қуйидаги омилларни кўриб чиқишни тавсия этади<sup>54</sup>:

- одам савдогарлари томонидан одам савдоси жабрдийдаси ва/ёки унинг қариндошлари жазоланишининг хавфи<sup>55</sup>;

---

51 БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (БХҚ), Умумий тартибдаги 6-тавсиялар. Келиб чиқиш мамлакати ташқарисидан кузатилмаётган ва оиласидан ажраган болалар билан муомала қилиш, 2005 йил 1 сентябрь, CRC/ GC/2005/6, п. 27 (бундан буён – «БХҚнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалар»)

52 ЮНИСЕФ шуни таъкидлайдики, одам савдоси оқибатида болалар стигматизация юқори хавфи билан боғлиқ фаолиятга жалб этилган ҳолатларда (масалан, фоҳишабозлик ёки шахвоний эксплуатация) махсус чоралар кўрилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу болаларни оилалари билан бирлаштирганда уларни камситиш, аниқ мақсадни кўзлаган таъналар, одам савдогарлари томонидан яна ёллаш ва такроран уларнинг тўрига тушиб қолишдан ҳимоя қилишни эътиборга олиш керак (бундан буён – “ЮНИСЕФнинг Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма”)

53 ҚОКБнинг Одам савдоси жабрдийдалари бўйича тавсиялари, 24-банд. БМТнинг ҚОКБсига мувофиқ, энг яхши манфаатларнинг белгиланиши – бу “ айрим болаларга нисбатан қўлланиладиган ҳужжатларга аниқ процессуал кафолатлар ва талаблар билан таъминланган расмий тартиб бўлиб (...) бунинг давомида қарор қабул қиладиган орган болаларнинг ҳуқуқларини энг яхши тарзда ҳимоя қиладиган кенг қамровли қарор қабул қилиниши учун Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа ҳужжатларда эътироф этилганидек аниқ иш учун аҳамиятга эга бўлган барча омилларни баҳолаш ва таққослаш шарт”. Шунингдек қаранг: БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (БХҚ), Боланинг манфаатларини таъминлашга биринчи даражали эътибор берилишига бола ҳуқуқлари тўғрисидаги умумий тартиб мулоҳазалари, 14-сон (2013). (бундан буён – БХҚнинг Умумий тартиб мулоҳазалари, 14-сон)”

54 ЕИ Экспертлар гуруҳининг маърузаси, 114-тавсиялар, ва Маърузага 13-тушунтириш маълумоти (Explanatory Paper 13), 200-202 б.

55 ҚОКБнинг Одам савдоси жабрдийдаларини халқаро ҳимоя қилиш бўйича тавсиялари, 24-модда. БМТ ҚОКБга мувофиқ, энг яхши манфаатларни аниқлаш – бу “ҳужжатларда аниқ процессуал кафолатлар ва талаблар билан таъминланган ва айрим болаларга нисбатан қўлланиладиган расмий тартиб (...) унинг давомида бола ҳуқуқлари энг яхши тарзда ҳимоя қилинадиган қарор қабул қиладиган орган аниқ иш учун барча аҳамияти бўлган омилларга баҳо бериши ва уларни таққослаб кўриши шарт, бунда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа ҳужжатларда тан олинганидек, ҳуқуқлар ва мажбуриятларга зарур эътибор қаратилиши керак”. Шунингдек қаранг: БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, боланинг унинг манфаатларини таъминлашга биринчи даражали аҳамият берилиши ҳуқуқи тўғрисидаги Умумий тартибдаги 14-мулоҳазалар (2013) (3-модданинг 1-банди) 2013 йил 29 май (бундан буён – БХҚнинг Умумий тартибдаги 14-мулоҳазалари)

- маъмурлар томонидан қийинчиликлар, ҳибсга олиш, ушлаш ёки суд томонидан таъқиб қилиниш хавфи<sup>56</sup>;
- одам савдоси жабрдийдаларининг қайтиб келганларидан кейинги ижтимоий аҳволи<sup>57</sup>;
- ижтимоий ёрдам дастурларининг мавжудлиги ва ана шу дастурлардан фойдаланиш, шу жумладан ишонарли турар жой тиббий, ҳуқуқий ва руҳий ёрдам тақдим этиш дастурларидан амалда фойдаланиш<sup>58</sup>.

Бундан ташқари, МССХМ ЕИга аъзо давлатлардан жабрдийдаларни қайта йўналтиришнинг халқаро механизмларини яратиш учун стандарт тартибларни ишлаб чиқди. Уларда хавфларни баҳолашни ўтказишнинг юқоридаги каби йўриқномалари тақдим этилади<sup>59</sup>.

Фуқаролик жамияти ташкилотларининг мутахассислари баҳолашни ўтказишда эътиборга олинishi керак бўлган хавфларнинг икки гуруҳини белгиланган: гап, биринчидан, одам савдоси жабрдийдалари қайтиб келганларидан кейин ўзларига жиддий хавфлар, шу жумладан жисмоний хавфсизлик ва саломатлик учун хавф, иккинчидан, қабул қиладиган давлатларда одам савдоси жабрдийдаларини маргиналлаштириш ва стигматизациялашга олиб келиши мумкин вазият тўғрисида кетмоқда<sup>60</sup>. Шундай қилиб хавфларни баҳолаш қуйидаги уч босқичдан иборат бўлиши керак:

56 Масалан, одам савдогари, унинг шериклари ёки одам савдоси тузоғи вакиллари одам савдоси қариндошлари, дўстлари ёки атрофидагилар билан алоқа боғлаганлиги ва/ёки ушбу шахслар одам савдоси жабрдийдасининг қариндошлари, дўстлари ёки атрофидагиларга таҳдид қилганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилади (шунинг таъкидлаш керакки, қатор ҳолларда хавфларни баҳолашни келиб чиқиш мамлакати аниқласа ҳам фуқаролиги йўқлар билан боғлиқ ҳолатларда бундай баҳолашни ўтказиш масъулияти одатда яшаб келинган жойга юклатилади; айрим ҳолатларда Дублин регламентига мувофиқ, шахс шунингдек транзит мамлакатига қайтарилиши мумкин); одам савдоси жабрдийдаси бориладиган мамлакатда бўлганида ёки суд текшируви давомида таҳдидларга дуч келганми; одам савдогари, унинг шериклари ёки одам савдоси тузоғи вакиллари одам савдоси жабрдийдаси ва унинг қариндошлари доимий яшайдиган жой манзили маълумми; одам савдогари одам савдоси жабрдийдаси яшайдиган мамлакатда унинг атрофидагилар доирасида бўлганми. Саволларининг тўлиқ рўйхатинга ўша жойда, 200-бетга қаранг

57 Масалан, одам савдоси жабрдийдаси келиб чиқиш мамлакатига маъмурлар томонидан унинг одам савдоси жабрдийдаси мақоми билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик – масалан, фоҳишабозлик сохта ҳужжатларга эгалиги ёки фойдаланганлиги ёхуд ноқонуний чиқиб кетиш учун ҳибсга олиниши, ушланиши ёки суд томонидан таъқиб қилиниши хавфи мавжудлиги масаласи қараб чиқилади. Саволларининг тўлиқ рўйхатинга ўша жойда, 201-бетга қаранг

58 Масалан, одам савдоси жабрдийдасининг вазияти унинг ижтимоий жиҳатдан атрофидагиларга маълумлиги, одам савдоси жабрдийдаси бошидан ўтганларни қариндошларига ёки дўстларига гапириб бера олиши, ўзини ижтимоий жиҳатдан атрофидагилар, шу жумладан оиласи, дўстлари ҳамда Масалан, одам савдоси жабрдийдаси бу ердан кетганига қадар яшаган жамоа томонидан ҳамдардлик ва қўллаб-қувватлашни кута олиш-олмаслиги тўғрисидаги масалалар қараб чиқилади. Саволларининг тўлиқ рўйхатинга ўша жойда, 202-бетга қаранг

59 Бу одам савдоси жабрдийдаси шошилинич ва узоқ муддатли ёрдам – масалан, хавфсиз турар жой, тиббий, ҳуқуқий ва руҳий ёрдам кўрсатилиши имкониятига эгалиги масаласи қамраб олади

60 МССХМнинг МПП тўғрисидаги тавсиялари, 81-82 б.

- одам савдоси жабрдийдасининг ўтмиши, шу жумладан ушбу шахс оиласини баҳолаш<sup>61</sup>, жабрдийданинг келиб чиқиш мамлакатигаги шахсий вазияти<sup>62</sup>, одам савдоси жабрдийдаси мақомига эга бўлганлиги учун дуч келаётган хавфлар<sup>63</sup>, қайтиб келгандан кейин стигматизация эҳтимоли<sup>64</sup>;
- ҳам ноҳукумат ташкилотлари, ҳам давлат органлари томонидан тақдим этилган ишонарли хабарлар асосида келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги ахборотларни тўплаш<sup>65</sup>;
- хавфни баҳолашни ўтказаетган ноҳукумат ташкилотлари ҳамда давлат органлари билан ҳамкорлик ва одам савдоси жабрдийдаларининг фаол иштирокида келиб чиқиш мамлакатигаги хавфсизлик соҳасидаги вазият ривожланиш эҳтимоллари моделиштириш<sup>66</sup>.

Кейинги тадқиқотлар хавфларни шахсий баҳолаш ЕХХТга аъзо фақат тўрт иштирок этувчи давлатда (уларнинг ҳаммаси ЕИ аъзолари ҳисобланади) ўтказилаётган бўлса ҳам ЕИнинг Жиноятлар жабрдийдалари ҳуқуқлари, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга нисбатан энг кам стандартлар ўрнатиш тўғрисидаги йўриқномаси қабул қилингандан сўнг ЕИга аъзо давлатлардаги аҳвол яхши томон ўзгариши кутилмоқда<sup>67</sup>. ЕИга аъзо давлатлар миллий қонунчилигига 2015 йил 16 ноябрга қадар интеграция қилиниши керак бўлган ушбу Йўриқнома давлатларга жабрдийдаларнинг ҳимояга аниқ эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида шахсий баҳолашни ўтказиш мажбуриятини юклайди<sup>68</sup>. Бунда Йўриқномада жабрдийдаларини ватанига қайтаришга нисбатан шахсий баҳолаш зарурати қайд этилмаган бўлса ҳам, бунда “ҳимояга алоҳида эҳтиёж” вазифасини аниқлаш ҳал этилади. Шу билан бирга келиб чиқиш мамлакатига қайтарилган одам савдоси жабрдийдалари учун Йўриқномада кўзда тутилган

61 Quality standards for risk assessment and the safe return and reintegration of trafficked person (Одам савдоси жабрдийдасининг хавфлари ва хавфсиз қайтариш ҳамда реинтеграция қилиш стандартлари) LEFÖ, 2011, p. 9.

62 Кўриб чиқиш учун масалалар рўйхати, қаранг: ўша ерда, p. 10

63 Ўша жойда

64 Ўша жойда, 10-11 б.

65 Ўша жойда, 11-12 б.

66 Кўриб чиқиш учун масалалардан айримлари, қаранг: ўша жойда, 12-13 б.

67 ЕИда иштирок этувчи давлатларда одам савдосига қарши чоралар тўғрисидаги маъруза, 91 б.

68 Directive 2012/29/EU of the European Parliament and of the Council of 25 October 2012 establishing minimum standards on the rights, support and protection of victims of crime, and replacing Council Framework Decision 2001/220/JHA, 2012 OJ L 315/57 [ Европа парламенти ва Кенгашининг 2012 йил 25 октябрдаги Кенгашининг 2001/220/JHA, 2012 OJ L 315/57 қарорини алмаштирадиган, Жиноятлар жабрдийдаларининг ҳуқуқлари, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга нисбатан энг кам стандартлар ўрнатиш тўғрисидаги йўриқномаси].

махсус чоралар фойдали бўлади<sup>69</sup>. Ҳозирча бундай шахсий баҳолашни ўтказиш қайтаришга тааллуқли масалаларга қайси даражада қўлланилиши аниқ эмас.

Хавфларни баҳолашнинг ўзи хавфсиз қайтаришни кафолатлаш учун етарли эмас. Шу муносабат билан ҳар қандай баҳолашда аниқланган хавфларни иложи борича бартараф этиш учун аниқ йўналтирилган батафсил режани ишлаб чиқилиши ниҳоятда муҳимдир<sup>70</sup>.

Хавфларни баҳолашга қўшимча равишда қайтарилаётган одам савдоси жабрдийдалари шахсий эҳтиёжларини баҳолаш ҳам муҳимдир. Давлатларни зиммасига эҳтиёжларни баҳолаш мажбурияти бевосита юкланган халқаро меъёрлар мавжудлигига қарамасдан, бундай баҳолашни одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам ва ҳимоя кўрсатиш мажбуриятининг таркибий қисми сифатида қараш керак. Шу сабабли БМТнинг одам савдоси тўғрисидаги протоколи ва Европа Кенгашининг одам савдосига қарши кураш конвенцияси иштирокчилари, жумладан одам савдоси жабрдийдаларининг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олишлари керак<sup>71</sup>. Ушбу қоидага истисно одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни қайтаришга ёндашувларда топилиши мумкин. Бола ҳуқуқлари қўмитаси бу ҳақда жабрланганларни қайта йўналтириш жараёни, шунингдек боланинг, уни парвариш қилаётганлар ва оиласи аъзоларининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли эҳтиёжларини интизомий баҳолашни

69 Ўша жойда, унинг 22-моддасида қуйидагилар қайд этилади:

“2. Шахсий баҳолаш амалга оширилганда, жумладан қуйидагилар эътиборга олинади:

а) жабрдийданинг шахсий хусусиятлари;

б) жиноятнинг тури ва хусусияти;

в) жиноят содир этилиши ҳолатлари.

3. Шахсий баҳолаш доирасида жиноят оғирлиги сабабли жиддий зарар кўрган жабрдийдаларга; жумладан, шахсий хусусиятлар билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган, сохта тушунча ёки камситиш бўйича жиноятдан жабр кўрганлар; жиноятчи билан боғлиқ ёки унга тобелиги хусусиятлари билан боғлиқлиги учун уларни айниқса ночор аҳволга кўядиган жабрдийдаларга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

4. Ушбу Йўриқнома мақсадлари учун жиноятларнинг жабрдийдалари бўлган болалар уларнинг такроран виқтимизация қилиниши, кўрkitилиши ва жазоланиши учун ночорлиги сабабли алоҳида ҳимояланишга айниқса муҳтож ҳисобланади. 23- ва 24-моддаларда кўзда тутилган махсус чоралар жабрдийда болалар учун фойдали бўлишини аниқлаш учун мазкур модда 1-бандида кўзда тутилган улар аҳволини шахсан баҳолаш келтирилади.

5. Шахсий баҳолаш жабрдийданинг бевосита иштирокида ва унинг хоҳишлари, шу жумладан 23- ва 24-моддалада кўзда тутилган махсус чоралардан воз кечиши ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади.

6. Шахсий баҳолаш асосини ташкил этадиган унсурлар жиддий ўзгартирилган ҳолатларда иштирок этувчи давлатлар жиний иш жараёнининг бутун давомида унга тузагишлар киритиши таъминлайди”.

70 МССХМ ана шундай режа қабул қилишни тавсия этади, шунингдек уни мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш ва жабрдийдага аниқланган хавфлар, шунингдек ушбу хавфларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида тўлиқ маълумотни тақдим этиш лозимлигини таъкидлайди (қаранг: МССХМнинг ММП тўғрисидаги тавсиялари, 87-88-моддалар)

71 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 6(4)-модда; Европа Иттифоқининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 12(7)-модда. Ҳимоя қилишнинг аниқ турлари БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 6(3)-моддаси; Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий ташкилий жиноятчиликка қарши конвенцияси, 2001 йил 8 январь, А/RES/55/25, 25-моддаси (бундан буён – КООНТОП), Европа Иттифоқининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 12(7)-моддасида кўзда тутилган

қамраб олиши кераклигини таъкидлаган<sup>72</sup>. Кузатилмаётган ёки оиласидан ажралган болаларга нисбатан баҳолаш бундай болаларнинг алоҳида ночорлигини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши керак. Бу уларнинг саломатлиги ҳамда жисмоний, руҳий-ижтимоий, моддий ва бошқа омон-эсонлигини ҳимоя қилиш эҳтиёжларини (шу жумладан оиладаги зўравонликдан, одам савдоси ёки жароҳат олинишидан келиб чиқадиган эҳтиёжларни ҳам) қамраб олиши керак<sup>73</sup>.

Жумладан, ДИИХБ амалиётчи мутахассислари маслаҳатлашувлар ўтказиб, одам савдоси жабрдийдаларини синчиклаб тиббий текширишдан ўтказишнинг аҳамиятини таъкидлаганлар<sup>74</sup>. Қайтаришнинг одам савдоси жабрдийдалари ҳис этаётган саломатлик учун ҳар қандай муаммосининг эҳтимол тутилган оқибатларини, шу жумладан қабул қиладиган мамлакатда даволаш имконияти борлиги масаласини ҳам баҳолаш зарур. Бундан ташқари одам савдоси жабрдийдалари қайтариш жараёнида мутахассис шифокор кузатиб боришига эҳтиёж сезиши мумкин. Одам савдоси жабрдийдалари сифатида жабрланган шахслар саломатлик билан боғлиқ бошқа муаммолар қатори наркотикларга боғлиқликдан азият чекишлари ёки СПИД элтувчилари бўлишлари мумкин<sup>75</sup>.

### Қайтариш усули

Қайтариш усули одам савдоси жабрдийдаларига ҳам қайтариш, ҳам қайтаришдан кейинги пайтда ҳақиқий ёки ҳис этилаётган хавфсизликка жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Жабрдийдалар уларни кузатиб боришганида ва/ёки белгиланган жойда кутишганида, айниқса улар ўзларига маълум бўлган одам савдогарларидан хавфсираётган ёки кўчиш жараёни бўйича асабийлашаётгани ҳолатларида<sup>76</sup> ННТ, шунингдек транспортнинг айрим турлари (масалан, самолёт) бошқаларига қараганда (масалан, автобус) хавфсизроқдир ва имконият даражасида бевосита транспортнинг ана шу тури мақбул деб топилиши керак<sup>77</sup>.

ЕХХТда иштирок этувчи қатор давлатларда барча мигрантларни, шу жумладан одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришда ёрдам кўрсатиш амалдаги миллий қонунчилик, шу жумладан миграция, бошпана ёки хорижликларга

72 БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитаси (БХК), Умумий тартибдаги 13-мулоҳазалар: Боланинг зўрлашнинг барча шаклларида ҳолисиги ҳуқуқи, 2011 йил 18 апрель, CRC/C/GC/13, 50-модда.

73 БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитаси (БХК), Умумий тартибдаги 13-мулоҳазалар: Боланинг зўрлашнинг барча шаклларида ҳолисиги ҳуқуқи, 2011 йил 18 апрель, CRC/C/GC/13, 50-модда.

74 ЕХХТ ДИИХБ экспертларининг Варшавадаги кенгаши, 2014 йил 11-12 февраль

75 БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТ НЖБ), Сборник методических пособий по вопросам борьбы с торговлей людьми, октябрь 2008 г., с. 376 и Методическое пособие 8.11 (далее – «Сборник методических пособий УНП ООН»).

76 Surtees, Rebecca. Listening to Victims: Experiences of identification, return and assistance in South-Eastern Europe [ Жабрдийдаларга қулоқ тутиб. Жанубий-Шарқий Европада идентификациялаш, қайтариш ва ёрдам кўрсатиш тажрибаси]. Vienna, International Centre for Migration Policy Development, 2007, pp. 110-111.

77 «Анимус» инқироз маркази вакиллари билан интервью, София, 2011 йил 24 ноябрь.

истиқомат қилиш тури тақдим этиш қонунлари билан тартибга солинади<sup>78</sup>. ЕХХТда иштирок этувчи айрим давлатлар мигрантларнинг муайян гуруҳларини, шу жумладан одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришда ёрдам кўрсатишади<sup>79</sup>. Бундан ташқари айрим мамлакатларда одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришни тартибга соладиган аниқ қоидалар ва тартиблар амал этади. Халқаро миграция ташкилоти ихтиёрий қайтаришга ёрдам бериш дастурларини амалга ошираётган ЕХХТда иштирок этувчи давлатларда одам савдоси жабрдийдалари мигрантлар учун умумий дастурлар бўйича ёки махсус одам савдоси жабрдийдалари учун ишлаб чиқилган қайтаришга кўмаклашиш дастурлари амалга оширилади<sup>80</sup>. МХТ мигрантларнинг турли тоифаларини қайтаришга ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда одам савдоси жабрдийдалари учун махсус дастурларни ишлаб чиқди<sup>81</sup>. ЕИга аъзо кўпчилик мамлакатларда у ёки бу тарзда ноқонуний мигрантлар ва бошпана излаётган шахсларга “ихтиёрий қайтаришга кўмаклашиш” амалга оширилади<sup>82</sup>. Бу дастурлар кўпинча ҳукуматлар томонидан эмас, балки халқаро ташкилотлар (масалан, МХТ)<sup>83</sup> томонидан амалга оширилади ва бу одатда маҳаллий ННТ қўллаб қувватланишида бўлиб ўтади. Айрим мамлакатларда бир нечта дастурлар амал этади.

Давлатларда қайтариш, шу жумладан жабрдийдалар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш дастурлари ва тартибларини амалга ошириш учун расмий база мавжуд бўлмаганида барча шахсларнинг ҳар қандай мамлакатдан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига кириш ҳуқуқига риоя этмаслик, шунингдек давлат томонидан одам

78 Programmes and Strategies in the EU Member States / European Migration Network, кўрсатилган асар. 13-ҳавола, 40 б.

79 Hancilova B., Massey C. Legislation and the Situation Concerning Trafficking in Human Beings for the Purpose of Sexual Exploitation in EU Member States (ЕИга аъзо мамлакатларда қонунчилик ва шахвоний эксплуатация мақсадларида одам савдоси вазияти). Vienna, International Centre for Migration Policy Development, 2009; Programmes and Strategies in the EU Member States, European Migration Network, кўрсатилган асар. 13-ҳавола, 85 б.

80 Programmes and Strategies in the EU Member States, European Migration Network, , кўрсатилган асар. 13-ҳавола, 7 б.; Cuzuioc-Weiss B., Lacroix C. Study on Post-Trafficking Experiences in the Czech Republic, Hungary, Italy, and Portugal [Одам савдоси жабрдийдаларининг озодликка чиқанларидан кейинги тажрибасини тадқиқ этиш]. Vienna, International Centre for Migration Policy Development, 2010, p. 104.

81 Jobe A. The Causes and Consequences of Re-Trafficking, указ соч., сноска 39, с. 48; International Organization for Migration (IOM), Handbook on Direct Assistance for Victims of Trafficking [Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш бўйича қўлланма], Geneva, IOM, 2007, Chapter 3. Айрим мамлакатларда ХМТ идентификация қилишдан бошлаб реинтеграция босқичи тугагунча қайтариш жараёнида иштирок этади, бошқа мамлакатларда у фақат қайтариш жараёнининг ўзи учун масъул бўлиши мумкин. МХТнинг қайтаришда кўрсатаётган ёрдами, ҳукуматлар ва маҳаллий хизматларни тақдим этишувчилар билан келишувлари, шунингдек ушбу мамлакатдаги мавжуд ҳуқуқий ва сиёсий чегараланишлар билан боғлиқ бўлади (Jobe A. The Causes and Consequences of Re-Trafficking, p. 45). ХМТ миллий бюроларининг одам савдоси жабрдийдаларига таалуқли, шу жумладан қайтаришни ташкил этиш бўйича ҳуқуқий чегаралар ва амалий тавсиялар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни кўзда тутадиган масалаларга таалуқли ҳар қандай фаолияти ХМТнинг Қўлланмасига мувофиқ амалга оширилади. Одам савдоси жабрдийдаларини хавфсиз қайтаришда ёрдам кўрсатилиши билан бирга уларга турар жой ва бошпана, умумий ва касбий таълим, молиявий ва тиббий ёрдам тақдим этилиши мумкин

82 Одатда “қайтиб келаётган шахсга ихтиёрий қайтишда ёрдам (логистика, молиявий ва/ёки моддий) тақдим этиш деб тушунилади (қаранг: Programmes and Strategies in the EU Member States, кўрсатилган асар, 13-ҳавола, 16 б.).

83 Масалан, La Strada ташкилоти Польшада қайтариш дастурини амалга оширади (Human Trafficking in the Baltic Sea Region, 37-ҳавола, 39 б.).

савдоси жабрдийдаларини хавфсиз қайтаришга кўмаклашиш мажбуриятларини бажармаслик хавфи пайдо бўлади.

Тадқиқотлар қайтариш жараёни зарур талабларга жавоб бермаслиги одам савдоси жабрдийдаларида ҳимоясизланмаганлик ва ташвишланиш ҳиссиёти пайдо бўлишидан далолат беради. Бунга ушбу жараён давомида уларга хавфсизлик кафолатлари ва қайтариш тўғрисида, шу жумладан ўзлари дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар тўғрисидаги ахборот тақдим этилмаслиги ҳамда бориш жойида кутиб олишни ташкил қилиш чоралари кўрилмаслиги сабаб бўлади. Қайтариш усули ва ушбу жараённинг бориши одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқларини таъминлаш ва қадр-қимматларини ҳурмат қилиш нуктаи назаридан ҳам муҳимдир. Бундан ташқари шуни ҳам англаш муҳимки, одам савдоси жабрдийдаси сифатида қайтарилаётган шахсни идентификация қилиш уни олиб кетиш жараёнида баъзи вазиятларда эҳтимол тутилган стигматизация ёки қийинчиликлар муаммосини туғдириши мумкин<sup>84</sup>.

Халқаро ва минтақавий ҳуқуққа мувофиқ, ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар одам савдоси жабрдийдаларининг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ва шахсини иложи борица энг юқори даражада ҳимоя қилишлари шарт, бунда бошқа шахсларнинг, шу жумладан айбланаётганларнинг ҳам ҳуқуқлари бузмаслиги керак. Тегинли, шу жумладан ЕХХТ шафелигида ишлаб чиқилган стратегияларда ушбу меъёр, шунингдек шахсий ҳаётнинг дахлсизлигини ҳурмат қилиш билан жабрдийдани хавфсиз қайтаришнинг боҳлиқлиги мустаҳкамлаб кўйилган. Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болалар алоҳида ночор эканликларини тан олиш сифатида уларга нисбатан махсус ва кўшимча мажбуриятлар амал этади. ЕХХТ минтақасида миллий қонунлар одатда шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ва шахсни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Бироқ ЕХХТга аъзо бўлган фақат айрим давлатлардагина одам савдоси жабрдийдалари шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш масалаларини бевосита тартибга солидиган қоидалар қабул қилинган.

Шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ва айнанликни ҳимоя қилиш масалалари жабрдийдаларни қайтариш маъносида бу жараёнда ҳокимият органлари, хизматларни тақдим этувчи агентликлар ҳамда жабрдийдаларнинг келиб чиқиш мамлакатадаги қариндошлари иштирок этаётганида алоҳида аҳамиятга эга. ЕХХТнинг мажбуриятларида одам савдоси жабрдийдалари шахсий ҳаётининг дахлсизлигини ҳимоя қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ходимларини жабрдийда шахси ёки бошқа махфий ахборотни ошкор қилиш қандай хавф туғдириши тўғрисида хабардор қилиш зарурати таъкидланади. Чунки бу жабрдийданинг хавфсизлигини ёки унинг жиноий иш доираси

---

84 Surtees, Listening to Victims, кўрсатилган асар, 77-ҳавола, 107 6.

жараёнида одил судловдан фойдаланиш имкониятини хавф остига қўйиши мумкин<sup>85</sup>.

Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш конвенциясига мувофиқ, Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар жабрдийдаларнинг шахсий ҳаёти ва шахсини ҳимоя қилишлари шарт<sup>86</sup>. Шу муносабат билан Конвенция жабрдийдаларга тааллуқли шахсий маълумотлар Жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотларни автомат тарзида қайта ишлашга нисбатан ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциясида кўзда тутилган шартларга мувофиқ сақланиши ва фойдаланишини талаб этади<sup>87</sup>. Одам савдоси жабрдийдаси бўлган бола шахси ёки унинг шахсини ўрнатиш имконини берадиган маълумотлар улар боланинг қариндошларини излаш ёки омон-эсонлигини таъминлаш ва қандайдир бошқа шаклда ҳимоя қилиш учун фойдаланиш билан боғлиқ фавқулотда вазиятларни истисно этганда, ошкор этилмаслиги зарур<sup>88</sup>.

ЕИнинг шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга тааллуқли стандартлари маълумотлар фақат муайян шартларга амал қилинган ҳолда сақланиши, берилиши ёки тарқатилиши мумкинлигини кўзда тутди<sup>89</sup>. Жумладан, маълумотларни рухсат берилмаган ҳолда ошкор қилиш ёки улардан фойдаланишнинг олдини олишга (айниқса, маълумотлар Интернет тармоғи орқали узатиладиган бўлса) йўналтирилган тегишли техник ва ташкилий тартибларга амал қилиниши керак<sup>90</sup>. Қайтариш маъносида шахсий маълумотлар учинчи мамлакатга фақат ушбу мамлакат маълумотлар ҳимояланишининг етарли даражасини таъминлангандагина берилиши мумкинлиги алоҳида аҳмиятлидир<sup>91</sup>.

85 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, 7.4-банд

86 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш конвенцияси, 11.1-модда

87 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш конвенцияси, 11(1)-модда. Жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотларни автомат тарзида қайта ишлашга нисбатан ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциясининг 7-моддасида автоматлашган маълумотлар базасида сақланаётган шахсий маълумотлардан рухсат берилмаган тарзда фойдаланиш, маълумотларни ўзгартириш ёки тарқатишдан ҳимоя қилиш учун тегишли хавфсизлик чоралари кўрилиши кўзда тутилган (қаранг: Жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотларни автомат тарзда қайта ишлашга нисбатан ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция, 1981 йил 28 январда қабул қилинган, 1985 йил 1 октябрда кучга кирган, Европа Иттифоқи, ЕИЕК, 108-сон). Конвенцияга мувофиқ, ушбу чоралар бажарилмаган ҳолатларда давлатлар тегишли жазо чоралари ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларини кўзда тутишлари керак (10-модда)

88 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш конвенцияси, 11-модда

89 EU Directive 95/46/EC on the protection of individuals with regard to the processing of personal data and on the free movement of such data (Европа Иттифоқининг Шахсий маълумотлар билан ишлашга ва ушбу маълумотларнинг эркин ҳаракатланишига нисбатан жисмоний шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги йўриқномаси, 1995 OJ L 281. Бундай шартларга бошқа нарсалар қатори, маълумотлар субъектидан рухсат олиш ва маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш ёки маълумотлар субъектининг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурлиги тўғрисидаги талаблар тааллуқлидир

90 Ўша жойда, 17-модда

91 Ўша жойда, 25-модда. ЕИнинг Экспертлар гуруҳи келиб чиқиш мамлаката билан шахсий маълумотларни айрибошлашга киришишдан аввал, маълумотлар етарли даражада ҳимоялаиши кафолатланлиги ва шахсий маълумотлардан фойдаланиш гуҳуқига эгалар махфийликка амал қилишларига ишонч ҳосил қилишлари кераклигини тавсия этади. Бундан ташқари экспертлар ҳуқуққни ҳимоя қилувчи органлар ва одам савдоси жабрдийдалари билан ишлайдиган органлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларда одам савдоси жабрдийданинг шахси тўғрисидаги ёки бошқа маълумотлари унинг рухсатсиз ёки ваколатли органларнинг рухсатсиз бошқаларга берилмаслиги кафолатланадиган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилишини тавсия этадилар (қаранг: ЕИ Экспертлар гуруҳининг маърузаси, 40-тавсия, 23-24-модда)

Амалиётчи мутахассислар, шунингдек қайтариб юбораётган мамлакатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари қабул қилаётган мамлакат маъмурига қайтарилаётган шахс одам савдоси жабрдийдаси эканлигини жабрдийданинг аниқ рухсатини олмасдан маълум қилмасликни тавсия этишади. Бу фақат ушбу шахснинг хавфсизлигини таъминлаш (масалан, келиб чиқиш мамлакатада коррупцияга нисбатан хавф бўлганида) учунгина эмас, шунингдек одам савдоси жабрдийдаларини эҳтимол тутилган стигматизациядан ҳимоя қилиш учун ҳам муҳимдир. Шунинг учун тегишли қоида БМТнинг НЖБ намунавий қонунига киритилди.

## 2-тамойил.

# Тегишли ҳуқуқий тартибга бўлган ҳуқуқ

---

ЕХХТга аъзо айрим иштирок этувчи давлатларнинг ҳуқуқий тизимида қайтариш ҳуқуқига нисбатан тегишли ҳуқуқий тартибга тўла ҳажмда риоя этилмайди. Кўпгина иштирок этувчи давлатларда одам савдоси жабрдийдаларига муайян ахборотни тақдим этиш кўзда тутилади, айти пайтда бошқа мамлакатларда бунга қўшимча равишда жабрдийдаларга маслаҳат ёки ҳуқуқшунос ёрдам кўрсатиши тақдим этилади. Бироқ тақдим этилаётган ахборот ҳамда ёрдамнинг тизимлиги ва сифати саволлар туғдиради. Айрим мамлакатларда идентификация қилишдаги хатолар оқибатида одам савдоси жабрдийдалари иммигрантларни сақлаш марказларига жойлаштирилади, бу шахслар ёрдам кўрсатилиши ва ахборотдан маҳрум этилади. Бошқа мамлакатларда агар жинсий ишни текшириш бошланган бўлса, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам ва ахборотдан фойдаланиш тақдим этилмайди. Одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва фойдаланса бўладиган ҳуқуқий ва бошқа ёрдам шакллари тўғрисидаги маълумотдан фойдаланиш, шунингдек, ўйлаш учун вақт ажратилган – одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқий ҳимоя воситаларига эришишга қодир бўлишлари учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган процессуал ҳуқуқдир (ушбу масала қуйида қараб чиқилади, 6-тамойилга қаранг).

### **Мажбурий қайтариш маъносида тўғри идентификациялашнинг аҳамияти**

Одам савдоси жабрдийдаларини тўғри идентификациялаш жуда катта аҳамиятга эга. Одам савдоси жабрдийдаларини адашмасдан ва ўз вақтида идентификация қила олмаслик – ЕХХТнинг бутун минтақасида хал этиш талаб этилаётган ҳамда одам савдоси жабрдийдаларини мажбурий қайтариш ва улар ҳуқуқларига амал этмаслик хавфини келтириб чиқарадиган доимий муаммадир. Ушбу муаммо миллий даражада одам савдосинининг олдини олиш бўйича бошқа камчиликларни, шу жумладан одам савдосини жиноят деб тўлиқ тан олишга қодир эмасликни ва тегишли чоралар кўрилмаслигини, одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш ва қайта йўналтириш самарали механизмларини ташкил этишга қодирсизлигини, шунингдек ушбу муаммо билан бевосита шуғулланадиган мансабдор шахсларнинг (масалан, полиция ҳамда миграция ва чегара хизматлари ходимлари) ҳар қандай ёшдаги одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш ва ҳар қандай жинсга

мансублигини аиқлаш бўйича етарли даражада тайёрлаш таъминланмаганлигини акс эттиради.

Кўпчилик мамлакатлардан ушланган мигрант одам савдоси объекти эканлиги масаласини аниқлашда чегара, миграция ва полиция хизматларининг ходимлари амал қилиши керак бўлган стандарт тартиблар ўрнатилмаган. Одам савдоси жабрдийдалари кўпинча яшаш учун амалда бўлган рухсатга, визага ёки ҳатто паспортга ҳам эга эмасликлари учун улар полиция ёки чегара хизмати томонидан ҳибсга олинади, чиқариб юборилгунча сақланадиган марказга жўнатилади, кейин эса мамлакатдан депортация қилинади. Буларнинг ҳаммаси жуда қисқа муддатда содир бўлиши мумкин. Шу муносабат билан мигрантлар ёки бошпана излаётган шахслар ишини кўриб чиқиш учун мўлжалланган маъмурий тизимга тушиб қолган одам савдоси жабрдийдаси одам савдоси жабрдийдалари сифатида идентификация қилинмаслиги хавфи мавжуд. Ҳатто одам савдоси жабрдийдаларини тўғри идентификация қилинганида ҳам хатолар ёки турли давлат органлари ўртасида ўзаро иш кўриш мавжуд бўлмаслиги оқибатида барибир депортация қилиниш хавфи мавжуд бўлади.

Бундан ташқари ноқонуний миграция билан курашишга йўналтирилган чоралар амалга оширилиши муносабати билан одам савдоси жабрдийдалари ихтиёрий тарзда мажбурий қайтарилш хавфига дучор бўлиши мумкин. Бундай чоралар чегарадаги ўтказиш жойида мамлакатга киришни рад этиш ҳамда қайтариш, шу жумладан реадмиссия тўғрисидаги битим доирасида тезлаштириш тартибни қамраб олади. Рeadмиссиянинг тезлаштирилган тартиблари одам савдоси жабрдийдаларига чегарада бошпана олиш тартибидан фойдаланиш рад этилганида мажбурий қайтариш ҳолатларига олиб келади. Одам савдоси жабрдийдалари аниқ бир мамлакат хавфсизлиги тўғрисида нотўғри тасаввурлар асосида қабул қилинган бошпана тақдим этишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг салбий оқибатларига (яъни, келиб чиқиш давлати ёки учинчи мамлакат хавфсизми деган тасаввур бўйича) - чиқариб юбориш хавфига олиб келади. Шу муносабат билан айрим мамлакатларда одам савдосига қарши курашишга ёндашувлар одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига зарар келтирган ҳолда, ноқонуний миграциянинг олдини олишга қаратилганлиги ташвиш туғдиради.

Одам савдоси жабрдийдаларини тўғри идентификация қилиш уларни ноқонуний мигрант шахслар сифатида чиқариб юборилишининг олдини олиш ва уларга тегишли ҳуқуқларни ташкил этиш учун тамойиллиал аҳамиятга эгадир. Одам савдоси жабрдийдаларини аниқ ва ўз вақтида идентификация қилиш самарали амал этаётган расмий идентификация қилиш тизими мавжуд бўлишини талаб этади. ДИИХБ бундай тизимларни тегишли тарзда ўқитилган ходимлар иш олиб борадиган жабрдийдаларни қайта йўналтириш миллий механизмларига интеграция қилишни тавсия этади<sup>92</sup>. Шу масалада ЕХХТ

92 Механизмы перенаправления жертв торговли людьми на национальном уровне: практическое руководство. Варшава, БДИПЧ ОБСЕ, 2004, с. 59.

Вазирлар кенгашининг 5/08-қарори давлатларни идентификация қилиш жараёни тугалланмагунгача эҳтимол тутилган одам савдоси жабрдийдаларини чиқариб юбормасликка даъват этади. Яқинда қабул қилинган ЕХХТ Харакатлар режасига 2013-йилги Қўшимчаларда иштирок этувчи давлатларга одам савдоси жабрдийдаларини қайта йўналтириш тўғрисидаги қарорларни миллий қонунчиликка мувофиқ қайта кўриб чиқиш мумкинлигини таъминлаш тавсия қилинади<sup>93</sup>. Европа Кенгаши қайсидир бир шахс одам савдоси жабрдийдаси бўлганлиги тўғрисида оқилона асослар мавжудлигида ушбу шахс одам савдоси жабрдийдаси сифатида идентификация қилиш жараёни тугалланмагунга қадар мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилмаслиги кераклигини кўрсатади<sup>94</sup>. ЕИ унинг аъзолари “одам савдоси жабрдийдалари барвақт идентификация қилиниш механизмларида кўзда тутилгандек ва одам савдоси жабрдийдаларига уни қўллаб-қувватлаётган тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда уларга ёрдам ва қўллаб-қувватлаш кўрсатишга жавоб берадиган зарур чоралар кўришлари кераклигини” уқтиради<sup>95</sup>. Бундан ташқари ЕИ ўйлаш учун берилган вақт давомида чиқариб юбориш тўғрисидаги фармойишни бажаришни ман этади. Ушбу даврда идентификация жараёни ниҳоясига етади ва жабрдийдаларга уларга реалибитация қилиш мақсадида ёрдам кўрсатилади<sup>96</sup>.

## Ўйлаш учун вақт

93 ЕХХТнинг Харакатлар режасига 2013 йилги Қўшимчалар, IV бўлим 1 ва 1.3-бандлар

94 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш конвенцияси, 10(2)-модда. Европа Кенгашининг Вазирлар қўмитаси томонидан учинчи мамлакат фуқароларини қайтариш соҳасида энг яхши амалиётни тақдим этиш мақсадида нашр этилган “Мажбурий қайтариш тўғрисидаги масала бўйича йигирмата дастурамал принциплар”да (Twenty Guidelines on Forced Return) чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор ҳар бир манфаатдор шахснинг шахсий иши бўйича мутлақ бу аниқ ишнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда етарли даражада ва объектив кўриб чиқиш асосида қабул қилиниши кўрсатилган (қаранг: Twenty Guidelines on Forced Return (Committee of Ministers of the Council of Europe), CM(2005)40, guideline 3). Бу тегишли шахснинг шахсий вазиятларини кўриб чиқишни ва алоҳида шахсларни уларнинг фуқаролиги ёки муайян гуруҳга мансублиги асосида чиқариб юборилмасликни назарда тутди. Қаранг: “Сонка Бельгияга қарши” иши (Сонка v. Belgium), 51564/99-баёнот, Европа Кенгаши, Европа инсон ҳуқуқлари бўйича суд, 2002 йил, 5 февраль

95 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш конвенцияси, 11(4)-модда.

96 Council Directive 2004/81/EC of 29 April 2004 on the residence permit issued to third-country nationals who are victims of trafficking in human beings or who have been the subject of an action to facilitate illegal immigration, who cooperate with the competent authorities (Кенгашининг Одам савдоси жабрдийдалари ёки ноқонуний миграция объекти бўлган ва ҳокимиятнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилаётган учинчи мамлакатлар фуқароларига истиқомат қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги 2004 йил 29 апрелдаги 2004/81/ЕИ йўриқномаси). ЕИнинг Қайтариш тўғрисидаги йўриқномасида ЕИга аъзо мамлакатлар ҳудудида ноқонуний бўлиб турган учинчи мамлакатларнинг фуқароларига нисбатан қўлланиладиган тартиблар баён этилгани ҳолда, унда “давлатнинг ҳудудида ноқонуний бўлиб турган учинчи мамлакат фуқаролари” тугал тушунчаси, шунингдек тегишли шахслар қай тарзда ва қайси мезонлар асосида бу тушунчага мос келиши бўйича давлатларга кўрсатмалар мавжуд эмас (ва бу билан уларнинг камида вақтинча мамлакатда бўлиши ҳуқуқининг тан олинishi). Шунинг учун улар одам савдоси жабрдийдалари мақоми муносабати билан ҳеч бўлмаганда мамлакат ҳудудида бўлиш ҳар қандай ҳуқуқи муддати тугамагунча ёки бу ҳуқуқнинг амал этиши тугамагунча ўзлари Йўриқноманинг амал этишига тааллуқли бўлмайди.

ЕХХТда иштирок этувчи кўпчилик давлатларда одам савдоси жабрдийдаларига бошидан ўтказганларни ўйлаш учун вақт тақдим этишга йўналтирилган қонунчилик ёки дастуриламал қоидалар қабул қилинган; ушбу шахсларга, шунингдек мўлжалланган мамлакатда суд суриштируви пайтида қолиш ҳуқуқи тақдим этилади, айрим ҳолатларда эса ёрдамдан фойдаланиш имконияти берилди. Жабрдийда мақомини тартибга солишни таъминлайдиган тартибларнинг самарадорлиги ушбу тартибларни бошқариш учун масъул бўлган шахсларнинг салоҳиятига боғлиқдир. Айрим мамлакатларда одам савдоси жабрдийдалари мақоми тўғрисидаги қарорлар ушбу муаммо билан бевосита шуғулланадиган ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, миграция хизматлари ва бошқа муассасалар ходимлари томонидан қабул қилинади<sup>97</sup>.

ЕХХТ минтақасидаги тобора кўпроқ давлатлар (эҳтимол тутилган) одам савдоси жабрдийдаларининг ўйлашлари ва ўзларини тиклашлари учун вақт тақдим этади, акс ҳолда улар ушбу мамлакатда қолишларининг имконияти бўлмасди. Одам савдоси жабрдийдаларига ўйлашлари ва ўзларини тиклашлари учун вақт ажратилишининг муҳимлиги ЕХХТ томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатларда таъкидланади. ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси қоидаларида ўйлаш учун вақт жабрдийда суд жараёнида гувоҳ сифатида иштирок этиш ёки бу тарзда иштирок этишни рад этиши тўғрисида қарор қабул қилиши учун зарурлиги англанади<sup>98</sup>. ЕХХТнинг мажбуриятларига мувофиқ иштирок этувчи давлатлар одам савдоси жабрдийдаларига ўйлашлари ва ўзларини тиклашлари учун вақт ажратишлари<sup>99</sup> ва ўша давр давомида уларни чиқариб юборилмасликни таъминлашлари керак<sup>100</sup>.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи тайёрланаётган пайтда ўйлаш ва ўзини тиклаш учун вақт ажратиш концепцияси ҳали қарор топмаган ва шунинг учун ушбу ҳужжатда қайд этилмаган эди. Шунга қарамасдан, бу Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясида акс этган ва тушунтирилган. Конвенцияда қонунчиликда ўйлаш учун ажратиладиган вақт камида 30 кун бўлиши кўзда тутилиши тўғрисидаги талаб

97 Ейга аъзо иштирок этувчи давлатларга келганда, Европа комиссияси куйидаги муаммоларни кўрсатган: одам савдоси жабрдийдаларини вақтинча истиқомат қилиш ҳуқуқини олиш имкониятлари тўғрисида хабардор қилиш ҳамда тегишли ахборот мазмунини аниқ белгилаш учун масъул органни тайинлашга қодир эмаслик; одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилишга қодир эмаслик, бунинг уларни ноқонуний мигрантлар сифатида ҳисба олишга сабаб бўлиши; истиқомат қилишга руҳсат беришнинг дастлабки шарт сифатида шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этишни талаб қилиш; руҳий ёрдам кўрсатиш тўғрисида махсус низомнинг қабул қилинмаганлиги; одам савдоси жабрдийдаларининг хавфсизлиги ва уларни ҳимоя қилиш аниқ қоидаларнинг қабул қилинмаганлиги; боланинг энг яхши манфаатларини зарур даражада ҳисобга олиш аниқ қоидаларининг мавжуд эмаслиги; ижтимоий ёрдам тўғрисида мақсадли дастурларнинг йўқлиги (қаранг: European Commission, Report from the Commission on the application of Directive 2004/81; Европа комиссияси, Йўриқнома бажарилиши тўғрисида маъруза 2004/81), COM(2010) 493 final, p. 10).

98 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, V бўлим, 8.1-банд; ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2013 йилги Қўшимчалар, IV бўлим, 2 ва 2.3-бандлар

99 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг “Меҳнат эксплуатацияси мақсадларида одам савдосига қарши кураш” 807-сон қарори, Мадрид, 2007 йил 30 ноябрь // URL: <http://www.osce.org/ru/mc/29467?download=true>

100 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг “Комплекс ёндашув асосида жиноий одил судлов доирасида одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш” 5/08-сон қарори, Хельсинки, 2008 йил 5 декабрь

қайд қилинган<sup>101</sup>. Ана шу давр одам савдоси жабрдийдаларига реалибитацидан ўтиш, одам савдогарлари таъсиридан тўла ҳалос бўлиш ҳамда маъмурлар билан ҳамкорлик қилиш ёки бундай ҳамкорликдан воз кечиш тўғрисида онгли қарор қабул қилиш учун етарлича вақт бўлишига қаратилган. Ана шу вақт давомида одам савдосидан жабрланган шахсга ҳимоя ва ёрдам тақдим этилиши<sup>102</sup> ҳамда у мамлакатдан чиқариб юборилмаслиги керак<sup>103</sup>. Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар одам савдоси жабрдийдаларини мажбурий қайтаришнинг олдини олиш воситаларини ўзлари танлаши мумкин, бироқ бунда улар ўзини тиклаш даври мобайнида ҳудудларида қолиш имкониятини берадиган ҳуқуқий асосни яратишлари шарт ва ушбу шахсларга тегишли рухсат берадиган ҳужжатларни беришлари шарт<sup>104</sup>.

ЕИ қонунчилигида, шунингдек ўйлаш учун вақт ҳам кўзда тутилади, лекин унинг муддатларини белгилаш иштирок этувчи давлатлар ихтиёрига берилган<sup>105</sup>. Ўйлаш учун берилган бутун вақт давомида учинчи мамлакатлар фуқароларига нисбатан қайтариш тўғрисидаги буйруқлар бажарилиши мумкин эмас. Ушбу шахсларга “яшашларини таъминлаш имконини берадиган турмуш шароитларини тақдим этиш” ва зарурат бўлганида, шошилишч тиббий

---

101 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 13.1-модда. Ўзини тиклаш даври Конвенцияда иштирок этувчи давлат ҳудудида ноқонуний турган ёки фақат қисқа муддатда истиқомат қилиш ҳуқуқи берилган, ушбу ҳудудда қонуний турган одам савдоси жабрдийдалари учун мўлжалланган (Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси)

102 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 13.2, 12(1) (2)-моддалари

103 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 13.1-модд

104 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси, 178-банд

105 ЕИнинг 2004/81/ЕС Йўриқномаси, 6-модда. Йўриқнома одам савдоси жабрдийдалари муаммолари ҳамда уларнинг қўллаб-қувватланишига етарли эътибор берилмаганлиги учун танқид қилинди (қаранг: EU Group of Experts, Opinion No. 4/2009, On a possible revision of Council Directive 2004/81/EC, para. 3). ЕИнинг Экспертлар гуруҳи одам савдоси жабрдийдаларига етали ёрдам ва қўллаб-қувватлаш кўрсатиш ҳамда жиноий ишни текшириш давомида ҳамкорлик тўғрисида ўйланган қарор қабул қилиши, компенсация тўланишини талаб қилиши ёқ уйига қайтиши учун ўйлашга давомийлиги энг кам миқдорда уч ойдан кам бўлмаган вақт тақдим этишни тавсия қилди. Истиқомат қилиш ҳуқуқига келганда, Экспертлар гуруҳи унинг берилиши учун жабрдийданинг тергов органлари ёки прокуратура билан ҳамкорлик қилишига озиллик беришига боғлиқ бўлмаслиги тўғрисида баёнот берди. Экспертлар гуруҳи, шунингдек кўп ҳолларда одам савдоси жабрдийдалари муҳим ахборотни олмасликлари, одам савдогарлари эса таъқиб қилинишдан қутилиб қолишлари мумкинлигини ёки жабрдийдалар бундай ҳамкорлик қилишга рози бўлиши, ўзларига ёки қариндошларига жиддий зиён етказилишидан хавфсирашларини таъкидлади. Бироқ бу жабрдийдаларнинг ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож шахслар мақомларини ўзгартирмайди. Экспертлар гуруҳи одам савдоси жабрдийдалари бўлган катталарга ҳам, болаларга ҳам камида олти ой муддатга ишлаш ҳамда жабрдийдаларнинг давлат органлари билан ҳамкорлик қилишлари ёки қилмасликларидан қатъи назар ижтимоий дастурлардан фойдаланиш ҳуқуқи кўзда тутилган вақтинчалик, бироқ узайтириладиган истиқомат қилиш ҳуқуқини беришни тавсия этди. Шунингдек қаранг: Gallagher A.T. The International Law of Human Trafficking. New York, Cambridge University Press, 2010, pp. 298-301.

ёрдамдан, шу жумладан руҳий ёрдамдан фойдаланиш имконияти таъминла-  
ниши керак<sup>106</sup>.

### Одил судловдан фойдаланиш имконияти

ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, унга 2013 йилдаги Қўшимчалар ва ЕХХТ Вазир-  
лар кенгашининг 14/06 ва 8/07-қарорларида одам савдоси жабрдийдалари бўл-  
ган шахсларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятининг аҳамияти таъ-  
кидланади ва шу муносабат билан уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш зарурати  
уқтирилади. Бундай ёрдам жабрдийдаларга ҳуқуқшуносларнинг маслаҳатла-  
рини ва улар учун тушунарли тилда қонуний ҳуқуқлари тўғрисидаги ахбо-  
ротни тақдим этишни қамраб олиши керак. Шуни таъкидлаш керакки, Вазир-  
лар кенгашининг 8/07-қарорида белгилаб қўйилганидек, давлатлар одам сав-  
доси жабрдийдалари шахсан суд жараёни да иштирок эта олмаса, судда муқо-  
бил ваколат имкониятини кўриб чиқишлари керак.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколига мувофиқ, одам савдоси жабр-  
дийдаларини тегишли суд ва маъмурий текширишлар тўғрисида хабардор  
қилиш, шунингдек ушбу шахсларга жиноий ишни кўриб чиқиш давомида ўз  
фикрлари ва манфаатларини баён этиш имкониятини берадиган ёрдам кўр-  
сатилиши керак. Бундан ташқари БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги прото-  
колида жабрдийдаларга маслаҳат ёрдами ҳамда улар учун тушунарли тилда  
ҳуқуқий ҳуқуқлари бўйича ахборот тақдим этиш тўғрисида тавсиялар қайд  
этилган<sup>107</sup>. БМТнинг Одам савдоси жабрдийдалари учун ҳуқуқий ҳимоя воси-  
таларига ҳуқуққа нисбатан асосий тамойиллар лойиҳасига мувофиқ, одам сав-  
доси жабрдийдаларининг процессуал ҳуқуқлари ваколатли органларга муро-  
жаат қилиш, ўз ҳуқуқлари тўғрисида ахборот олиш, ҳуқуқий ёрдамнинг бошқа  
турларини тақдим этиш, шунингдек ўйлаш учун вақтни қамраб олади<sup>108</sup>.

Амалиётчи мутахассисларнинг фикрича, ЕХХТда иштирок этувчи давлат-  
ларда одам савдосидан жабрланганларга одам савдоси жабрдийдалари мақо-  
мини тақдим этиш кўпинча рад этилади. Бу кўпинча жиноий ишни текшириш  
бошланмаганда (баъзан одам савдоси жабрдийдалари маъмурлар билан ҳам-  
корлик қилишни хоҳламаганликлари натижасида) рўй беради. Бунинг оқиба-  
тида ушбу шахс ёки тегишли ёрдамдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум  
бўлади, ёки чегараланган миқдорда ёрдам олади. БМТнинг жиноят жабрдий-  
даларига, шунингдек инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқининг қўпол бузилиши

106 ЕИ Кенгашининг 2004/81/ЕИ йўриқномаси, 7-модда. ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси ўзининг муқаддимасида ўйлаш учун вақтни тилга олади ва одам савдоси жабрдийдаси тегишли аъзо мамлакатда қонуний асосда яшаётган ҳолатларда унга қўллаб-қувватлаш сўзсиз тартибда, ҳеч бўлмаганда ўйлаш муддаёги давомида кўрсатилишини тасдиқдайди (18-банд) БМТнинг қатор тузилмалари одам савдоси жабрдийдалариша ўйлаш ва ўзини тиклаш учун давомийлиги камида 90 кун тақдим этишни тавсия қилади (қаранг: OHCHR, UNHCR, UNICEF, UNODC, UN Women and ILO. Prevent, Combat, Protect: Human Trafficking – Joint UN Commentary on the EU Directive, A Human Rights-Based Approach., p. 44)

107 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 6.2 ва 6.3(b)-моддалари

108 БМТнинг Одам савдоси жабрдийдалари учун самарали ҳуқуқий ҳимояга ҳуқуқига нисбатан асосий принциплар лойиҳаси, UN Doc. A/HRC/17/35, 2011 йил 13 апрель, 1(5)-модда

жабрдийдаларига, одам савдоси жабрдийдаларига тааллуқли тамойилларда одам савдоси жабрдийдалари уларнинг бу мақоми ўрнатилганлиги, ҳибсга олинганлиги, ушбу аниқ ҳолатда ҳуқуқбузарсифатида судга берилганлиги ёки ҳукм қилинганлигидан қатъи назар одам савдоси жабрдийдалари деб қаралиши керак<sup>109</sup>. Асосий тамойиллар лойиҳаси ҳудди шу тарзда одам савдоси жабрдийдалари учун ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига нисбатан барча одам савдоси жабрдийдалари олишга ушбу жабрдийдаларга нисбатан жиноятни содир этган одам савдогарлари ҳукм қилинганлигидан қатъи назар суд тартибида таъминланган компенсация ҳуқуқини кўзда тутати<sup>110</sup>.

Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси ҳам конвенцияда иштирок этувчи давлатларда жабрдийдаларга уларга тушунарли тилда маслаҳат ва ахборот тақдим этиш, шунингдек жиноий иш жараёни давомида уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари таъминлайдиган ёрдам кўрсатиш мажбуриятини юклайди<sup>111</sup>. Ушбу шахсларга тегишли суд ва маъмурий тартиблар тўғрисидаги маълумотдан (ушбу шахслар ваколатли органлар билан алоқага киришган пайдан бошлаб) тақдим этилиши керак<sup>112</sup>. Бу, шунингдек мамлакат ҳудудида ноқонуний турган одам савдоси жабрдийдаларига ҳам тааллуқлидир. Улар қандай ҳаракат қилишлари кераклигини ўйлаш ва тегишли ариза топшириш учун вақтга эга бўлишлари учун мамлакатда яшашга нисбатан ўз ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилинишлари керак<sup>113</sup>. Конвенция иштирокчилари одам савдоси жабрдийдаларига бепул ҳуқуқий ёрдам тақдим этилиши шартларини белгилашлари керак<sup>114</sup>. Агар бепул ҳуқуқий ёрдамга ҳуқуқни Европа Инсон ҳуқуқлари бўйича конвенцияси ва Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари прецедент ҳуқуқида мустаҳкамлаб қўйилган меъёрлар билан биргаликда кўриб чиқилса, муайян вазиятларда бу фуқаролик ишларига, масалан компенсациялар тўлаш ёки

---

109 БМТ Бош Ассамблеяси, Жиноятлар ва ҳокимиятни суистеъмол қилиш жабрдийдалари учун одил судловнинг асосий принциплари декларацияси, 1985 йил 29 ноябрь, А/RES/40/34; БМТ Бош Ассамблеяси, Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормаларнинг бузилиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқларнинг жиддий бузилиши жабрдийдаларининг ҳуқуқий ҳимояси ва етказилган зарарни қоплашга тааллуқли асосий принциплар ва дастурамал қоидалар, 2005 йил 16 декабрь, А/60/509/Add.1

110 Одам савдоси жабрдийдалари учун ҳуқуқий ҳимоя воситаларига ҳуқуққа нисбатан асосий принциплар лойиҳаси, 2(c)-модда

111 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси, 12(1)(d), 12(1)(e) моддалар

112 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси, 15(1) – модда, Шунингдек қаранг: Конвенцияга Тушунтириш маърузаси, 192-модда

113 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси, 194-модда

114 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси, 15(2) – модда; Конвенцияга Тушунтириш маърузаси, 195 ва 196-моддалар

иммиграция ишини кўриб чиқишга тааллуқли фуқаролик ишларига қўлланилиши мумкин<sup>115</sup>.

ЕИнинг қонунчилиги ҳудди шу тарзда одам савдоси жабрдийдаларини ушбу шахслар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан яшаш ҳуқуқини ва қайтиб бориш ҳуқуқини ҳимоя қила олишлари учун тегишли ахборотни ва зарур ҳуқуқий ёрдамни тақдим этилишини назарда тутди. Бундан ташқари ЕИнинг қонунчилиги “одам савдоси жабрдийдаларига дарҳол ҳуқуқий ёрдам тақдим этишни талаб этади”<sup>116</sup>. Уларга компенсация олиш мақсадида жиноий одил судловнинг тегишли тизимида жабрдийда мақомига мувофиқ (масалан, агар жабрдийда жиноий иш жараёни тарафи мақомига эга бўлса) ҳуқуқий ваколат таъминланиши керак. Агар жабрдийда етарли маблағга эга бўлмаса, ҳуқуқий ваколат ва ёрдам ЕИнинг тегишли аъзоси бўлган давлат томонидан бепул тақдим этилиши керак<sup>117</sup>. Бундан ташқари БМТнинг тузилмалари ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномасини бажарётган давлатларга бепул ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш имконияти фақат жиноий иш жараёни доирасида тақдим этилмаслигини таъминлашни тавсия этади. Ана шундай имконият мазкур шахснинг одам савдоси жабрдийдаси сифатидаги мақомига тааллуқли ва компенсация олишга йўналтирилган суд ишининг барча турларига, шу жумладан жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича ҳамда меҳнат қонунчилиги бузилиши ишлари бўйича, шунингдек иммиграция мақоми ёки бошпана тақдим этишга тааллуқли текширишлари бўйича тақдим этилиши керак<sup>118</sup>.

### Шикоят бериш имконияти

Одам савдоси жабрдийдаларига қайтариш давомида зарур ҳуқуқий тартибни кафолатлаш учун қайтариш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш воситаларини тақдим этиш муҳимдир. Ушбу маънода ЕХХТнинг маъмурий

115 Бундай вазиятларга текширишнинг мураккаблиги ва муҳокама қилинаётган масалаларнинг ҳиссиётли хусусияти манфаатдор шахсларга ўз ишини зарур тарзда тақдим этишига ҳалақит бериши мумкин (Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси, 195 ва 196-моддалар). Томони одам савдоси жабрдийдаси бўлган барча фуқаролик ишларида (масалан, компенсация тўлаш ёки бошпана беришга тааллуқли ишларда) текширишнинг мураккаблиги ва муҳокама қилинаётган масалаларнинг ҳиссиётли хусусияти сабабли одам савдоси жабрдийдасига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш талаб қилиниши эҳтимолдан холи эмас

116 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, 12(2)-модда

117 Ўша жойда, 12(2)-модда. Одам савдосидан жабрланган жиноят жабрдийдаси сифатидаги шахс Европа парламенти ва Кенгашининг 2012 йил 25 октябрдаги Кенгаш 2001/220/ЈНА, 2012 OJ L 315/57 қарорини алмаштирадиган Жиноят жабрдийдаларининг ҳуқуқлари, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга нисбатан энг кам стандартларини ўрнатиш тўғрисидаги 2012/29/ЕУ йўриқномаси амал этишига тааллуқлидир. ЕИга аъзо давлатларнинг қонунчилигига 2015 йилнинг 16 ноябрига қадар интеграция қилиниши керак бўлган ушбу йўриқномага мувофиқ, одам савдоси жабрдийдалари учун йўриқнома томонидан кафоланган камситишдан холи бўлишга риоя этилган ҳолда эътироф этиш ҳамда ҳушмурмалали ва ҳурмат кўрсатиладиган муомала таъминланади. Европа парламенти яқинда одам савдоси жабрдийдаларига малакали ёрдам, шу жумладан бепул ҳуқуқий ёрдам тақдим этилиши, бунда улар кўпинча молиявий маблағлари етишмаслиги учун бундай хизматларга пул тўлашга қодир эмасликларини ҳисобга олиш кераклиги тўғрисида қарор қабул қилди (қаранг: European Parliament, Resolution of 10 February 2010 on Preventing Trafficking in Human Beings, P7\_TA(2010)0018, para. 18 [Европа парламентининг 2010 йил 10 февралдаги Одам савдосининг олдини олиш тўғрисидаги қарори]).

118 UNHCR et al., Prevent, Combat, Protect: Human Trafficking, кўрсатилган асар, 66 б.

қарорлардан ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларини таъминлашга тааллуқли мажбуриятлари алоҳида аҳамиятга эгадир: уларга мувофиқ ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар маъмурий қоидалар ва қарорларнинг суд назоратини таъминлашга интилишлари керак<sup>119</sup>.

ЕИнинг қайтариш тўғрисидаги йўриқномасига мувофиқ, қайтариш ва депортацияга тааллуқли барча қарорлар ёзма тартибда ҳақиқий ва ҳуқуқий асослар кўрсатилиб чиқарилиши ҳамда самарали қайта кўриб чиқиш ёки шикоят қилишни кўзда тутиши зарур<sup>120</sup>. Қарорда, шунингдек суд томонидан қайта кўриб чиқиш ёки шикоят қилиш механизмлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборот бўлиши керак. ЕИда иштирок этувчи давлатлар ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги миллий қонунчиликка мувофиқ, сўров бўйича зарур ҳуқуқий ёрдамни ёки ҳуқуқий ваколат хизматини бепул тақдим этишни таъминлашлари шарт<sup>121</sup>. Бундан ташқари улар ушбу тамойил бузилиши эҳтимоли мавжудлигида чиқариб юбормаслик тамойилига амал қилишлари ва жўнатишни кейинга суришлари шарт<sup>122</sup>.

Агар қайтараётган мамлакат Европа Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциясининг иштирокчиси бўлса, Европа Инсон ҳуқуқлари кенгашига ариза берган одам савдоси жабрдийдалари судга Конвенциянинг аниқ иштирок этувчи мамлақати қабул қилиши керак бўлган таъминлаш чораларини белгилаш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин<sup>123</sup>. Таъминловчи суд чоралари – Европа Инсон ҳуқуқлари кенгаши прецедент ҳуқуқига мувофиқ шошилиш чоралар бўлиб, тузатиб бўлмайдиган зарар етказишнинг муқаррар хавфи мавжуд бўлгандагина қўлланилади. Кўпчилик ҳолларда мурожаат этувчилар чиқариб юбориш ёки топширишни, шу жумладан ўзларига эксплуатация объекти бўлиш хавфи таҳдид солаётганлиги муносабати билан<sup>124</sup> ёки қариндошлари томонидан ўч олиши муносабати билан<sup>125</sup> кечиктиришни талаб қилади.

119 ЕХХТнинг Инсон мезонлари бўйича Москва кенгаши ҳужжати, 1991 йил 3 октябрь (бундан буён – 1991 йилги Москва кенгаши)

120 ЕИнинг Қайтариш тўғрисидаги йўриқномаси, 12(1) ва 13-моддалар

121 Ўша жойда, 13(4)-модда

122 Ўша жойда, 9(1)-модда

123 Rules of Court, European Court of Human Rights [Суд регламенти, Европа инсон ҳуқуқлари бўйича суди], Registry of the Court, 1 January 2014, Rule 9.

124 “М.нинг Бирлашган Қиролликка қарши иши” (M. v. the United Kingdom), заявление № 16081/08 / Европа Кенгаши, Европа Инсон ҳуқуқлари бўйича суди, 2009 йил 1 декабрь

125 “Х.нинг Голландияга қарши иши” (H.N. v. the Netherlands), заявление № 20651/11 / Европа Кенгаши, Европа Инсон ҳуқуқлари бўйича суди, 2012 йил 3 октябрь

# 3-тамойил.

## Қайтариш имконияти бўлмайдиган ҳолатларда ҳимоя қилиш чоралари

---

Айрим вазиятларда одам савдоси жабрдийдаларини келиб чиқиш мамлакатига ёки аввал одатда яшаб келган жойига қайтаришнинг иложи бўлмайди, бу хавfli бўлади ёки ушбу шахснинг инсон ҳуқуқларини бошқа тарзда бузиши мумкин. Қонуний қочоқ мақоми тақдим этилмаган ёки бошқа бир тарзда халқаро ҳимояга муҳтож шахслар деб тан олинмаган одам савдоси жабрдийдаларига ўйлаш учун берилган вақт тугаганидан кейин ҳам ҳимоя чоралари, шу жумладан уларнинг шахсий вазиятлари сабабли тақдим этилиши мумкин. Бироқ бу муқобил чоралар кўп ҳолатларда фақат вақтинча муддатга қабул қилинади.

Одам савдоси жабрдийдаларига қатор сабабларга кўра “бўлиш ҳуқуқи” тақдим этилиши мумкин ва бу турли шаклларда қилиниши мумкин. Ўйлаш учун берилган вақт тугаганидан кейин (юқоридаги 2-тамойилга қаранг), бундан кейинги амалларнинг дастлабкиларидан бири одам савдогарларига қарши иш бошланганлиги муносабати билан вақтинча истиқомат қилиш ҳуқуқининг берилишидир. Аммо бунинг учун одатда жабрдийда ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиши талаб этилади. Одам савдоси жабрдийдаларига, шунингдек, масалан чиқариб юбормаслик тамойили ва хавфсиз қайтаришни кафолатлашнинг имконияти йўқлиги асосларида халқаро ҳимоя ёки инсонпарварлик нуқтаи назаридан вақтинча истиқомат қилиш ҳуқуқи тақдим этилиши мумкин. Бундан ташқари, одам савдоси жабрдийдаларига инсонпарварлик нуқтаи назаридан доимий истиқомат қилиш ҳуқуқи тақдим этилиши мумкин. Халқаро ҳимояни тақдим этиш тўғрисида мурожаат қилган жабрдийдалар, шунингдек улар ўз мақомига нисбатан эга бўлган ҳар қандай бошқа ҳуқуқларидан ёки ушбу ҳуқуқларга қўшимчалардан қатъи назар ушбу мурожаатни кўриб чиқиш тугалламагунча турган мамлакатларида қолиш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

**Суд текшириши давом этаётганда мамлакатда вақтинча бўлишга рухсат**

ЕХХТда иштирок этувчи кўпчилик давлатларда одам савдоси жабрдийдалари мамлакатда қолиши ва жиноий иш жараёнида иштирок этиши тўғрисидаги қарор ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ёки прокуратура органлари томонидан ўтказилган ушбу шахснинг гувоҳлик кўрсатмалари аҳамиятининг баҳо-ланиши асосида қабул қилинади. Жумладан, бу мамлакатда бўлиш ҳуқуқи одам савдоси жабрдийдаларининг текшириш ва/ёки жиноятчиларни суд томонидан таъқиб этиш жараёнида маъмурлар билан ҳамкорлик қилишларига розилигига боғлиқдир. Фуқаролик жараёнида – масалан, компенсация олиш мақсадида – иштирок этиш учун бўлиш ҳуқуқи умуман ЕХХТда ишти-рок этувчи давлатларнинг ҳуқуқий ҳужжатларида кўзда тутилмайди. Бунинг оқибатида, хабарларга кўра, одам савдоси жабрдийдалари кўпинча компенса-ция тўланиши учун мурожаат қилиш имконияти бўлгунча ёки бу масалани кўриб чиқиш охирига етгунча ўз келиб чиқиш мамлакатларига қайтиб кетади (бу ихтиёрий бўлсин ёки йўқ)<sup>126</sup>. Ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қили-шлари натижасида истиқомат қилиш ҳуқуқини олган одам савдоси жабрдий-даларига суд жараёни тугаганидан кейин бўлиш мамлакатига қолиш имкони-яти камдан-кам ҳолатларда берилади<sup>127</sup>. Истиқомат қилиш ҳуқуқи берилиши мумкинлиги ҳолатларида бу жиноий ишнинг кўриб чиқилиши натижаларига ҳамда жараён айбдор ҳукм қилингани ёки жабрдийда “ҳамкорлик қилиш учун астойдил ҳаракат қилгани” билан боғлиқ бўлади<sup>128</sup>.

ЕИГА аъзо мамлакатларда ўйлаш учун вақт билан бўлгани каби, истиқомат қилиш ҳуқуқини бериш учун қўшимча талаблар, шу жумладан одам савдоси жабрдийдаси томонидан шахини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш талаби ҳам мавжуд<sup>129</sup>. Бунда жабрдийларда умуман амал қилаётган шахсвини тас-диқлайдиган ҳужжат бўлмаганлиги ёки ҳужжатлар одам савдогарлари томо-нидан олиб кўйилганлиги учун улар бу талабни бажара олмайди.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколига мувофиқ, қайтаришни таш-кил этадиган жабрдийда турган мамлакатлар қайтарилаётган шахс иштирок этаётган тегишли суд текшируви қайси босқичда эканлигини ҳисобга олиши керак<sup>130</sup>. Ҳуқуқий ҳимоя воситаларига эга бўлишга ҳаракат қилаётган мамла-катда турган одам савдоси жабрдийдасининг бу ерда бўлиши кўпинча иш бўй-ича суриштирув олиб боришнинг амалий, баъзан эса ҳуқуқий шarti бўлади. Агар қайтараётган мамлакатлар буни эътиборга олмайдиган бўлсалар, бундай вазият одам савдоси жабрдийдасининг ҳуқуқий ҳимоя воситасига ўз ҳуқуқини эркин ва самарали амалга ошириши учун муқаррар равишда ҳалақит беради.

126 Предоставление компенсаций жертвам эксплуатации и торговли людьми в регионе ОБСЕ. Варшава, БДИПЧ ОБСЕ, 2008, с. 36.

127 Hancilova B., Legislation and the Situation Concerning Trafficking in Human Beings, кўрсатилган асар ҳавола 80, с. 82.

128 Craggs S. and Martens R. Rights, Residence, Rehabilitation: A Comparative study Assessing Residence Options for Trafficked Persons [Ҳуқуқ, гузар жой, реабилитация: одам савдоси жабрдийдалари учун вариант-лар]. International Organization for Migration, 2010, p. 97.

129 Ўша жойда, 55 б.

130 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 8-модда

Қайтараётган мамлакатлар ҳеч бўлмаганда жабрдийдани чиқариб юборишни кечиктиришлари ва у суд текширувида иштирок эта олиши учун истиқомат қилиш ҳуқуқини беришлари керак.

ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси ва ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 8/07-қарори давлатларни одам савдоси жабрдийдаларига вақтинча ёки доимий истиқомат қилиш ҳуқуқини беришга даъват этади<sup>131</sup> ЕХХТ томонидан қабул қилинган ҳужжатларда истиқомат қилиш ҳуқуқининг бундай турлари суд ишларини текшируви билан бевосита боғлиқ эмас. Агар 8/07-қарорда истиқомат қилиш ҳуқуқи қайси мақсадларда берилиши кўрсатилмаган бўлса, Ҳаракатлар режасида бу одам савдоси жабрдийдалари хавфсизлигига эҳтимол тутилган таҳдидлар муносабаби билан тилга олинади. ЕХХТнинг мажбуриятларида иштирок этувчи давлатларда одам савдоси жабрдийдаларига улар бўлган мамлакатда туриш муддатида ишлаш учун рухсат бериш даъват этилади<sup>132</sup>. Бундан ташқари, мажбуриятларда иштирок этувчи давлатларга ушбу мамлакатда бўлиши давомида ўйлаш учун вақт берилиши ва ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан тегишли ахборотни тақдим этиш ва ишлаш учун рухсат бериш тавсиялари мавжуд<sup>133</sup>.

Европа Кенгашининг ҳам, Европа Иттифоқининг ҳам стандартлари одам савдоси жабрдийдаларига вақтинча истиқомат қилиш ҳуқуқи беришни кўзда тутаяди, бироқ ушбу ташкилотлар ўртасида шахс истиқомат қилиш ҳуқуқини олиши учун белгиланган мезонларга нисбатан фарқлар мавжуддир. Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, уни имзолаган давлатлар агар ҳокимиятнинг ваколатли миллий органи одам савдоси жабрдийдаларининг ёки уларнинг шахсий вазиятлари, ёхуд текшириш, ёки жиноий иш жараёни давомида ҳамкорлик мақсадларида мамлакатда бўлишлари зарур деб ҳисоблаганда, буни беришлари шартлиги кўрсатилган<sup>134</sup>. Шахсий вазиятларга тааллуқли шартлар қатор масалаларни, масалан, одам савдоси жабрдийдаларининг хавфсизлиги, саломатлигининг ҳолати ва оилавий аҳволини қамраб олади<sup>135</sup>. Қатор ҳолларда одам савдоси жабрдийдалари болалар бўлганида истиқомат қилиш ҳуқуқи боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш нуқтаи назаридан берилиши керак ва ана шунга мувофиқ зарурат асосида узайтирилиши керак<sup>136</sup>. ЕИ қонунчилиги истиқомат қилиш ҳуқуқи турини беришнинг ўйлаш учун берилган вақт тугаши ёки

131 Бу шунингдек ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2013 йилги Кўшимчаларда яна тасдиқланган, IV бўлим, 2- ва 2.3-бандлар

132 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, V бўлим, 8.2-, 8.3-бандлар, ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 8/07-қарори, 2-модда, ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2013 йилги Кўшимчалари, IV бўлим, 2- ва 2.3-бандлар

133 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 8/07-қарори, 2-банд

134 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 14-модда

135 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси, 184-банд

136 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 14(2)-модда. Одам савдоси жабрдийдари бўлган ҳам катталар, ҳам болаларга доир истиқомат қилиш ҳуқуқи амал этиши ва уни узайтиришига тааллуқли қоидалар мавжуд эмас

ушбу муддат келганлигига қараб берилишини кўзда тутади<sup>137</sup>. Бироқ истиқомат қилиш ҳуқуқини бериш тўлалигича жабрдийданинг маъмурлар билан ҳамкорлик қилишига боғлиқ ва одам савдоси жабрдийдаларининг шахсий вазиятларини ҳисобга олмайди. Истиқомат қилиш ҳуқуқи агар одам савдоси жабрдийдалари фақат равшан равишда давлат органлари билан ҳамкорлик қилишини ҳамда одам савдогарлари билан муносабатларини узган ва текшириш ёки суд ишини текширишга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлганда берилиши мумкин<sup>138</sup>. Брюссель декларациясида қисқа муддатли истиқомат қилиш ҳуқуқи одам савдоси жабрдийдаларига жинойий одил судлов органлари билан ҳамкорлик қилишга рози бўлганликлари учун тақдим этилиши кераклиги қайд этилган<sup>139</sup>.

### Чиқариб юбормаслик мажбурияти

Бошпана излаш ва олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган чиқариб юбормаслик тамойили, бошқалар қатори БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган<sup>140</sup>, унга мувофиқ давлатларга қочоқларнинг ҳаётларига ёки эркинлигига хавф таҳдид қилаётган бўлса ёки улар ўша ерда таъқибга дучор бўлиши мумкин бўлса, қайтариш ман этилган. Чиқариб юбормаслик тамойили, шунингдек минтақавий

137 Қаранг: Европа Кенгашининг 2004/81/ЕИ Йўриқномаси. Ушбу Йўриқномага мувофиқ, истиқомат қилиш ҳуқуқи камида олти ой муддатга берилади ва манфаатдор шахс ғамон иалабларни қониқтираётган бўлса узайтирилади, 8(3)-модда

138 ЕИнинг Экспертлар гуруҳи ҳамкорлик қилишга тайёрлик талабини фақат суд текширишида расман иширок этишнинг эмас, шунингдек ҳамкорликнинг норасмий турларига жалб қилиниш – масалан ахборотни тақдим қилиш сифатида талқин этилиши кераклигини таъкидлайди (қаранг: EU Group of Experts, Opinion No. 4/2009, para. 14). Экспертлар гуруҳи мамлакатда бўлиш ҳуқуқи ва суд текширувида иштирок этиш ҳуқуқи ўртасидаги боғлиқликни алоҳида таъкидлайди, бунда жинойий иш жараёнида гувоҳ сифатида иштирок этишга қарор қилган ёки фуқаролик жараёни доирасида компенсация олишга ҳаққат қилаётган одам савдоси жабрдийдасига ҳеч бўлмаганда суд текшируви тугагунга қадар ҳақиқий бўлган вақтинчалик истиқомат қилиш ҳуқуқи бериш тавсия этилади (қаранг: EU Group of Experts, Explanatory Report 10: Reflection Period and Residence Status, p. 173). Жинойий иш жараёнига келганда, ушбу тавсия Кенгашнинг Одам савдоси жабрдийдаларига истиқомат қилиш ҳуқуқини тақдим этиш йўриқномаси бажарилиши туфайли умуман амалга ошмоқда. Бироқ ушбу Йўриқномага мувофиқ, одам савдоси жабрдийдаларига уларнинг гувоҳликлари фойдали деб қаралмаса ёки жабрдийдалар фуқаролик иши жараёни доирасида компенсация олишни хоҳлаётганлар бўлсалар тураётган мамлакатларида бўлиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Кенгашининг Одам савдоси жабрдийдаларига истиқомат қилиш ҳуқуқи тақдим этиш тўғрисидаги ЕС 2004/81/ЕИ йўриқномаси муқаддимасига мувофиқ, иштирок этувчи давлатларнинг миллий қонунчилигида вақтинча истиқомат қилиш ҳуқуқи ушбу мамлакатдаги жинойий иш бўйича жараён давомийлигига боғлиқ қилиб қўйилиши керак (қаранг: European Commission, Report from the Commission to the European Parliament and the Council on the application of Directive 2004/81 on the residence permit issued to third-country nationals who are victims of trafficking in human beings or who have been the subject of action to facilitate illegal immigration, who cooperate with the competent authorities [Европа комиссиясининг Европа парламенти ва Кенгашига 2004/81 Йўриқноманинг одам савдоси жабрдийдалари ёки ноқонуний иммиграция объекти бўлган, ваколатли маъмурлар билан ҳамкорлик қилаётганларга истиқомат қилиш ҳуқуқи бериш тўғрисидаги талаби бажарилиши тўғрисидаги маърузаси], COM (2010), p. 493. Шунинг таъкидлаш лозимки, ушбу Йўриқнома қайта кўриб чиқилмоқда ва мазкур Дастурамал принциплар тузилаётган пайтда, одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар кўриб чиқилмоқда.

139 European Union, Brussels Declaration on Preventing and Combating Trafficking in Human Beings [Одам савосининг олдини олиш ва у билан курашиш тўғрисидаги Брюссель декларацияси], 29 November 2002, 14981/02, p. 16 (бундан буён – «Брюссель декларацияси»).

140 БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенцияси, 33-модда

механизмларида мустақкамлаб қўйилган ва одат ҳуқуқининг меъёри ҳисобланади;

Қочоқлар тўғрисидаги халқаро ҳуқуқда мустақкамлаб қўйилган чиқариб юборишнинг ман этилиши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий меъёрларда, жумладан МСХХМ ва БМТ ИХҚ қоидаларида чиқариб юборишни ман этиш билан тўлдирилган. Агар БМТ ИХҚ чиқариб юбормаслик тамойили амал этишини эҳтимол тутилган қийноқларни қўллаш тамойиллари амал этиши билан чегараласа, ЕИХҚ бу тамойилни муомаланинг шафқатсиз, ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситадиган ҳолатларига ҳам қўллайди<sup>141</sup>. Бошқа давлатга шахсни мажбурий қайтаришга йўл қўймайдиган чиқариб юбормаслик тамойили ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси<sup>142</sup>, шунингдек БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи<sup>143</sup>, Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси<sup>144</sup> ва ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномасида<sup>145</sup> тилга олинади.

Қайтариб юбормаслик тамойили қайсидир давлатда ўз-ўзидан бошпана олиш ҳуқуқини бермайди. Шунга қармасдан, бу давлат ҳудудида шахснинг қонуний ҳаракат қилиши учун ушбу давлатнинг қайтариши қайтариб юбормаслик тамойили доирасидаги мажбуриятларни бузишга олиб келмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Агар ҳатто бу шахс бошпана тақдим этиш тўғрисида мурожаат этмаган бўлса ҳам давлат чиқариб юбормаслик бўйича ўз мажбуриятлари билан боғлиқ қолади. Бу чегарачилар ва миграция хизматлари ходимлари учун одам савдоси жабрдийдалари билан иш олиб боришда алоҳида аҳамиятга эгадир<sup>146</sup>.

Агар гап (эҳтимол тугилаётган) одам савдоси жабрдийдалари тўғрисида кетаётган бўлса, чиқариб юбормаслик тамойили қўлланилишини аниқлаш учун маъмурлар эҳтимол тутилган таъқиб этишга тааллуқли турли омилларни, шунингдек мамлакатнинг ушбу шахсни келиб чиқиш мамлакатининг одам савдоси тўрига тушиб қолишининг олдини олишга тайёрлиги ва қодиригини ҳисобга олишлари ҳамда уни ана шундай бўлажак ҳолатдан ҳимоя қилишлари керак.

141 ЕИХҚнинг 3-моддаси қийноқлар ва муомаланинг бошқа шафқатсиз турларини ман этади, аммо унда чиқариб юбормаслик кўрсатилмаган; шунга қарамасдан ЕИХҚ ушбу моддани қайтарилаётган шахсга қийноқлар ёки муомала ва жазоланинг бошқа ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситишнинг реал хавфи таҳдид соладиган ҳолатларида чиқариб юборишни ман этиш сифатида талқин этади (қаранг: Trafficking in Human Beings Amounting to Torture and other Forms of Ill-treatment., кўрсатилган асар, 49-ҳавола, 28-29-модда)

142 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, V бўлим, 9.1-модда

143 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 14-модда

144 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 40-модда

145 Европа парламенти ва Кенгашининг 2011 йил 5 апрелдаги Кенгашининг 2002/629/ЈНА қарорини алмаштирадиган Одам савдоси тўғрисида огоҳлантириш ва унга қарши курашиш ҳамда бунинг жабрдийдаларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 2011/36/EU йўриқномаси (ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси), муқаддима, 10-банд

146 UNHCR et al., Prevent, Combat, Protect: Human Trafficking, кўрсатилган асар, 58 б.

БМТнинг ИХКга мувофиқ, давлат “қайсидир бир шахсни унга нисбатан қийноқ қўлланилишининг таҳдид этиши учун жиддий асослар мавжуд бўлса, уни бошқа давлатга чиқариб юбориш, қайтариш ёки бериши” керак эмас<sup>147</sup>. “Жиддий асослар” мезонига мувофиқ келадиган ҳолатлар “таҳминлар ёки шубҳалар доирасидан” ёки “қийноқларни қўллаш имконияти”дан келиб чиқадиган, башорат қилинадиган реал ва шахсий таҳдидни назарда тутиши керак. Бироқ ушбу шахсга таҳдид соладиган хавф “эҳтимол тутилишнинг юқори даражаси”га эга бўлмаслиги керак<sup>148</sup>. Хавф шахсан ушбу шахсга таҳдид этаётган ва реал бўлиши керак; Бундан ташқари, маъмурлар одам савдоси жабрдийдалари қайтарилиши режалаштирилаётган давлатда қийноқларни қўллаш хавфи нуқтаи назаридангина умумий вазиятнигина эмас, балки одам савдоси жабрдийдалари шахсий аҳволини баҳолашлари керак<sup>149</sup>. Агар жабрдийданинг шахсий вазиятлари унга қийноқни қўллаш хавфи таҳдид этаётганлигини кўрсатса, БМТнинг чиқариб юборишдан ҳимоялаш тўғрисидаги қондаси қийноқларни қўллаш ёки инсон ҳуқуқларининг бошқа оммавий бузилишларининг доимий амалиёти таркиб тоғанидан қатъи назар қўлланилиши керак<sup>150</sup>. ЕИХКга мувофиқ, одам савдоси жабрдийдалари у чиқариб юборилаётган мамлакатга қайтиб борадиган бўлса ЕИХК 3-моддасини бузадиган муомуланинг реал хавфига дучор бўлиши мумкинлигининг жиддий асослари борлигини исботлаши керак.

Шундай қилиб чиқариб юбормаслик тамойили одам савдоси жабрдийдаларига ҳимояланишнинг қўшимча имкониятини бериши мумкин.<sup>151</sup>

### Узоқ муддат истиқомат қилиш ҳуқуқини олиш имконияти

ЕХҲТда иштирок этувчи кўпгина давлатлар қочоқ мақомини ёки қўшимча ҳимояланишни олиш учун мезонларга мувофиқ бўлган шахсларга узоқ муддат истиқомат қилиш турини тақдим этади. Умуман истиқомат қилиш ҳуқуқи бундай турини қочоқ мақомини ёки “халқаро ҳимояга мухтож” шахсни ифода этадиган мезонларга мувофиқ бўладиган одам савдоси жабрдийдалари ҳам олиши мумкин. Айрим мамлакатларда “қўшимча ҳимоя” оиланинг яхлитлиги, саломатликнинг аҳволи, болаларнинг ҳолати ва инсон ҳуқуқининг бошқа масалаларига тааллуқли халқаро мажбуриятларга асосланган ҳолда тақдим этилади<sup>152</sup>. Кўпгина давлатларда умумий қоидалар, шунингдек ижроия хокимият ихтиёрига кўра “инсонпарварлик” ёки “раҳм қилиш” нуқтаи назаридан ҳимояни тақдим этиш имконини беради<sup>153</sup>. Қайтариш учун бошқа тўсиқлар,

147 БМТ ИХК, 3-модда

148 Trafficking in Human Beings Amounting to Torture and other Forms of Ill-treatment, кўрсатилган асар, 30 б.

149 Ўша жойда

150 Ўша жойда

151 Ўша жойда, 39 б.

152 European Council on Refugees and Exiles, Complementary Protection in Europe [Европада қочоқлар учун қўшимча ҳимоя], 29 July 2009, p.

153 Ўша жойда, 7 б.

шу жумладан қайтаришни йўққа чиқарадиган ҳуқуқий, техник ёки амалий сабаблар ҳам вақтинча истиқомат қилиш ҳуқуқи бериш учун асос бўлиши мумкин<sup>154</sup>.

ЕИ Экспертлар гуруҳи айрим вазиятларда одам савдоси жабрдийдаларига ушбу шахсларнинг миллий маъмурлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлиги даражасидан қатъи назар тақдим этилишини тавсия этади. ЕИнинг Экспертлар гуруҳи инсонпарварлик нуқтаи назаридан истиқомат қилиш ҳуқуқини бериш учун қуйидаги мезонларни кўрсатган:

- одам савдоси жабрдийдалари ва/ёки унинг қариндошларини жазолаш хавфи ҳамда келиб чиқиш мамлакатадаги маъмурларнинг ана шундай ҳолатлардан ҳимоя қилишни таъминлашга қодирлиги ва/ёки тайёрлиги;
- келиб чиқиш мамлакатаи маъмурлари томонидан одам савдоси жабрдийдаси мақоми, шу жумладан чегарадан ноқонуний ўтгани ёки фоҳишабозлик билан шуғуллангани билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун келиб чиқиш мамлакатаи маъмурлари томонидан жиноий ёки маъмурий таъқиб қилиниши хавфи;
- одам савдоси жабрдийдаларининг келиб чиқиш мамлакатаи муҳитига ижтимоий реинтеграциялаш истиқболининг мавжуд эмаслиги, шу жумладан қониқарсиз турмуш даражаси, одам савдоси жабрдийдалари алоҳида вазиятлари туфайли оилавий алоқаларнинг узилиш эҳтимоли ҳамда фоҳишабозлик мақсадида одам савдоси ҳолатларида жамиятнинг муносабати (стигматизация ва камситиш), шунингдек фоҳишабозликка нисбатан давлат сиёсати;
- эҳтиёжларга жавоб берадиган махфий ёки стигматизацияга йўл қўймайдиган қўллаб қувватлаш хизматларининг мавжуд эмаслиги;
- болаларнинг борлиги<sup>155</sup>.

ЕИнинг қонунчилик ҳужжатлари орасида фақат ЕИнинг Ҳимоя қилиш шароитлари тўғрисидаги йўриқномаси турган мамлакатаида қочоқларга узоқ муддатли (лекин доимий эмас) истиқомат қилиш ҳуқуқи тақдим этилишини аниқ равишда талаб этади. Ушбу Йўриқномага мувофиқ, қочоқ мақоми олиш мезонларига мувофиқ бўлган шахсларга давлат хавфсизлиги мулоҳазалари ёки ижтимоий тартиб бошқа нарсадан далолат бермаса узайтириш имконияти билан камида уч йил муддатга истиқомат қилиш ҳуқуқи тақдим этилади<sup>156</sup>.

154 Масалан, қаранг: Mathilde Heegaard Bausager, Johanne Köpfler Møller and Solon Ardittis, Study on the situation of third-country nationals pending return/removal in the EU Member States and the Schengen Associated Countries [Қайтишни/кўчишни кутаётган учинчи мамлакатлар фуқаролари вазиятининг тадқиқ қилиш], European Commission, March 2013, HOME/2010/RFXX/PR/1001.

155 ЕИ Экспертлар гуруҳининг маърузаси, 174 б.

156 ЕИнинг Ҳимоя шартлари тўғрисидаги йўриқномаси, 24(1)-модда

## Бошпана

Барча шахслар, шу жумладан одам савдоси жабрдийдалари таъқиб қилиншдан бошпана излаш ва бундай бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқига эга<sup>157</sup>. Қочоқлар тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ ирқи, дини, миллати, муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги ёки ўзининг сиёсий қарашлари муносабати билан асосли таъқибга учраш хавфи бўлган ўз мамлакатидан қочишга мажбур бўлган шахсларга ҳуқуқий ҳимоя тақдим этиш тўғрисидаги қоидаларга эга<sup>158</sup>.

Одам савдоси жабрдийдалари сифатида идентификация қилинган шахсларнинг ишлари бошпана тақдим этиш тизимида кўриб чиқиладиган ёки улар жиноят жабрдийдаларига ҳимоя ва ёрдам тақдим этиш тизимида бўлиши мумкин ҳамда улар кўпинча фақат бир тизим доирасида кўриб чиқилади. Аниқ ҳолатларда ушбу тизимлар ўртасида зарур бўлиши мумкин ишларни узатиш ёки ахборот айрбошлаш мавжуд эмас. Агар қайта йўналтиришнинг самарали тизими мавжуд бўлмаса, одам савдоси жабрдийдаларининг халқаро ҳимояга эҳтиёжи эҳтимол тегишли тарзда аниқланмаслиги ёки қондирилмаслиги мумкин<sup>159</sup>. БМТ ҚОКБ тадқиқотларидан бирида ушбу тадқиқотлар ўтказилган кўпчилик мамлакатларда бошпана тақдим этишга масъул органларга ёки халқаро ҳимоянинг бошқа меҳанизмларига ишларни бериш мавжуд эмаслиги ёки бесамарлиги аниқланган<sup>160</sup>. Кўпчилик мамлакатларда қайта йўналтириш тизимлари “энг яхши ҳолатларда вазият бўйича ташкил этилган” деб таърифланган. Умуман, одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш ва ёрдам кўрсатишни тақдим этиш тизимлари ҳамда бошпана тақдим этиш тизимлари алоҳида алоҳида иш кўради, бир-бири билан жуда кам ёки умуман ҳамкорлик қилмайди<sup>161</sup>.

157 Қаранг: ИХУД, 14-модда (БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217(А) резолюцияси). “Бошпанадан фойдаланиш” таърифининг батафсилроқ белгиланишига, масалан, қаранг: : Edwards A., Human Rights, Refugees, and the Right ‘To Enjoy’ Asylum, International Journal of Refugee Law, Vol. 17, No. 2, 2005, pp. 293-330.

158 БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенцияси, 1А(2)-модда

159 Буюк Британия ННТ одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқларига, шу жумладан ахборот олиш ҳуқуқига амал қилинишини таъминлаш мақсадида бошпана масалалари бўйича мустақил маслаҳатчини уларни идентификация қилишнинг илк босқичларида жалб этишни тавсия этади (Sarah Richards, Hope Betrayed: An Analysis of Women Victims of Trafficking and Their Claims for Asylum [Одам савдоси жабрдийдалари бўлган аёллар ва уларнинг бошпана бериш тўғрисидаги муносабатлари], The POPPY Project, 2006, p. 22).

160 UN High Commissioner for Refugees (UNCHR), The Identification and Referral of Trafficked Persons to Procedures for Determining International Protection Needs [Одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш ва халқаро ёрдамга эҳтиёжларини аниқлаш мақсадларида уларни қайта йўналтириш], October 2009, PPLAS/2009/03, p. 21.

161 Sarah Richards, Hope Betrayed, кўрсатилган асар, 164-ҳавола, 3.1-банд, 21 б. Тадқиқот одам савдоси жабрдийдаларини қайта йўналтиришнинг самарали механизми куйидаги хусусиятларга эга бўлиши кераклигини кўрсатди: одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш ва рўйхатга олишнинг амал этаётган миллий тартиби, шу жумладан бепул маслаҳат бериш; халқаро ҳимояга эҳтиёжларини ҳисобга оладиган самарали қўшимча тизим; одам савдоси жабрдийдаларини бир тизимдан иккинчисига йўналтирадиган ишонарли ва мамлакали механизм

Одам савдоси жабрдийдалари бошпана тақдим этиш тўғрисида мурожаат берганларида чегараланган муддатлар ёки бошқа чегаралашларга дуч келиши мумкин. Айрим давлатларда мурожаатлар фақат муайян муддатда қабул қилинади ҳамда мурожаатни кўрсатилган муддатгача берилмаслиги оқилона тушунтирилмасдан рад этилишига олиб келиши мумкин<sup>162</sup>.

Хабарларга кўра, ЕИнинг айрим иштирок этувчи давлатлари ЕИнинг давлатлар бошпана сўраган шахсни таъқиб қилиниши ёки унга жиддий зарар етказилиши келгусида таъқиб қилиниш ва зарар келтириш хавфи мавжудлигини кўрсатиш учун кўриб чиқишлари кераклиги тўғрисидаги тегишли ҳуқуқий қоидаларини амалга оширмаган. Шунингдек, ЕИга аъзо айрим давлатлар келиб чиқиш мамлакатидан бошпана сўраганлар жўнаб кетганларидан сўнг рўй берган воқеаларни эътиборга олмайди, ҳолбуки ушбу воқеалар халқаро ҳимояни зарур эканлигини кўрсатиши мумкин<sup>163</sup>. Ҳуқуқий қоидаларнинг зарур даржада бажарилмаслиги одам савдоси жабрдийдаларининг ҳимоя қилинишга муваффақиятли эришиш имкониятини чегаралаши мумкин ва бу билан ушбу шахсларнинг яшаш ва таъқибдан ҳоли бўлиш ҳуқуқини хавф остига қўйиши мумкин. Шу маънода айрим давлатлар “нодавлат субъекти” атамасини жинойий ташкилотлар ҳамда гендер асосида зўравонликда (шу жумладан, “шаънини ҳимоя қилиш” жиноятлари ва қуйидаги зўравонликлар) тор талқинини қабул қилди<sup>164</sup>. Бундан ташқари, ЕИга аъзо айрим давлатлар томонидан қўшимча ҳимояга кенг қамровли ёндашув қабул қилинди, бироқ қочоқлар мақомига тааллуқли масалалар бўйича тор ёндашув қабул қилинди<sup>165</sup>.

162 ЕИнинг Ҳимоя шартлари тўғрисидаги йўриқномаси 4(1)- моддалари ЕИга аъзо давлатлар мурожаатчининг вазифаси “энг қисқа муддатда” халқаро ҳимояни таъминлаш тўғрисидаги илтимосни асослаш учун зарур барча унсурларни тақдим этишди деб ҳисоблашлари мумкинлигини қайд этган. Бироқ ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги оқибатлари тўғрисидаги қоидалар мавжуд эмас ва аяқинда Европа комиссияси томонидан эълон қилинган маърузада аъзо давлатлар томонидан “энг қисқа муддатлар” тушунчаси нимани ифода этиши тўғрисида ягона хулосага келинмаганлиги таъкидланади (European Commission, Report from the Commission to the European Parliament and the Council on the application of Directive 2004/83/EC of 29 April 2004 on minimum standards for the qualification and status of third country nationals or stateless persons as refugees or as persons who otherwise need international protection and the content of the protection, COM(2010)314, assessment of article 4). Шунингдек қаранг: Исботлар доираси орақсида: ЕИ мамлакатларида бошпана бериш тизимининг ҳақиқатга тўғри келишининг баҳоланиши (БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари, 2013 йил, май); бу ерда ЕИнинг Ҳимоя шартлари ва мурожаатни кеч бериш оқибатлари тўғрисидаги йўриқномаси 4-моддасининг тўла таҳлили мавжуд

163 Report from the Commission to the European Parliament and the Council on the application of Directive 2004/83/EC of 29 April 2004 on minimum standards for the qualification and status of third country nationals or stateless persons as refugees or as persons who otherwise need international protection and the content of the protection, COM(2010)314, assessment of article 5. Шунинг таъкидлаш керакки, 2004/83/ЕИ Йўриқномаси 2013 йил 21 декабрда қақриб олинган ва 2011/95 Йўриқнома билан алмаштирилган. ЕИга аъзо давлатларининг ушбу Йўриқномани бажариш соҳасидаги амалиёти ҳозирча ўтказилмаган.

164 European Council on Refugees and Exiles (ECRE) and European Legal Network on Asylum (ELENA), The Impact of the EU Qualification Directive on International Protection [ЕИ Йўриқномасининг халқаро ҳимояни тақдим этишни ҳимоя қилиш шартлари тўғрисида], 2008, pp. 15-16.

165 Ўша жойда. Бироқ ЕИнинг Ҳимоя шартлари тўғрисидаги йўриқномасининг 6(с)-моддасига мувофиқ, давлатни ёки давлатнинг катта қисмини назорат қилаётган давлат ёки партия ёхуд ташкилотлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар Йўриқноманинг 7-моддасида баён этилган тушунчага мувофиқ, таъқиб қилинишдан ёки жиддий зарар етказишдан ҳимояни тақдим этишга қодир ёки тайёр бўлмасалар, нодавлат субъектларига таъқиб этиш ва жиддий зарар етказиш агентлари сифатида қаралади

ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасида давлатларга одам савдоси билан курашиш бўйича қонунлар, сиёсат, дастурлар барча шахсларнинг, шу жумладан одам савдоси жабрдийдаларини таъқибдан бошпана излаш ва олиш ҳуқуқларига зарар етказилмаслигини таъминлашни тавсия этаилди; жумладан, бу чиқариб юбормаслик тамойилини самарали қўллаш орқали қилиниши мумкин<sup>166</sup>. Ушбу тавсия, шунингдек БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи<sup>167</sup>, Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси<sup>168</sup> ва ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномасида<sup>169</sup> мавжуддир. Бундан ташқари одам савдогарлари томонидан қатағон ёки ўч олишни қўллаш хавфи БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясида қабул қилинган ушбу тушунчанинг таъқиб этиш маъносига тенг кучга эга бўлиши мумкин. Худди шу йўсинда Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига шарҳда “Одам савдоси жабрдийдалари мақоми бошпана излаш ва олиш ҳуқуқига тўсқинлиқ қилиши мумкин эмас ва Томонлар одам савдоси жабрдийдалари бошпана беришнинг тегишли адолатли тартибларидан фойдаланиш имкониятларига эга бўлишларини таъминлашлари шарт”<sup>170</sup> деб тасдиқланади.

Одам савдоси жабрдийдалари бўлган гуруҳларни ҳар бир алоҳида шахснинг аҳволини ҳамда унга таҳдид солаётган хавфларни яқкама-яқка баҳоламасдан депортация қилиниши, айти пайтда таъқибдан бошпана излаш ва олиш ҳуқуқига амал этмаслик юқорида кўриб чиқилган чиқариб юборилмаслик тамойилини, шунингдек жамоавий чиқариб юборишнинг ман этилишини бузиши мумкин<sup>171</sup>. БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, бошпана бериш тўғрисидаги мурожаат ушбу давлатга киришнинг қонунийлиги асосида эмас, моҳияти бўйича кўриб чиқилиши керак<sup>172</sup>.

166 Қаранг: ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, V бўлим, 9(1)-банд

167 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 14-модда

168 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 40-модда

169 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, муқаддима, 10-банд

170 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси, 377-банд

171 Қаранг: ЕИХК, 4-Протокол, 4-модда; БМТнинг Барча меҳнаткаш мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1990 йил 18 декабрь), А/RES/45/158, ст. 22(1). Шунингдек қаранг: Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги хартияси, 2007/С 303/01, 19-модда (чиқариб юбориш, бадарга қилиш ва бериш ҳолатларида ҳимоя қилиш, жамоавий чиқариб юборишни ман этиш тўғрисидаги модда). Бадарга қилиш (refoulement) ва жамоавий чиқариб юбориш ўрасидаги фарқни батафсилроқ қаранг: ОНЧР интервенцияси Европадаги Одам Ҳақлари Судининг *Hirsi et al. v. Italy* («Хирси ва бошқаларнинг Италияга қарши иши», КОКБ иштироки), 5 May 2011, Application No. 27765/09.

172 Қаранг: БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенцияси, 31-модда. Шунингдек қаранг: Guy S. Goodwin-Gill, Article 31 of the 1951 Convention Relating to the Status of Refugees: Non-penalization, detention, and protection, in: Erika Feller, Volker Türk and Frances Nicholson (eds.), *Refugee Protection in International Law: UNHCR's Global Consultations on International Protection*, Cambridge, Cambridge University Press, 2003, pp. 185-188. См. также, например: Tyler Marie Christensen, *Trafficking for sexual exploitation: victim protection in international and domestic asylum law* [Шаҳвоний эксплуатация мақсадларида одам савдоси: жабрдийдаларга бошпана бериш соҳасида халқаро ва миллий ҳуқуқда ҳимоя қилиш], UN High Commissioner for Refugees (UNHCR) Research Paper No. 206, April 2011.

Шахс қочоқ деб тан олиши учун БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясида кўзда тутилган битта ёки бир нечта асосларда у “жуда асосланган ҳолда таъқиб қилинишидан хавфсираши”ни ўрнатиш зарур<sup>173</sup>. ҚОКБ Одам савдоси жабрдийдаларини халқаро ҳимоя қилиш бўйича тавсияларида барча одам савдоси жабрдийдалари ҳам “қочоқ” тушунчасига мос тушмаслиги ва қайсидир бир шахс одам савдоси объекти бўлганлигининг ўз-ўзидан унинг қочоқ мақомини олиши учун сўзсиз асос ҳисобланмаслиги тан олинади<sup>174</sup>. Бироқ “одам савдоси жабрдийдалари айрим ҳолатларда самарали миллий ҳимоя мавжуд бўлмаганида БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясида белгиланиши бўйича кўзда тутилган асосларидан бири билан боғлиқ жиноятчиларнинг таъқиб этиши туфайли қочоқни халқаро ҳимоя қилиш мезонларига мувофиқ бўлиши мумкин”<sup>175</sup>.

Ҳар бир алоҳида шахсий ишда далиллар бошпана тақдим этиш учун мурожаатни қондиришга асос бўладиган таъқибга нисбатан тўла асосли хавф деб ҳисобланиши аниқланади. Ҳозирги давр маъносида “агар маъмурлар онгли равишда шунга йўл қўяётганликлари ёки маъмурлар самарали ҳимоялашни таъминлашдан воз кечаётганлиги, бунга қодир бўлмаслиги маълум бўлса”, хусусий шахслар томонидан содир этилаётган тақиқлаш қочоқ мақомини тақдим этиш учун асос бўлишини таъкидлаш муҳимдир<sup>176</sup>. Одам савдоси билан боғлиқ эксплуатация қилишнинг тарқалган турлари (масалан, мажбурий меҳнат) одатда, таъқибга тенглаштириладиган инсон ҳуқуқини жиддий бузилиши ҳисобланиши ҳам равшандир. Бундан ташқари, таъқибдан хавфсираш бевосита шу шахс одам савдоси объекти бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, жабрдийда қайтарилган ҳолатларда яна одам савдоси объекти бўлиши ва/ёки жазога дучор бўлиши, шунингдек камситилиши ёки жазоланиши мумкин. Шу муносабат билан БМТ ҚОКБ одам савдогарлари томонидан таъқибга тенг бўлган жазолаш тартиби – жинояткорона қилмишларнинг оғирлигига боғлиқ равишда – эҳтимол тутилган таъқибга нисбатан асосли хавфни туғдириши мумкин; такроран одам савдогарларининг тўрига тушиш хавфи одатда таъқибга нисбатан асосли хавф туғдиради, шунингдек шафқатсиз қувғин қилиш, камситиш ёки жазолашга дучор бўлиш ҳам таъқибга нисбатан асосли хавф туғдиради, айниқса бу одам савдоси жабрдийдаларининг ҳолати

173 Ушбу асослар БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясида келтирилган. 1А(2)-модда

174 Халқаро ҳимоя бўйича 7-тавсиялар: 1951 йилги Конвенция 1А(2)- моддаси ва/ёки 1967 йилги Қочоқлар мақоми, одам савдоси жабрдийдаларига ва одам савдоси жабрдийдалари бўлиш хавфига дучор бўлаётган шахсларга тааллуқли протокол, 206 йил 7 апрель, HCR/GIP/06/07. Шунингдек қаранг: Piotrowicz R., The UNHCR's Guidelines on Human Trafficking [БМТ ҚОКБнинг Одам савдосига қарши кураш масаласи бўйича тавсиялар], International Journal of Refugee Law, Vol. 20, No. 2, 2008, p. 242; ҚОКБнинг одам савдоси жабрдийдаларини халқаро ҳимоя қилиш бўйича тавсиялари, 6-банд

175 UN High Commissioner for Refugees (UNHCR), Global Consultations on International Protection/Third Track: Refugee Protection and Migration Control: Perspectives from UNHCR and IOM [Халқаро ҳимоя масалалари бўйича глобалъны маслаҳатлашувлар, 3: қочоқларни ҳимоя қилиш ва миграция устидан назорат ҚОКБ ва ХМТ], 31 Май 2001, EC/GC/01/11, para. 32.

176 БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссари, Қочоқлар мақомини аниқлаш тартилари ва мезонлари бўйича қўлланма (Қочоқлар мақомига тааллуқли 1951 йилги Конвенция ва 1967 йилги Протоколга мувофиқ), HCR/IP/4/Eng/REV.1, p. 65

билан ёки одам савдогарлари тўрига такроран тушишнинг кучли хавфи билан боғлиқ бўлса<sup>177</sup>.

Ушбу маънода, шунингдек одам савдосининг гендер хусусияти катта аҳамиятга эгадир. Масалан, одам савдосининг муайян шакллари, жумладан шахвоний эксплуатация мақсадларида одам савдоси гендерлик асосида зўравонлик сифатида малакаланиши ва шу муносабат билан гендерлик асосида таъқибга тенглаштирилиши мумкин<sup>178</sup>. Шафқатсиз жазолаш, одам савдогарлари тўрига такроран тушиш, қувғин қилиниш ва камситиш одам савдоси жабрдийдаларининг жинсига боғлиқ бўлиши мумкин<sup>179</sup>. Гендер хусусиятларини хотинлар ва қизларга нисбатан таъминлаш билан бирга, эркаклар ва ўғил болалар ҳам одам савдоси муносабати билан гендерлик асосида зўравонликка дучор бўлишини ҳисобга олиши зарур<sup>180</sup>.

Шахс қочоқ мақомини олиш учун мезонларга мувофиқ бўлиши “таъқиб жабрдийдаси бўлишнинг жуда асосланган хавфи” БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясида кўзда тутилган бир ёки бир неча асосларга, бевосита “ирқи, диний эътиқоди, фуқаролиги, муайян ижтимоий гуруҳга ёки сиёсий эътиқодга мансублиги” белгилари бўйича. Ушбу асос тақибни белгилайдиган муҳим омиллиги етарлидир; у ягона ёки хатто тақибнинг асосий сабаби бўлиши шарт эмас<sup>181</sup>. БМТ ҚОКБ таъкидлайдики, Конвенцияда кўзда тутилган бир ёки бир неча асослар одам савдосининг аниқ жабрдийдасини танлаш учун муҳим бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Масалан, муайян ирқий ёки этник гуруҳ вакиллари қуролли можаро шароитларида ёки бозордаги муайян талабга кўра<sup>182</sup> ва/ёки келиб чиқиш мамлакатининг маъмурлари эҳтимол ушбу гуруҳ вакилларини самарасизроқ ҳимоя қилишлари сабабли ночор бўлишлари мумкин<sup>183</sup>.

Қайсидир бир шахс унинг “муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги” муносабати билан хавфга дучор бўлаётганлиги тўғрисида ижобий хулоса чиқариш учун, энг аввало, ушбу гуруҳнинг вакиллари таъқиб жабрдийдалари хавфидан ташқари умумий туғма ёки ўзгармас хусусиятларга эгаллигини ва умуман

177 ҚОКБнинг Одам савдоси жабрдийдаларини халқаро ҳимоя қилиш бўйича тавсиялари, 15-, 17-18-бандлар

178 ҚОКБнинг Одам савдоси жабрдийдаларини халқаро ҳимоя қилиш бўйича тавсиялари, 19-банд; Халқаро ҳимоя бўйича 1-тавсиялар: Қочоқлар мақоми тўғрисидаги 1951 йилги конвенция ва/ёки унга 1967 йилги Протокол, 2002 йил 7 май, HCR/GIP/02/01, 18-банд. Шунингдек қаранг: ҚОКБнинг Халқаро ҳимоя бўйича 9-тавсиялар; Европа Кенгашининг аёлларга нисбатан зўравонлик ва уйдаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси, 2011 йил 11 май, 60(1)-модда

179 Халқаро ҳимоя бўйича 2-тавсиялар, Қочоқлар мақоми тўғрисидаги 1951 йилги конвенция ва/ёки унга 1967 йилги Протокол, 2002 йил 7 май, HCR/GIP/02/01, 18-банд (бундан буён – БМТ ҚОКБнинг Халқаро ҳимоя бўйича 2-тавсиялари

180 Шунингдек қаранг: БМТ ҚОКБнинг Халқаро ҳимоя қилиш бўйича 9-тавсиялари, 14-банд

181 ҚОКБнинг Одам савдоси жабрдийдаларининг халқаро ҳимоя қилиш бўйича тавсиялари, 29-банд

182 Ўша жойда, 32 ва 34-бандлар

183 Ўша жойда, 32-банд

жамият томонидан гуруҳ сифатида қабул қилинишини исботлаш зарур<sup>184</sup>. Бироқ таъқиб этиш муайян ижтимоий гуруҳнинг барча аъзоларига таҳдид солиши шарт эмас: мурожаатнинг унинг ушбу гуруҳга мансублиги асосида таъқиб қилиниш жабрдийдаси бўлишнинг асосланган хавфини кўрсатиш етарлидир<sup>185</sup>. Аёллар, эркаклар ва болалар (шунингдек, ушбу ижтимоий гуруҳларнинг кичик гуруҳлари, масалан кузатилмаётган болалар) қочоқ мақомини аниқлаш нуқтаи назаридан муайян ижтимоий гуруҳларни ташкил этиши мумкин. Шу муносабат билан бу гуруҳлардан қайсидир бирига мансублиги ушбу шахснинг эҳтимол тутилган таъқиб этилиши, шу жумладан одам савдоси оқибатида шахвоний эксплуатация қилиниши хавфини оғирлаштириши мумкин<sup>186</sup>. Ўтмишда одам савдоси объеклари бўлган шахслар ҳам келажақда жазолаш ва қувғин қилиш таъқибига дучор бўлиши мумкин бўлган муайян гуруҳ вакиллари сифатида<sup>187</sup> қаралиши мумкин. Бунда уларни таъқиб қурбони бўлиш хавфидан ташқари улар жамият томонидан гуруҳ сифатида қаралиши бирлаштириши шarti ҳисобга олинади<sup>188</sup>.

Сўнги мезонга (давлат томонидан самарали ҳимоя қилиш мавжуд эмаслиги) мувофиқ, давлат қайтиб келаётган, таъқибдан хавфсираётган одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилишга қодирлиги ва тайёрлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарурдир. Бу қатор омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг энг муҳими одам савдосининг олдини олиш механизмларининг ва шундай савдо билан курашишнинг мавжудлиги, шунингдек ушбу механизмларни амалиётда қўллашнинг самарадорлигидир. ҚОКБнинг Одам савдоси жабрдийдаларини халқаро ҳимоялаш бўйича тавсияларида “давлат ўз ваколати доирасида одам савдосининг олдини олиш ҳамда бундай савдо жабрдийдаларига самарали ҳимоялаш ва ёрдам кўрсатишни тақдим этиш учун оқилона қадамлар қўймайдиган ҳолатларда таъқиб жабрдийдалари бўлишлари мумкинлиги тўла асосли ҳисобланади”<sup>189</sup>.

ЕИнинг қонунчилигига (жумладан, ЕИнинг Ҳимоя қилиш шартлари тўғрисидаги йўриқномаси) мувофиқ, қочоқ мақомини олиш учун талаб этиладиган мезонларга мувофиқ бўлган шахсларга, агар давлат хавфсизлиги ёки

184 Ўша жойда, 37-банд. Шунингдек қаранг: БМТ ҚОКБнинг Халқаро ҳимоя қилиш бўйича 2-тавсиялари

185 БМТ ҚОКБнинг Халқаро ҳимоя қилиш бўйича 2-тавсиялари, 17-банд

186 БМТ ҚОКБнинг Халқаро ҳимоя қилиш бўйича 2-тавсиялари, 38-банд

187 Ўша жойда, 39-банд

188 Ўша жойда, 37-банд

189 Ўша жойда, 23-банд

жамоатчилик тартиби бошқа нарсани талаб этмаса, узайтириш имконияти билан уч йилдан кам бўлмаган муддатга истиқомат қилиш ҳуқуқи тақдим этилади<sup>190</sup>.

### Қўшимча ҳимоя

Қўшимча ҳимоя БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган, қочоқ мақомига мувофиқ бўлмаган шахсларни ҳимоя қилиш ва тегишли мақомни тақдим этишнинг ҳуқуқий механизмларини англатади. Агар қайсидир бир шахс қочоқ мақомини олиш номзодлари талабига мувофиқ бўлмаса, бу уни автомат равишда бошқа – масалан, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёки ушбу шахс келиб чиқиш мамлакатига қайтиб борганидан кейин дуч келадиган бошқа, ҳаётига, эркинлиги ёки шахсий ҳавфсизлигига жиддий ҳавфлар мавжудлиги асосларда халқаро ҳимояланиш ҳуқуқини олишдан маҳрум этмайди. Масалан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуққа мувофиқ, келиб чиқиш мамлакатига қайтиб келганида қийноқлар ёки муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига ёхуд жиддий зарар етказишнинг бошқа шакалларига дучор бўлиш реал ҳавфи таҳдид солганида, бундай шахсларни чиқариб юбориш ман этилган. Бу шахслар улар турган ҳудуддаги давлат томонидан халқаро ҳимоя қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга. Шу тарзда халқаро ҳуқуқда чиқариб юбормаслик тамойили қочоқлар тўғрисидаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ билан тўлдирилади.

ЕИга аъзо бўлган ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар ҳолатида қўшимча ҳимоя ЕИнинг Ҳимоя шартлари тўғрисидаги йўриқномаси билан тартибга солинади. Унда қўшимча ҳимояга мухтож бўлган шахсларга қўлланиладиган шартлар батафсил баён этилган. Йўриқнома қўшимча ҳимоя олиш учун талабларга мувофиқ бўлган шахсни “учинчи мамлакатнинг фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг, қочоқ мақоми олиш учун мезонларга мувофиқ бўлмаган, лекин унга нисбатан агар бу шахс келиб чиқиш мамлакатига ёки фуқаролиги бўлмаган ҳолатларда аввал одатда яшаб келган мамлакатга қайтарилган ҳолатда, унга жиддий зарар етказишнинг реал ҳавфи таҳдид солиши учун ишонarli асослар бўлган” ва “ўз мамлакатида ҳимояланишдан қодир эмаслиги ёки ана шундай ҳавф борлиги сабабли ҳимоядан фойдаланишни хоҳламайдиган” деб

190 ЕИнинг Ҳимоя шартлари тўғрисидаги йўриқномаси. 24(1)-модда. Бундан ташқари, ЕИ Кенгашининг 2005 йил 1 декабрдаги Иштирок этувчи давлатларнинг қочоқ мақомини тақдим этиш ва бу мақомдан маҳрум этишга тааллуқли тартибларига энг кам талаблар тўғрисида 2005/85/ЕИ йўриқномасида (2005 йил 13 декабрь, ОJ L 326/13) бошпана тақдим этиш тартибидан адолатли ва амалда фойдаланишни таъминлайдиган кафолатларга нисбатан умумий стандартлар ўрнатилган. Ушбу Йўриқнома 2013 йил 26 июнга қадар амал қилади, шундан кейин янги, қайта ишланган 2013 йил 26 июндаги (ОJ L 180/60) варианти амал қилади. 2003 йил 27 январдаги ЕИ Кенгашининг 2003/9/ЕИ Йўриқномаси иштирок этувчи давлатларда бошпана излаётган шахсларни қабул қилишнинг энг кам стандартларини ўрнатади (2003 йил 6 декабрь, ОJ L 31/18). Шунингдек, бошпана излаётганларнинг турмуш шароитларига нисбатан умумий стандартлар ўрнатилган. Ушбу Йўриқнома 2015 йил 21 июндан бошлаб 2013 йил 26 июндаги қайта ишланган варианти билан алмаштирилади (ОJ L 180/96). Унга мувофиқ, бошпана излаётган шахсларга турар жой, овқатланиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий ва руҳий ҳимоя қилиш ҳамда ишга жойлаштириш таъминланади

таърифланади<sup>191</sup>. Шу муносабат билан ЕИнинг Ҳимоя қилиш шартлари тўғрисидаги йўриқномасига мувофиқ, истиқомат қилиш ҳуқуқи агар шахсга жиддий зарар етказилиши таҳдид солаётган бўлса, қўшимча ҳимоя манфаатларида истиқомат қилиш ҳуқуқи берилади. Бироқ бундай истиқомат қилиш ҳуқуқи яшаш ҳуқуқи турлари асосида бўлса ҳам ана шу ҳуқуқ бериладиган қочоқ мақомини олган шахсларга унинг амал этиш энг кам муддати бир йилни ташкил этади<sup>192</sup>.

---

191 ЕИнинг Ҳимоя шартлари тўғрисидаги йўриқномаси, 2(е)-модда

192 ЕИнинг Ҳимоя шартлари тўғрисидаги йўриқномаси, 24(2)-модда

## 4-тамойил.

# Қайтариш жараёнида одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича махсус чоралар

---

Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларга нисбатан алоҳида ҳимоя қилиш ва ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилади. ЕХХТда иштирок этувчи кўпгина мамлакатларда одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларнинг мақоми, турар жойи, парваришни ёки ишонарли қарорларни излашни таъминлашга нисбатан энг яхши манфаатларини аниқлаш тартибининг стандартлари ўрнатилмаган. Амалиёт боланинг энг яхши манфаатларини ҳисобга олиш тамойили, агар у қонунда мустаҳкамлаб қўйилган бўлса ҳам, ушбу тамойилга самарали амал этишни кафолатлаш учун етарли эмас. Ҳатто ана шундай тартиблар мавжуд бўлса ҳам улардан ҳамиша фойдаланилмайди<sup>193</sup>. ЕХХТ минтақасида жорий қилинган ҳимоялаш ва ёрдам кўрсатиш чораларига келганида, айрим иштирок этувчи давлатларда одам савдоси жабрдийдалари бўлган кузатилмаётган болаларга вақтинча қонуний васийни тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий қоидалар қабул қилинган<sup>194</sup>.

ЕХХТда иштирок этаётган давлатлардан қайтарилаётган ёки ана шу давлатларга қайтарилаётган кузатилмаётган вояга етмаганлар болалар сони кўп эмас. Бундай қайтариш одатда ихтиёрий бўлади ва халқаро ташкилотлар (масалан, ХМТ) томонидан ўтказиладиган дастурлар орқали амалга оширилади<sup>195</sup>. Кузатилмаётган болаларни (баъзан ҳужжатсиз) энг яхши манфаатларини қандайдир дастлабки баҳолашни ўтказмасдан ва ЕИнинг реадмиссия тўғрисидаги битими шартларига амал этмасдан мамлакат чегарасига қайтариш ҳолатлари

---

193 ЕИга аъзо давлатларда Одам савдосига қарши чоралар тўғрисидаги маъруза, кўрсатилган асар, 90 б.; European Agency for Fundamental Rights, Child Trafficking in the European Union: Challenges, Perspectives and Good Practices[Европа Иттифиқда бола савдосига қарши кураш], 7 July 2009, p. 95.

194 ЕИга аъзо давлатларда Одам савдосига қарши чоралар тўғрисидаги маъруза, кўрсатилган асар, 90 б.

195 200 European Migration Network (EMN), Policies on Reception, Return and Integration arrangements for, and numbers of, Unaccompanied Minors – an EU comparative study[ЕИда кузатилмаётган болаларни қабул қилиш, қайтариш ва интеграция қилиш масалалари бўйича сиёсат: таққослама таҳлил], May 2010, pp. 71-75.

тўғрисидаги хабарлар мавжуд<sup>196</sup>. ХМТ томонидан ташкил этилган қайтаришнинг рўйхатга олинган ҳолатлари боланинг энг яхши манфаатларини аниқлаш мақсадида қайтаришдан олдин баҳолаш ана шундай ҳолатларда стандарт тартибда ўтказилишидан далолат беради<sup>197</sup>. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар ЕИга аъзо кўпчилик давлатларда кузатилмаётган болаларни мажбурий қайтариш амалга оширилмаслигини, лекин болаларни оилалари билан ёхуд айрим ҳолатларда ихтиёрий қайтариш дастурлари доирасида қайтарилишини кўрсатди<sup>198</sup>.

Яқинда ўтказилган тадқиқотлар мамлакатлар кўпинча боланинг аҳволи тўғрисида ахборот тўплаш, унинг қариндошларини излаш, оилавий алоқаларини тиклаш ҳамда қўшилиш тартиби доирасида оилавий вазиятни баҳолашда муаммоларга дуч келишларидан далолат берди<sup>199</sup>.

### Боланинг энг яхши манфаатлари<sup>200</sup>

Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларга тааллуқли ҳар қандай қарорлар ва чоралар қабул қилишда боланинг манфаатларига биринчи даражали эътибор берилиши керак. Ушбу тамойил ҳокимиятнинг барча тармоқларига, шу жумладан қайтаришни ташкил этиш билан шуғулланаётган ва қайтариш билан боғлиқ жараёнларга тааллуқлидир<sup>201</sup>. БХҚ боланинг энг яхши манфаатлари концепциясининг уч яхлит хусусиятини таъкидлаган<sup>202</sup>. Биринчидан, бу бола унинг энг яхши манфаатлари аниқ масала бўйича қарор ишлаб чиқиш мақсадида турли манфаатлар кўриб чиқилиши маъносида биринчи навбатдагиси сифатида баҳоланиши ва ҳисобга олинишини назарда тутати. БХҚ фикрича, Конвенциянинг тегишли қоидалари (3-модданинг 1-банди) бевосита қўлланиш меъёри ҳисобланади (тегишли қонунлар қабул қилинишига

196 UN Office of the High Commissioner for Human Rights (OHCHR), UN Special Rapporteur on the Human Rights of Migrants, Statement on Mission to Albania [БМТнинг Мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари масалалаи бўйича махсус маърузачисининг Албаниядаги миссияси баёноти], December 2011.

197 202 Policies on Reception, Return and Integration, кўрсатилган асар, 200-ҳавола, 116 ва 119 б.

198 European Council on Refugees and Exiles, Comparative Study on Practices in the Field of Return of Minors: a Checklist to Achieve Good Practices When Considering the Return of Children to Third Countries, A Tool for Quality Planning for Member States [Воёга етмаганларни қайтариш амалиётининг таққослама тадқиқоти], December 2011, HOME/2009/RFX/PR/1002, p. 12.

199 Comparative Study on Practices in the Field of Return of Minors, кўрсатилган асар, 203-ҳавола, 13 б.

200 Ушбу бўлим қуйидаги ҳужжатларга асосланади: БХҚнинг умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари; БХҚнинг умумий тартибдаги 14-мулоҳазалари; БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари (БМТ ҚОКБ) томонидан ишлаб чиқилган “Боланинг энг яхши манфаатларини аниқлаш бўйича ҚОКБ тавсиялари” (2008 йил, май) ва “Боланинг энг яхши манфаатларини аниқлаш бўйича ҚОКБ тавсияларини амалга ошириш бўйича қўлланмаси (2011 йил, ноябрь), шунингдек БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) томонидан тайёрланган “Европада одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича маълумотнома” (2006), 9.2-бўлим. Бу ҳақда батафсилроқ ахборотга қаранг: Gallagher, The International Law of Human Trafficking, указ. соч., сс. 323-336; UN Office of the High Commissioner for Human Rights (OHCHR), Commentary to the Recommended Principles and Guidelines on Human Rights and Human Trafficking (E/2002/68/Add.1, 20 May 2002) [БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари, “Инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича тавсия этилаётган принциплар ва дастурамал қоидаларга шарҳлар, 2010, 161-174 б. (бундан буён – “ҚОКБнинг бўйича тавсия этилаётган принциплар ва дастурамал қоидаларга шарҳлар”)

201 Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (БМТ Бош Ассамблеяси, 1989 йил 20 ноябрь), 3(1)-модда

202 БХҚнинг Умумий тартибдаги 14-мулоҳазалари, 6-банд

мухтож эмас) ва демак унга судда ҳавола қилиш мумкин<sup>203</sup>. Иккинчидан, энг яхши манфаатлар концепцияси ҳуқуқий тамойил сифатида кўрилади ва шу муносабат билан қонунни турлича талқин этиш имконияти бўлса, улардан боланинг энг яхши манфаатларига самарали жавоб берадигани танланиши керак<sup>204</sup>. Учунчидан, мазкур концепция тартибнинг қоидаси ҳисобланиб, унга мувофиқ қарор қабул қилиш жараёни ушбу қарорнинг тегишли болага эҳтимол тутилган таъсирини баҳолашни қамраб олиши керак<sup>205</sup>.

Боланинг энг яхши манфаатларини баҳолаш ҳар бир алоҳида ҳолатда, ҳар бир боланинг аниқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда ўтказилиши керак. Гап тегишли боланинг шахсий хусусиятлари билан боғлиқ вазиятлар – масалан, ёши, жинси, егуклик даражаси, тажрибаси, у ёки бу озчиликни ташкил қиладиганларга мансублиги, жисмоний, ҳиссий ёки интеллектуал бузилишлар мавжудлиги, шунингдек бола мансуб бўлган ижтимоий-маданий муҳит (ота-онанинг, қариндошлари ёки васийлари борлиги ёки йўқлиги ёхуд муқобил сифатли парваришлаш) ва бошқа омиллар тўғрисида кетмоқда. Боланинг энг яхши манфаатларини баҳолаш бола одам савдоси жабрдийдалари идентификация қилиниши биланоқ бошланиши ҳамда ишонарли қарор топиллиши ва амалга оширилишигача боланинг барча ҳаракатланиши жараёнида давом этиши керак<sup>206</sup>. Боланинг энг яхши манфаатларини аниқлашда ҳисобга олишда зарур бўлган бошқа унсурларда унинг қарашлари, шахси, оилавий даврасини сақланиши, ҳимоя қилиш ва хавфсизлиги, саломатлик, таълим ва ночорликни аниқлаш киради<sup>207</sup>. Гап одам савдоси жабрдийдалари бўлган болалар тўғрисида кетаётганда боланинг ночор аҳволи алоҳида аҳамиятга эгадир, чунки бу ҳолатда бошқа ҳуқуқларни (масалан, БМТнинг Қочоқлар тўғрисидаги конвенциясида кўзда тутилган ҳуқуқларни) эътиборга олиш зарур<sup>208</sup>. БХК, шунингдек аниқ ночор аҳволда бўлган боланинг энг яхши манфаатлари худди шундай тарзда ночор аҳволда бўлган барча бошқа болалар манфаатлари билан бир хил эмаслигини таъкидлайди<sup>209</sup>. Шу муносабат билан одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни қайтаришда икки ҳолатга алоҳида эътибор берилиши керак. Биринчидан, болалар номидан қарор қабул қилишга, энг авало, унинг ота-оналари ҳуқуққа эга; Бироқ агар улар боланинг энг яхши манфаатларини ўзларининг асосий вазифаси деб ҳисобламаса (масалан, уларнинг ўзи ушбу бола савдосига шерик бўлса), давлат ушбу боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бунга аралашлиши мумкин. Иккинчидан, давлатлар бошқа – масалан, иммиграция назоратини амалга ошириш ёки ижтимоий тартибни таъминлаш

---

203 Ўша жойда

204 Ўша жойда

205 Ўша жойда

206 БХКнинг Умумий тартибдаги 14-мулоҳазалари, 48-банд

207 ЮНИСЕФнинг Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланмаси, 256

208 БХКнинг Умумий тартибдаги 14-мулоҳазалар, 52-79-бандлар

209 Ўша жойда, 75-76-бандлар

билан боғлиқ нуқтаи назардан одам савдоси жабрдийдалари бўлган боланинг энг яхши манфаатларидан юқори қўймасликлари керак<sup>210</sup>.

Боланинг энг яхши манфаатлари концепцияси ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасида, шунингдек 2005 йилги Қўшимчада ва 2013 йилги Қўшимчада ўз ифодасини топган<sup>211</sup>. ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномасида ҳам биринчи даражали эътибор боланинг энг яхши манфаатларини таъминлашга қаратилиши кўрсатилган<sup>212</sup> ҳамда аъзо давлатлар одам савдоси жабрдийдаси бўлган ҳар бир боланинг вазиятини одам савдоси жабрдийдаси бўлган боланинг жисмоний ҳамда руҳий-ижтимоий реалибатация қилишга йўналтирилган ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича барча тадбирларни амалга оширилгунга қадар шахсий баҳолашни ўтказишни таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши керак<sup>213</sup>. ЕИнинг Жиноят жабрдийдалари ҳуқуқлари, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашга нисбатан энг кам стандартларни ўрнатиш тўғрисидаги йўриқномаси бола одам савдоси жабрдийдаси бўлган ҳолатда, биринчи навбатда, аъзо давлатларнинг эътибори боланинг энг яхши манфаатларини таъминлашга қаратилиши, бу таъминланиши ҳамда ана шу манфаатларни баҳолаш шахсий асосда ўтказилиши мажбуриятини кўзда тутди<sup>214</sup>. Худди шу тарзда Йўриқнома “боланинг ёши, етуклик даражаси, қарашлари, эҳтиёжлари ва уни ташвишлантирадиган муаммолар зарур тарзда ҳисобга олинадиган ёндашувга мўлжалланган” бўлиши кераклиги кўрсатилган<sup>215</sup>.

210 Қаранг: БХКнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари, 19-22-бандлар; ИХОКБнинг тавсия этилаётган принциплар ва дасурамла қоидаларга шарҳи, кўрсатилган асар, 205-ҳавола, 166 б; БХКнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари

211 Қаранг: ЕХХТ Ҳаракатлар режасига 2005 йилги Қўшимча, муқаддима ва V бўлим, 10(1), 13(1); шунингдек ЕХХТ Ҳаракатлар режасига 2013 йилги Қўшимча, муқаддима ва III бўлим, 1.3

212 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, 14(1)-модда

213 Ишонарли қарорни излашда боланинг қарашлари ҳисобга олиниши керак. Одам савдоси жабрдийдаси бўлган болани мажбурий қайтариш кўп жиҳатдан барқарор қарор бўлмайди, улар яна ўзларини одам савдоси жабрдийдаси бўлиш хавфига қўйиб, ўз мамлакатидан яна чиқиб кетишнинг янги имкониятларини топишга ҳаракат қилади (ЮНИСЕФнинг Европада одам савдоси жабрдийдаси бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича маълумотномаси (2006), 80 ва 86 б.). Болада асосланган фикр шаклланиши учун, у ўзининг аҳволига алоқадор ва ёшига мувофиқ бўлган ахборотни олиши керак, шунингдек бу ахборот унинг учун тушунарли тилда тушунтириб берилиши зарур (қаранг: Separated Children in Europe Program [Программа «Разлученные дети в Европе»], SCEP Statement of Good Practice, March 2010, 4th Revised Edition, p. 18). ЕИнинг кузатилмаётган болаларга тааллуқли Ҳаракатлар режасида ишонарли қарор боланинг энг яхши манфаатларини шахсан баҳолашига асосланиши кераклиги ва қайтариш кўриб чиқиш учун вариантлардан бири эканлиги қайд этилган. Ҳаракатлар режасида, шунингдек “Қайтаришнинг барча ҳолатларида бу хавфсизлик таъминланган ва боланинг манфаатлари ва жинси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши кераклиги” таъкидланади (қаранг: European Union: European Commission, Communication from the Commission to the European Parliament and the Council. Action Plan on Unaccompanied Minors (2010-2014), 6 May 2010, COM(2010) 213/3, п. 5 (бундан буюн – “ЕИнинг кузатилмаётган болаларга тааллуқли Ҳаракатлар режаси”))

214 Европа парламенти ва Кенгашининг 2012 йил 25 октябрдаги Кенгашининг 2001/220/JHA, 2012 OJ L 315/57 қарорини алмаштирадиган, Жиноят жабрдийдаларининг ҳуқуқлари, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга нисбатан энг кам стандартларини ўрнатиш тўғрисидаги 2012/29/ЕИ йўриқномаси

215 Ўша жойда

## Ёш презумпцияси, ёш балоғатга етган шахслар ва мақом тақдим этилиши

Боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш ҳар бир алоҳида ҳолатда, одам савдоси жабрдийдалари вояга етмаганларни устувор тарзда аниқлашдан бошлаб ҳимояга эҳтиёжнинг устуворлиги даражасини аниқлашнинг дастуриламал тамойили ҳисобланади<sup>216</sup>. Агар одам савдоси жабрдийдаларининг ёши номаълум бўлса ва улар балоғат ёшига етмаган деб ҳисоблашга асос бўлса, бундай шахс бола деб ҳисобланади<sup>217</sup>. Жабрдийда ёшини аниқлаш вақтида у идентификация жараёни ниҳоясига етмагунча давлат ҳудудидан кўчирилиши керак эмас<sup>218</sup>.

Айрим вазиятларда БМТ ёш вояга етган шахсларга нисбатан боланинг энг яхши манфаатларини аниқлаш расмий тартибларини қўллашни ёқлайди. Ушбу ҳолатда кузатилмаётган болалар билан биргаликда яшаётганлар эҳтимол қочиш тажрибасига эга бўлиши мумкин<sup>219</sup>. Бундай ҳолатларда БМТ ҚОКБ агар бу уларнинг ҳимояга ёки узоқ муддатли қарорни излашга эҳтиёжларини аниқлаш учун талаб қилинса, 21 ёшгача бўлган ёш вояга етганларга нисбатан ҳам ўтказиши мумкин<sup>220</sup>.

ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар одам савдоси жабрдийдалари бўлган ва бунда бўлиш мамлакатининг фуқаролари ёки резидентлари бўлмаган болаларга мамлакатда ҳеч бўлмаганда вақтинча бўлиш ҳамда хавфсиз бошпана, тиббий, руҳий ва ҳуқуқий ёрдам, шунингдек ижтимоий хизматлар ва таълим тақдим этишни қамраб оладиган шошилинч ёрдам олиш ҳуқуқини берадиган тегишли мақом бериш мажбуриятини олган<sup>221</sup>. Жабрдийданинг ёшига нисбатан аниқ ишонч бўлмаганида ва у бола эканлиги бўлганлиги учун асослар бўлганида Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси бундай жабрдийдага нисбатан Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болалар учун конвенцияда кўзда тутилган махсус ҳимоя қилиш ва ёрдам кўрсатиш чораларини ушбу шахс ёшини ўрнатиш жараёни давом этаётган пайтда қабул қилишни белгилаган<sup>222</sup>. БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколида бу тамойил бевосита қайд этилмаган бўлса ҳам, ана шу БМТнинг қонunchилик органлари учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий

216 ЮНИСЕФнинг Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланмаси, 25 б

217 БХКнинг Умумий тартибдаги 14-мулоҳазалар, 52-79-бандлар

218 ЮНИСЕФнинг Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болани ҳимоя қилиш бўйича қўлланмаси, 15 б.

219 БМТ ҚОКБнинг Боланинг энг яхши манфаатларини аниқлаш бўйича тавсиялари (2008 йил май), 49 б.

220 Ўша жойда, 49 б. БМТ ҚОКБ боланинг энг яхши манфаатларини аниқлаш жараёни улар 18 ёшга тулгуларича таъминланиши учун ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлайди. Ана шу масала ва ёш вояга етган шахсларнинг энг яхши манфаатларини аниқлаш масаласи бўйича батафсилроқ ахборот учун қаранг: Field Handbook for the Implementation of UNHCR BID Guidelines [БМТ ҚОКБ боланинг энг яхши манфаатларини аниқлаш таалуқли тавсияларни бажариш бўйича амалий қўлланма], 2011, pp. 72-

221 ЕХХТ Ҳаракатлар режасига 2005 йилги Қўшимча, 8-тавсиялар

222 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш конвенцияси, 10(3)-модда. Амалда ҳудди шундай талаб Европа Кенгашининг Болаларни шахвоний эксплуатациядан ва шахвоний зўрлашдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциясида (2007) ҳам қайд қилинган, 11(2)-модда

уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва унга Протколни амалга ошириш бўйича қўлланмасида қайд этилган<sup>223</sup>. Худди шу тарзда ЕИнинг қонунчилиги, агар одам савдоси жабрдийдаларининг ёши номаълум бўлса ва у бола эканлигига асос бўлса, аъзо давлатлар бола дарҳол ёрдам, қўллаб-қувватлаш ва ҳимояланишдан фойдалана олиши учун жабрдийда бола эканлигини тан олишни кўрсатган<sup>224</sup>.

Болага у ёки бу тарзда мамлакатда бўлиш ҳуқуқини тақдим этиш боланинг энг яхши манфаатларини баҳолаш жараёни учун дастлабки шарт ҳисобланади<sup>225</sup>. ЮНИСЕФ жабрдийда болалар чет эл фуқароси бўлганида турган мамлакатнинг ваколатли органлари муваққат ҳужжатлар бериш ҳамда мамлакатда қонуний асосда вақтинча бўлиш ҳуқуқини узоқ муддатли қарор қабул қилингунча болани депортация қилишга йўл қўймасликни тавсия этади<sup>226</sup>.

ЕИ даражасида қайтаришлари мумкин бўлмаган болалар аҳволига тааллуқли қонунчилик ва сиёсат ҳозирча ишлаб чиқилмаган, шунинг учун истиқомат қилиш ҳуқуқи турини тақдим этиш масалалари миллий қонунчилик томонидан инсонпарварлик ва бошқа нуқтаи назардан тартибга солинади<sup>227</sup>.

#### Қонуний васий ва қонуний вакил

Кузатилмаётган ва оиласидан айрилган болалар тўғрисида гап кетганда, БҲК боланинг энг яхши манфаатларини таъминлашнинг асосий процессуал кафолати сифатида дарҳол ҳомиини тайинлашни назарда тутди<sup>228</sup>. Васий тайинламагунга қадар болага нисбатан қандайдир бошқа тартиблар бошланмаслиги керак, унга нисбатан маъмурий ёки суд ишлари бошланганда эса васийдан

223 Управление ООН по наркотикам и преступности. Руководство для законодательных органов по осуществлению Конвенции Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности и протоколов к ней. Нью-Йорк, Организация Объединенных Наций, 2004, часть 2, п. 65.

224 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, 13(2)-модда

225 Қаранг: БҲКнинг умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари, 20-банд. ЮНИСЕФнинг Европада одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича маълумотномасида “боланинг ҳуқуқий мақомини ўз вақтида қатъий белгилаш одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни талабга жавоб бермайдиган репатриация қилинишининг олдини олиш имконини берадиган уни ҳимоя қилишни таъминлашда муҳим қадамлардан бири бўлади. Энг камида бу уни одам савдоси жабрдийдаси сифатида олиб кирилган ва ҳозир ўша ерда бўлган мамлакатда қолиш имконини берадиган вақтинчалик ҳуқуқий мақомга тақдим этилишини англатади. Бу ҳеч бўлмаганда хавфларни ва хавфсизликни баҳолаш амалга оширилгунга ҳамда ушбу болага нисбатан барқарор қарор топилгунга қадар таъминланади. Ана шу жараён ҳафталар эмас, балки ойлар давом этиши эҳтимоли катта (ЮНИСЕФнинг Европада одам савдоси жабрдийдаси бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича маълумотномаси (2006), 75 б.

226 Маъмурлар, шунингдек миграция хихмати одам савдоси жабрдийдалари деб тахмин қилинаётган болалар уларнинг ушбу мамлакатда бўлишлари қонуний ғуқуқлари борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар депортация қилмаслик тўғрисида йўриқномага эга бўлишларини таъминлашлари шарт (ЮНИСЕФнинг Европада одам савдоси жабрдийдаси бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича маълумотномаси (2006), 76 б.

227 ЕИнинг Кузатилмаётган болаларга тааллуқли Ҳаракатлар режаси, 14-модда

228 БҲКнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари, 21-банд

ташқари қонуний вакил тайинланиши керак<sup>229</sup>. Васийлик бола балоғат ёшига етганга ёки турган мамлакати ҳудудини ва/ёки унинг юрисдикцияси чегарасини узил-кесил ташлаб кетмагунга қадар амал этиши керак<sup>230</sup>.

Оиласидан ажралган болалар тўғрисида гап кетаганида, васий функциясини оиланинг кузатиб бораётган балоғатга етган аъзосига юклаш мақсадга мувофиқ, бироқ одам савдоси рўй берган ҳолатларда, қариндошларининг васий ролига муносиблиги масаласи синчиклаб – энг аввало, боланинг одам савдогарлари қўлига тушишига эҳтимол тутилган даҳлдорлиги муносабати билан синчиклаб ўрганиб чиқилиши керак<sup>231</sup>.

ЕХХТ мажбуриятларига мувофиқ, “болалар учун унга ёрдам кўрсатиш, ижтимоий (ре)интеграция ва (ёки) қайтариш барча босқичларида улар ҳуқуқий манфаатларининг вакили бўлган ҳомий ва (ёки) шахс тайинлаш тавсия этилади”<sup>232</sup>. Бу БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколида тўғридан-тўғри кўрсатилмаганига қарамасдан, Одам савдосининг олдини олиш ва унга барҳам бериш тўғрисидаги протоколни амалга ошириш бўйича қонун чиқарувчи органлар учун қўлланмада болани одам савдосининг жабрдийдаси сифатида идентификация қилиниши биланоқ ҳомий тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тавсия этилган. Ҳомий боланинг энг яхши манфаатларини ҳисобга оладиган узоқ муддатли қарорни излашнинг бутун жараёни давомида – бу қарор тасдиқланиши ва бажарилишига қадар болани парваришлашни таъминлайди. Ана шу бутун жараён давомида имконият даражасида одам савдосининг жабрдийдалари бўлган боланинг васийлик функциясини бир шахс бажариши керак<sup>233</sup>.

Юқорида қайд қилинганларга қўшимча равишда Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, кузатилмаётган бола одам савдосининг жабрдийдаси эканлиги ўрнатилиши биланоқ боланинг энг яхши манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонуний васий, иш кўриш ваколоти берилган ташкилот ёки орган тайинланиши керак<sup>234</sup>. ЕИнинг қонунчилиги, шунингдек “зарурат бўлганида”<sup>235</sup> ота-оналар мажбуриятига эга бўлган, лекин ушбу боланинг энг яхши манфаатларига амал қилишни

229 Ўша жойда. Кузатилмаётган ёки оиласидан ажралган болаларга қонуний вакил хизматлари бепул тақдим этилади (ўша жойда, 69-банд). Шунингдек қаранг: Умумий тартибдаги 14-мулоҳазалар, 97-банд

230 БХКнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари, 33-банд. Шунингдек қаранг: Руководство ЮНИСЕФ по защите детей-жертв торговли людьми, сс. 16-17.

231 Ўша жойда, 34-банд. Шунингдек қаранг: 235: Справочник ЮНИСЕФ по защите прав детей-жертв торговли людьми в Европе, с. 52.

232 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2005 йилги Қўшимча, 6-тавсия. Шунингдек қаранг: Рекомендации МЦРПМ О ММП, с. 37.

233 Васийларнинг масъулиятига доир қўшимча тавсиялар, қаранг: БМТ НЖБнинг қонунчилик органлари учун қўлланмаси, кўрсатилган асар, 229-қавола.4.2-банд. Шунингдек қаранг: Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалар, 231-банд

234 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги 2011/36/ЕИ йўриқномаси, муқаддима, 24-банд ва 10(а)(а)-модда

235 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги 2011/36/ЕИ йўриқномаси, 16(3)-модда

таъминлашга қодир бўлмаган ёки унинг вакили сифатида бўлмаган шахслар бошқа болаларга нисбатан кузатилмаётган боланинг васийсини тайинлашни кўзда тутди<sup>236</sup>.

### Қайтариш узоқ муддатли қарор сифатида

Одам савдосининг жабрдийдаси бўлган болага кўрсатилаётган ёрдамнинг пировард мақсади боланинг ҳимояланишга бўлган барча эҳтиёжларини ва унинг фикрларини ҳисобга олишни қамраб оладиган узоқ муддатли қарорни топишдан иборат<sup>237</sup>. Бундай қарор - одам савдосининг жабрдийдаси бўлган бола тақдирини ҳал қилишнинг узоқ муддатли режаси бўлиб, болани турадиган жойида интеграция қилишни, келиб чиқиш мамлакатига (жойига) қайтариш ёки учинчи мамлакатга кўчиришни қамраб олиши мумкин<sup>238</sup>.

Узоқ муддатли қарорни топишда биринчи қадам оилани бирлаштириш имкониятини ўрганиш ҳисобланади<sup>239</sup>. БМТ БХКда мустаҳкамлаб қўйилган меъёрларга амал қилиш мақсадларида бола ота-онасидан ажратилмаслиги керак<sup>240</sup>. Кузатилмаётган ёки оиласидан ажралган болани ота-оналарига қайтариш учун барча саъй-ҳаракатлар қилиниши лозим. Бевосита оиласидан ажратиш боланинг энг яхши манфаатларига жавоб берадиган ҳолат бундан истиснодир<sup>241</sup>. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қўмитаси давлатларга боланинг манфаатини энг яхши тарзда таъминлаш нуқтаи назаридан ёрдам бериш учун истисно ҳолатларда келиб чиқиш мамлакатига қайтариш ҳам ҳуқуқни ҳимоя қилиш хусусиятига асосланган ҳолда амалга оширилиши мумкинлигини тушунтирган. Бунда ана шу боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш учун боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш ва кўриб чиқилаётган ҳуқуқни ҳимоя қилиш омиллари синчиклаб таққослаб чиқилгандан кейингина амалга оширилиши керак<sup>242</sup>. Боланинг энг яхши манфаатларини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак<sup>243</sup>:

- шахсий ва умумий хавфсизлик шароитлари, шунингдек бошқа, жумладан бола қайтиб боргандан кейин уни кутадиган ижтимоий шароитлар;
- парваришлашни таъминлаш механизмларининг мавжудлиги<sup>244</sup>;
- боланинг турган мамлакатда интеграцияланиши даражаси ва унинг ўз мамлакати чегарасидан ташқарисида бўлишининг давомийлиги;

236 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги 2011/36/ЕИ йўриқномаси, 14(2)-модда

237 БХКнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари, 79-банд

238 Руководство ЮНИСЕФ по защите детей-жертв торговли людьми, сс. 3 и 28. Шунингдек қаранг: Рекомендации УВКБ ООН по определению наилучших интересов ребенка (2008); Field Handbook for the Implementation of UNHCR BID Guidelines, указ. соч., сс. 50-52.

239 БХКнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари, 79-банд

240 БМТ БХК, 9-модда

241 БХКнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари, 81,82-банд

242 БХКнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари, 85-банд

243 БХКнинг Умумий тартибдаги 6-мулоҳазалари, 84-банд

244 БМТ БХК, 12-модда

- боланинг “ўзининг индивидуаллигини, шу жумладан фуқаролиги, исми ва оилавий алоқаларини сақлаш”<sup>245</sup> ҳуқуқи;
- “болани тарбиялаш мақбуллиги ва унинг этник келиб чиқиши, диний ва маданий мансублиги ҳамда она тили”<sup>246</sup>.

Агар оиланинг бирлашиши имконияти йўқлиги ўрнатилса, келиб чиқиш мамлакатига қайтариш фақат хавфсизлик ва парваришлашни таъминлаш бўйича аниқ чораларнинг кўрилиши, шунингдек келиб чиқиш мамлакатига қайтарилгандан кейин васийни тайинлаш олдиндан келишилгандан кейин ўтказилиши мумкин<sup>247</sup>.

БҲК фикрича, истисно тарзида қайтариш боланинг энг яхши манфаатларини таъминлашдан устун бўлган бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш масалалари мавжуд бўлганида<sup>248</sup>, шу жумладан бола давлат ёки жамиятнинг хавфсизлигига жиддий таҳдид соладиган бўлган ҳолатларда<sup>249</sup>. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлмаган сабаблар (масалан, миграция устидан умумий назоратга тааллуқлилар) боланинг энг яхши манфаатларини таъминлашдан устун бўла олмайди<sup>250</sup>.

ЕХХТ Ҳаракатлар режасига 2005 йилги Қўшимчага мувофиқ, иштирок этувчи давлатлар қайтариш жараёни муносабати билан “боланинг келиб чиқиш мамлакатига қайтариш унинг энг яхши манфаатларига мувофиқ бўлганида” ёрдам ва ҳимоялаш тақдим этишлари керак. Бундан ташқари, Қўшимчада давлатлар қайтариш давомида болаларга зарур даражада ғамхўрликни таъминлашлари ва келиб чиқиш мамлакатадаги маъмурлар ушбу болалар қайтиб келганларидан кейин уларнинг омон-эсонлигини кузатиб боришлари зарурлиги ҳам қайд этилган<sup>251</sup>.

Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ давлатларга агар хавфлар ва хавфсизликни баҳолаш натижасида бундай қайтариш боланинг энг яхши манфаатларига жавоб бермаслиги тўғрисидаги маълумотлар олинганда, давлатларга одам савдосининг жабрдийдалари бўлган болани қайтариш ман этилади<sup>252</sup>. Бу қайтараётган давлат, шунингдек боланинг учинчи мамлакатга кўчириш имкониятини ҳам кўриб чиқиши кераклигини назарда тутаети. ЕИ Экспертлар гуруҳининг фикрича, одам савдосининг жабрдийдалари бўлган болалар “агар уларнинг қариндошларини

245 БМТ БҲК, 8-модда

246 БМТ БҲК, 20-модда

247 Ўша жойда, 84-банд

248 Ўша жойда, 85-банд

249 Ўша жойла

250 Ўша жойла

251 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2005 йилги Қўшимча, 10-банд

252 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш конвенцияси, 16.7-модда

топишнинг имконияти бўлмаса ёки улар боланинг қайтарилишига рози бўлмасалар ёхуд қайтариб кегандан кейин дарҳол ёки узоқ муддатли истиқболда бола парваришини таъминлашга қодир бўлмаслар ҳеч бир вазиятда у келиб чиқиш мамлакатларига мажбурий қайтарилмасликлари керак”<sup>253</sup>.

ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар одам савдосининг жабрдийдалари бўлган болалар учун узоқ муддатли қарорни излаш учун барча саъй ҳаракатлар қилиш мажбуриятини олганлар, бунинг учун улар қуйидаги вариантлардан бирини танлашади: а) келиб чиқиш мамлакатига қайтариш ва ўша жойда реинтеграция; б) болалар топилган мамлакатда ижтимоий интеграция; в) учинчи мамлакатга кўчириш<sup>254</sup>. Иштирок этувчи давлатлар ЕХХТдаги мажбуриятларга мувофиқ одам савдосининг жабрдийдаси бўлган болани унинг келиб чиқиш мамлакатига фақат бола ишининг барча аниқ вазиятларини ўрганганларида ва келиб чиқиш мамлакатига ушбу боланинг хавфсизлигини ҳимоя қилиниши, реабилитация ва реинтеграция қилишни таъминлашга қодир бўлган қариндошлари ёки махсус муассасалари мавжудлиги ўрнатгандан кейин<sup>255</sup>. Узоқ муддатли қарорни излашнинг илк босқичи оила билан бирлашиш имкониятини ўрганиш ҳисобланади<sup>256</sup>. Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш конвенциясига мувофиқ кузатилмаётган бола одам савдосининг жабрдийдаси эканлиги ўрнатилиши биланоқ иштирок этувчи давлатлар унинг оиласини (агар бу боланинг энг яхши манфаатларига жавоб берса) иложи борича тез топиш барча имкониятларидан фойдаланишлари керак. Кузатилмаётган болалар тўғрисида гап кетганида ЕИнинг қонунчилиги давлатлар боланинг энг яхши манфаатларини ҳисобга оладиган узоқ муддатли қарорни излашга йўналтирилган барча чораларни кўришларини талаб қилади<sup>257</sup>.

Кузатилмаётган болалар тўғрисида гап кетганида ЕИнинг қонунчилиги давлатлар боланинг энг яхши манфаатларини ҳисобга оладиган узоқ муддатли

---

253 Report of the EU Group of Experts, Explanatory Paper 13: Return and Social Inclusion (ЕИ Экспертлар гуруҳининг маърузаси, Маърузага 13- тушунтириш маълумоти) 198-199 б. Ушбу чегаралаш ЕИнинг қайтариш тўғрисидаги йўриқномасида баён қилинган, унга мувофиқ кузатилмаётган вояга етмаган шахсни ҳаракатланиши фақат аъзо давлатлар бола қайтариб бораётган мамлакатда у қариндоши, тайинланган васий ёки боларни қабул қиладиган тегишли муассасага берилишига ишонч ҳосил қилганидан кейин амалга оширилиши мумкин (қаранг: ЕИнинг Қайтариш тўғрисидаги йўриқномаси). ЕИнинг Экспертлар гуруҳи бола балоғат ёшига етганидан кейин унга истиқомат қилиш ҳуқуқининг қандайдир бошқа тури (масалан, ишлаш ҳуқуқи бўлган истиқомат қилиш ҳуқуқи ёки таълим олиш учун истиқомат қилиш ҳуқуқи) берилиши мумкин бўлмаса, мамлакатда бўлишга рухсат инсонпарварлик нуқтаи назаридан берилиши кераклигини тавсия қилади (қаранг: ЕИ Экспертлар гуруҳининг маърузаси, 96-банд)

254 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2005 йилги Қўшимча, 9-банд

255 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, V бўлим, 10.2-банд

256 ЕИнинг Ҳаракатлар дастурига 2005 йилги Қўшимча, 9-тавсия UNHCR et al., Prevent, Combat, Protect: Human Trafficking, кўрсатилган асар, 83 б.

257 UNHCR et al., Prevent, Combat, Protect: Human Trafficking, кўрсатилган асар, 83 б.

қарорни излашга йўналтирилган барча чораларни кўришларини талаб қилади<sup>258</sup>.

---

258 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, 16(2)-модда. Ушбу Йўриқномага биргаликдаги шарҳда БМТнинг агентлиги “ишонарли қарор - бу болага узоқ муддатли ва барқарор қарор таъминлайдиган қарордир” деб таъкидлайди (қаранг: UNHCR et al., Prevent, Combat, Protect: Human Trafficking). Шарҳда, шунингдек боланинг энг яхши манфаатларига жавоб берадиган ишонарли қарорни излашда мўлжалланган ҳар бир ишонарли қарорнинг хавф туғдириши ва хавфсизликни баҳолаш зарурлиги уқтирилади (шунингдек қаранг, 83 б.). Бундан ташқари, давлатларга боланинг келажагига узоқ муддат таъсир кўрсатадиган ҳар қандай қарорларни қабул қилишда, шу жумладан ишонарли қарорни излашда “энг яхши манфаат”ни белгилаш расмий тартибини жорий этиш тавсия қилинади (қаранг: ўша жойда, 71 б.). Ушбу мажбурият, шунингдек ЕИнинг Одам савдоси жабрдийдаларига истиқомат қилиш ҳуқуқини тақдим этиш тўғрисидаги 2004/81/ЕИ йўриқномасида ҳам мустақкамлаб кўйилган. Кузатилмаётган болалар тўғрисида гап кетганда, ЕИнинг 2003/9/ЕИ йўриқномаси давлатларга боланинг қариндошларини қисқа муддат ичида қидириш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди. Агар боланинг ёки унинг яқин қариндошларининг ҳаёти ва дахлсизлигига хавф мавжуд бўлса, уларнинг хавфсизлигига таҳдид пайдо бўлмаслиги учун ахборотларни тўплаш, улар билан ишлаш ва узатиш маҳфийлик шароитларида амалга оширилишини назорат қилиш керак. (19(3)-модда). Шуни таъкидлаш керакки, ЕИнинг 2003/9/ЕИ йўриқномаси чақириб олинди ва 2015 йил 20 июлдан Халқаро ҳимоя олишга номзодларни қабул қилиш соҳасидаги стандартларни белгилайдиган Европа парламенти ва Кенгашининг 2013 йил 26 июндаги 2013/33/ЕИ йўриқномаси билан алмаштирилади (2013 йил 29 июнь, L180/96). Янги Йўриқномага мувофиқ, ЕИга аъзо давлатлар боланинг энг яхши манфаатларини аниқлашда, айниқса вояга етмаган шахс одам савдоси жабрдийдаси бўлиши мумкинлиги эҳтимоли мавжудлигида шахсий ва умумий хавфсизликни зарур даражада ҳисобга олишлари керак.

## 5-тамойил.

# Бундан кейин зарар етказишни истисно этадиган узоқ муддатли қарорлар

---

ЕХХТда иштирок этувчи қатор давлатларда одам савдосининг жабрдийдалари бўлган шахсларни ана шундай жабрдийда ҳолатида содир этган жиноятлар учун таъқиб этишдан ҳимоя қиладиган қонунчилик ҳали қабул қилинмаган. Бу жуда кескин муаммо ҳисобланади, чунки одам савдосининг жабрдийдалари бўлган одамлар томонидан кўпинча содир этадиган амаллар, шу жумладан мамлакатга ноқонуний кириш ёки унинг ҳудудида ноқонуний бўлиш, шунингдек фоҳишабозлик билан шуғулланиш одатда жиноят ҳисобланади. ЕИга аъзо кўпчилик мамлакатларда шахслар одам савдогарлари ҳукмронлигида бўлганларида ҳуқуқни бузишга мажбур қилинганларни ҳимоя қилишни кафолатлайдиган қоидалар амал қилади. Айни пайтда баъзи давлатларда бундай қоидалар ҳуқуқбузарликларни муайян турларига – масалан, фоҳишабозлик ёки миграция тартибини бузишга тааллуққидир<sup>259</sup>. ЕХХТга аъзо қатор давлатларда одам савдосининг жабрдийдаларини қамоқда сақлашга тааллуқли қонунчилик ёки йўриқнома хусусиятига эга аниқ қоидалар қабул қилинган. Бошқа давлатларда улар ҳудудида ноқонуний бўлганлар одам савдоси жабрдийдалари сифатида идентификация қилинганда, қоида бўйича, агар улар келиб чиқиш мамлакатининг қўллаб – қувватлаши ёки бу қўллаб-қувватлашсиз кўнгилли қайтиш жараёнида иштирок этаётган бўлсалар ушланмайди.

ЕИга аъзо қатор давлатларда ихтиёрий қайтаришга ёрдам дастурларидан фойдаланган учинчи мамлакатлар фуқароларига мамлакатга такроран кириш ман этилади. Ана шу дастурлар доирасида қайтарилаётган одам савдосининг жабрдийдаларига бу қоида қўлланилиши ёки қўлланмаслиги номаълум. Бироқ айрим вазиятларда инсонпарварлик нуқтаи назаридан махсус визалар берилиши мумкинлигига йўл қўйилади<sup>260</sup>. ЕИнинг баъзи мамлакатларида агар одам савдосининг жабрдийдалари қўллаб-қувватлаш ва/ёки қайтариш расмий

---

259 Hancilova and Massey, Legislation and the Situation Concerning Trafficking in Human Beings, указ. соч., сноска 80, с. 63. European Union Agency for Fundamental Rights, Child Trafficking in the European Union – Challenges, perspectives and good practices[Асосий ҳуқуқлар бўйича агентлик, ЕИ мамлакатларида болалар савдосига қарши кураш], 2009, р. 69.

260 Programmes and Strategies in the EU Member States (European Migration Network), кўрсатилган асар, 13-ҳақола, 6.2.4 банд.

дастурида иштирок этишдан воз кечган ҳолда мамлакатдан чиқиб кетаётган бўлса, унга бу мамлакатга такроран кириш ман этилади<sup>261</sup>.

Одам савдосининг жабрдийдалари бўлган шахсларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиши ушбу одамлар савдосини амалга ошириган жиноятчилар томонидан жазоланишининг катта хавфи бўлади. Шу муносабат билан одам савдосига дучор бўлган аёллар ва эркакларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда махсус ҳимоя чораларини қабул қилишни таъминлаш ниҳоятда муҳимдир. Кўпгина мамлакатларда эҳтимол тутилган ўч олишдан комплекс ҳимоя қилиш фақат жабрдийда жинойи иш жараёнида гувоҳ сифатида иштирок этсагина таъминланади. Айрим ҳолатларда бу фақат жиноятларнинг муайян турлари ишлари бўйича ёки гувоҳларнинг муайян тоифаларига нисбатан қўлланилади.

### Келгусида зарар келтирилишига йўл қўймаслик

Одам савдосининг жабрдийдаларини турли белгилар бўйича жинойи жавобгарликка жалб қилиш, улар эркинликларини чегаралаш ва камситиш муаммолари фақат бу шахсларни қайтариш жараёни учунгина ҳос эмас. Аксинча булар одам савдосининг жабрдийдалари билан турган мамлакатларида зарур тарзда муомала қилиш эҳтиёжларига тааллуқли умумий хусусиятга эга муаммодир. Шунга қарамасдан, ана шу муаммоларга қайтариш жараёни доирасида тўғри қарор топиш керак, чунки уларни алоҳида кўриб чиқиш такроран вектимизация оқибатида одам савдосининг жабрдийдаларига келгусида зарар келтиришга олиб келиши мумкин.

ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг 2000 йилги Қарори<sup>262</sup> қабул қилинганидан кейин ЕХХТда иштирок этувчи давлатларнинг одам савдосининг жабрдийдаларини жинойи жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масала бўйича нуқтаи назарларида сезиларли ўзгаришлар бўлди<sup>263</sup>. ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятлар улар савдо объекти бўлганликлари сабаби бўйичагина жинойи иш тартибида таъқибга дучор қилинмасликлари кераклиги тўғрисидаги мажбуриятларни кўзда тутди<sup>264</sup>.

ЕХХТнинг одам савдоси билан курашиш бўйича махсус вакили ва мувофиқлаштирувчиси “давлатлар одам савдоси жабрдийдаларини, агар улар

261 Ахборот La Strada фонди вакилидан 2011 йил 21 ноябрда олинган

262 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг ЕХХТнинг одам савдоси билан курашни фаоллаштириш тўғрисидаги қарори (Вена, 2000 йил 28 ноябрь), 9-модда, , <http://www.osce.org/ru/mc/40504?download=true>.

263 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 8/07-қарорида жабрдийдаларни, агар улар бунга мажбур қилинган бўлсалар, ҳуқуқбузарлик фаолиятида иштирок этганликлари учун жазоландан озод қилиш мумкинлиги тўғрисидаги қоида муҳокама қилинмоқда (қаранг: ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 8/07-қарори, 10-банд). Ҳудди шундай ёндашув Вазирлар кенгашининг 2011 йилги учрашувидаги Декларациясида ҳам қабул қилинган (қаранг: Вазирлар кенгашининг 2011 йилги учрашувининг “Одам савдосининг барча шакллари билан курашиш тўғрисида”ги декларацияси, Вильнюс, 2011 йил 7 декабрь, 10-банд) <http://www.osce.org/ru/mc/88639?download=true>

264 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, III бўлим, 1.8-банд

томонидан содир этилган жиноят одам савдоси объектлари бўлганлиги сабабли ёки бевосита ана шу билан боғлиқ бўлса, жазога тортмасликлари шарт; давлатлар ўзларининг ички тизимларига мувофиқ жазолашдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабларни бажариш воситасига нисбатангина муайян эркинликка эгалар” деб аниқ фикр билдирган<sup>265</sup>.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколида ушбу масала аниқ кўриб чиқилмаган бўлса ҳам, Протоколни бажариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган орган одам савдоси жабрдийдаларини жинойи таъқибдан озод қилишга асосланган ёндашувдан фойдаланишни таклиф этди<sup>266</sup>. Худди шу тарзда БМТнинг Одам савдоси билан курашиш бўйича глобал ҳаракатлар режасида ҳукуматларга аниқланган одам савдоси жабрдийдалари, улар шундай савдо объектлари бўлганлиги учун, жазоларга тортилмасликларини таъминлаш тавсия этилган<sup>267</sup>; ушбу меъёрган ҳавола ИХОКБнинг Одам савдоси тўғрисидаги тамойилларда ҳам мавжуд<sup>268</sup>. Европа Кенгашининг Конвенциясида иштирок этувчи давлатларга одам савдоси жабрдийдаси мажбуurlаниш сабабли ҳуқуқбузарликни амалга оширганлиги учун жазолашдан озод қилишни таъминлаш талаби мавжуд<sup>269</sup>. Ушбу тамойил ҳам ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномасида<sup>270</sup>, ҳам 2002 йилги Брюссель декларациясида мустаҳкамланган меъёр сифатида ЕИ томонидан тан олинган.

ЕИ даражасида такроран мамлакатга киришни ман этиш учинчи давлатлар фуқароларини қайтаришга тааллуқли 2008/00/115/ЕИ йўриқномасига мувофиқ қўлланилади. Ушбу Йўриқномага мувофиқ, жазолашнинг алоҳида шакли сифатида кўриб чиқиш мумкин бўлган мамлакатга такроран киришнинг ман этилиши ЕИга аъзо давлатлар ҳудудида бўлишни рад этадиган қайтариш тўғрисидаги қарор ёки мамлакат ҳудудига муайян давр давомида кириш

265 OSCE Office of the Special Representative and Co-ordinator for Combating Trafficking in Human Beings. Policy and legislative recommendations towards the effective implementation of the non-punishment provision with regard to victims of trafficking [Одам савдоси жабрдийдаларига нисбатан жазоламаслик тўғрисидаги қоидаларни самарали бажариш бўйича сиёсий ва қонунчилик тавсиялари]. Vienna, OSCE, 2013, para. 14, <http://www.osce.org/secretariat/101002?download=true>.

266 2009 йил Венада бўлиб ўтган Одам савдоси бўйича очиқ тартибдаги муваққат ишчи гуруҳининг мажлисида қабул қилинган тавсиялар, БМТ Бош котибининг “Аёллар ва болалар савдоси” маърузасига қўшимча (БМТ Бош Ассамблеяси, 2008 йил 4 август), А/63/215, 11-банд. Шунингдек қаранг: БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси (ИХОКБ), Инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси тўғрисидаги масалалар бўйича тавсия этилаётган принциплар ва дастурамал қоидалар, 2002 йил 20 май, E/2002/68/Add.1, 2-дастурамал қоида, 5-банд (бундан буён - ИХОКБнинг Одам савдоси масалари бўйича тавсия этаётган принциплари”)

267 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Одам савдоси билан курашиш бўйича глобал Ҳаракат режаси: БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2010 йил 12 августда қабул қилинган, А/RES/64/293, 30-банд.

268 ИХОКБнинг Одам савдоси масалари бўйича тавсия этаётган принциплари, 7-принцип

269 Мажбуurlашни Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси 4-моддасидаги “одам савдоси” атамасига қирадиган таъсир кўрсатишнинг ноқонуний воситаларидан масалан куч ишлатиш, таҳдид, мажбуurlаш ёки алданган камига бирига қирадиганлар ифатида тушуниш керак (қаранг: Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси, 273-банд)

270 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, 8-модда. Бунда Йўриқномада бу кафолат мазкур шахс содир этган ёки ихтиёрий асосда иштирок этган ҳуқуқбузарлик учун таъқиб қилиш ёки жазолашдан ҳимоя қилмаслиги керак

ман этилиши тўғрисидаги қарор билан тўлдирилиши мумкин. Юқорида қайд қилинган одам савдоси жабрдийдаларига истиқомат қилиш ҳуқуқини тақдим этиш тўғрисидаги 2004/81/ЕИ йўриқномасига мувофиқ, истиқомат қилиш ҳуқуқи тақдим этилган одам савдоси жабрдийдаларига нисбатан такроран киришни ман этиш қўлланмаслиги бевосита кўзда тутилган. Истиқомат қилиш ҳуқуқини олмаган қайтарилаётган одам савдоси жабрдийдаларига тааллуқли қоидалар мавжуд эмаслиги сабабли туриш мамлакатини қонуний туришга рухсат мавжуд эмаслиги сабабли тарк этган одам савдоси жабрдийдаларига мамлакатга такроран киришни ман этиш уларни камситишга сабаб бўлиши мумкин. Бироқ юқорида қайд этилган Йўриқномага мувофиқ, аъзо давлатлар инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда алоҳида ҳолатларда киришни ман қилиш амал этишини қўллашдан воз кечишлари, буни бекор қилишлари ёки тўхтатиб туришлари мумкин<sup>271</sup>.

БМТ ИҲОКБнинг Одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича тамойилларида одам савдоси жабрдийдаларини ушлашга йўл қўйиб бўлмаслиги, бу ноқонуний эканлиги аниқ эълон қилинган. Ушбу ҳужжатда давлатларга одам савдоси предмети бўлганлар ҳеч бир вазиятда ноқонуний иммигрантлар сақланадиган марказларга жойлаштирилмаслиги ва ҳибсга олишнинг бошқа шаклларида дучор қилинмаслигига даъват қилинади<sup>272</sup>. Болаларни қамоқда сақлаш ҳолатида алоҳида асослаш, шунингдек ҳимоя чоралари талаб қилинади. Қамоқда ушлаб туришни амалга оширадиган орган ушлаш боланинг энг яхши манфаатларига жавоб беришини ва ана шу аниқ вазиятда бошқа оқилона муқобиллар мавжуд эмаслигини исботлашга қодир бўлиши керак<sup>273</sup>. ЕИ меъёрларида жўнатиш мақсадларида ушлашни қўллаш чегараланиши кераклиги ҳамда қўлланилаётган воситаларга ва белгиланган мақсадларга нисбатан мутаносиблиги тамойилига мувофиқ равишда амалга оширилиши кўзда тутилган. Мажбурий хусусиятга эга чоралар етарли бўлмаган ҳолатларда қайтаришга тайёргарлик кўриш ёки жўнатиш жараёнини ташкил этиш мақсадларидагина

271 2004/81/Еи Йўриқномаси, 11(3)-модда

272 ИҲОКБнинг Одам савдоси масаласи бўйича тавсия қилинадиган принциплари, 2.6 ва 6.1-дастуралар қоидалар. Ушбу ҳужжатга шарҳда одам савдоси жабрдийдаларини ёки шундай савдонинг тахмин қилинаётган жабрдийдаларини ушлаш ва расмий сақлаш марказлари ва бошпаналарда сақлашнинг умумқабул қилинган амалиёти халқаро ҳуқуқ принципларига, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқига ҳамда озодликдан ноқонуний маҳрум қилиш ва ихтиёрий ушлашнинг тақиқланишига зид эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди. Халқаро ҳуқуқ ҳам одам савдоси жабрдийдаларини камситиш тарзида сақлашни, шу жумладан аёллар ва қиз болаларни ижтимоий бошпаналарда сақлаш амалиётини тақиқлайди. Шарҳда одам савдоси жабрдийдаларини ушлашга фақат “ҳар бир аниқ ҳолатда”, масалан давлатнинг жиноий одил судловни амалга ошириш, ижтимоий тартибни сақлаб туриш мажбуриятини бажариш ёки одам савдоси жабрдийдаларини ушлашга зарурат, қонунийлик ва мутаносиблик принципларига амал қилиниши шарти билан йўл қўйилиши мумкинлиги уқтирилади. Шундай қилиб, махсус марказларда сақлаш сўнгги чора сифатида ва фақат одам савдоси жабрдийдалари хавфсизлигига аниқ ва амалда хавф бўлгандагина йўл қўйилади (қаранг: Commentary to the Recommended Principles and Guidelines on Human Rights and Human Trafficking [БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари, “Инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича тавсия қилинаётган принциплар ва дастуралар қоидалар”га Шарҳлар], 133-139 б.)

273 Шарҳда боланинг ушланишига йўл қўйилиши мумкин вазиятлар кўрсатилиши билан бирга халқаро ҳуқуқ бундай ушлашни амалга ошириш шартларини белгилаган (қаранг: ўша жойда)

ўзини оқлайди<sup>274</sup>. Қамоқда ушлаш олти ойдан кўп бўлмаслиги керак ва фақат ўн икки ойдан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин<sup>275</sup>. Қамоқда сақлаш мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиши керак; жўнатишнинг бундан кейин имконияти йўқлиги аниқланиши биланоқ қамоқда сақлаш ўзини оқламайдиган бўлади<sup>276</sup>. Кузатилмаётган вояга етмаганлар ва болали оилалар фақат сўнгги чора сифатида ва иложи борича энг қисқа муддатга ушланиши мумкин<sup>277</sup>.

ЕХХТда иштирок этадиган айрим давлатларда, шунингдек бошқа мамлакатларда одам савдоси жабрдийдалари бошпана тақдим этиш дастурлари доирасида ҳаракатланиш эркинлиги чегараланган ёки мутлақо мавжуд бўлмаган жойларда қамоқда сақланади<sup>278</sup>. ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи ва Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясида одам савдоси жабрдийдаларини ушлаш масаласи кўриб чиқилмаган. Шунга қарамасдан, ИҲОКБнинг Одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича тамойилларида одам савдоси жабрдийдаларини ушлашга йўл қўйилмаслиги ва давлатлар жабрдийдалар мигрантлар сақланадиган изоляторларда жойлаштирилмаслиги ва ҳибсга олишнинг бошқа шаклларига дучор қилинмаслиги кераклиги кўрсатилган<sup>279</sup>.

Юқорида қайд қилинган тамойил ҳаракатланиш эркинлигига ва ихтиёрий ҳибсга олишдан ёки ушланишдан эркинликка тааллуқлидир. Ҳаракатланиш

274 ЕИнинг Қайтариш тўғрисидаги йўриқномасида (15-модданинг 16-банди) кўчиришгача бўлган ушлаш фақат камроқ мажбурий хусусиятга эга бўлган бошқа чораларни қўллашнинг иконияти бўлмаса ва ушбу шахснинг қочиши хавфи, у қайтариш ва кўчириш жараёнидан бош тортаётган ёхуд тўсқинлик қилаётган бўлсагина йўл қўйилиши мумкинлиги қайд этилади

275 Масалан, учинчи мамлакат фуқаросининг ҳамкорлик қилишни хоҳламаслиги ёки учинчи мамлакатдан зарур ҳужжатларнинг олиниши ушланиб қолиниши муносабаби билан

276 ЕИнинг Қайтариш тўғрисидаги йўриқномаси, 15(3-4)-модда. ЕИнинг Асосий ҳуқуқлар бўйича агентлиги таъкидлаганидек, жўнатишгача ушлуш учун асосларнинг батафсил рўйхати миллий қонунчиликда аниқ белгиланган ва мустаҳкамлаб қўйилган бўлиши керак. Ноқонуний мигрантнинг мақоми ҳеч бир вазиятда ушлаш учун етарли асос сифатида қаралмаслиги керак(қаранг: European Union: European Agency for Fundamental Rights, Detention of Third Country Nationals in Return Procedures [Учинчи мамлакат фуқароларини қайтариш тартиби доирасида ушлаш], 30 November 2010, p. 9).

277 ЕИнинг Қайтариш тўғрисидаги йўриқномаси, 17(1)-модда. ЕИнинг Кузатилмаётган болаларга тааллуқли ҳаракатлар режасида кузатилмаётган болаларга ҳамма вақт тегишли яшаш шароитлари яратилиши ва улар манфаатларига тўла жавоб берадиган муомала таъминланиши кераклиги қайд қилинган. Кузатилмаётган болаларни ушлаш асосли бўлган ҳолатларда бу вазиятга қараб фақат сўнгги чора сифатида қўлланилиши керак ҳамда бу иложи борича камроқ муддатга бўлиши зарур ва бунда боланинг энг яхши манфаатларига биринчи даражада эътибор берилиши керак (қаранг: ЕИнинг Кузатилмаётган болаларга тааллуқли ҳаракатлар режаси, 9 б.) ЕИнинг Асосий ҳуқуқлар бўйича агентлиги давлатлар сақлаш жойларида ННТ вакиллари ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётган шахслар, жумладан иммигрантлар сақланадиган жойлардаги одам савдосининг аниқланмаган жабрдийдаларини идентификация қилиш; уларга ёрдам кўрсатиш ва ўйлашга берилган муддат тугагунча озод қилишни таъминлаш учун бўлишлари имкониятини яратишни қатъийан тавсия этади (қаранг: European Agency for Fundamental Rights, Detention of Third Country Nationals in Return Procedures, кўрсатилган асар, 281-ҳавола, 9 б.).

278 Ушбу масала бўйича бутун жаҳондаги, шу жумладан ЕХХТда иштирок этувчи давлатлардаги мисолларга таянилган тадқиқотлар ўтказилди: Gallagher A. and Pearson E. Detention of trafficked persons in shelters: A legal and policy analysis [Одам савдоси жардиддаларини бошпаналарда сақлаш: қонунчилик ва сиёсатнинг таҳлили]. Australian Agency for International Development, 2008

279 ИҲОКБнинг Одам савдоси масаласи бўйича тавсия қилинадиган принциплари, 1.5 ва 2.6-дастуралар қоидалар, шунингдек 7-принцип

ҳуқуқи ФСХХК<sup>280</sup>, ИХУД<sup>281</sup> ва ЕИХК<sup>282</sup>, шунингдек ЕХХТнинг асосий ҳужжатлари<sup>283</sup> томонидан тан олинган. Тўғри, ФСХХК бу ҳуқуқни чегаралаб, уни фақат қайсидир бир давлат ҳудудида қонуний асосда бўлган шахсларга нисбатан қўллайди<sup>284</sup>. Бундан ташқари, пакт давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳолининг саломатлиги ёки ахлоқини ҳимоя қилиш ёхуд бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари нуқтаи назаридан ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқини чегаралашга йўл қўяди<sup>285</sup>. Бошпанага жойлаштирилган одам савдоси жабрдийдаларига нисбатан бу ерда сақлаш қонунда кўзда тутилганлиги, бу бошқа ҳуқуқлар билан ҳамда бу бошқа ҳуқуқларга мувофиқлиги ва жабрдийдаларнинг ўзини ҳимоя қилиш учун зарурлиги тўғрисида саволлар туғдиради<sup>286</sup>.

Ихтиёрий ҳибсга олишнинг ёки ушлашнинг ман этилиши ФСХХП<sup>287</sup> ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа халқаро шартномалар<sup>288</sup>, шунингдек ЕХХТ доирасида қабул қилинган ҳужжатларда<sup>289</sup> кўзда тутилган. Шу билан бирга бу чегара, адолатсиз ва тахмин қилиб бўлмайдиган бўлиши мумкин эмас ва давлатлар ноҳонуний ёки ихтиёрий ушлаш ҳолатларида ҳимоя қилиш учун процессуал кафолатларни таъминлашлари керак<sup>290</sup>. Шу муносабат билан одам савдоси жабрдийдаларини бошпанада сақлаш, айниқса бундай сақлаш қонунда кўзда тутилмаган, камситиш ҳисобланса ҳамда узоқ ёки ноаниқ муддат давомида амалга оширилаётган, адолатсиз ва номутаносиб бўлса, ёки суд томонидан қайта кўрилмайдиган бўлса, бу ҳуқуқни бузишга олиб келиши мумкин<sup>291</sup>.

Одам савдоси жабрдийдалари ўзларининг қайсидир этник гуруҳга ёки ҳар қандай бошқа мақомга мансублиги сабабли баъзан бевосита ёки билвосита камситилишга дучор бўлади. Шунинг учун қонунлар, сиёсат ва амалиётнинг камситиши оқибатларини аниқлаш мақсадида уларнинг доимий мониторингини олиб бориш зарур.

Қайтариш жараёнида гендер ҳолати яна бир муаммо ҳисобланади, чунки бу аёллар ва қиз болалар билан шахвоний эксплуатация мақсадларидаги савдони ёки буни идентификация қилишни тан олишни хоҳламаслик кенг ёйилишига хизмат қилиши мумкин. Эрақк бўлган одам савдоси жабрдийдаларини

280 ФСХХП,12-модда

281 ИХУД, 13.1-модда

282 ЕИХК, 4-Протокол, 2-4-модда, ЕИХК, 7-Проткол, 1-модда

283 Масалан, ЕХХТнинг 1990 йилги Инсон мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг ҳужжатлари (бундан буён – “1990 йилги Копенгаген ҳужжати”), 19-модда

284 ФСХХП,12.1-модда

285 ФСХХП, 12.3-модда

286 Gallagher A., Detention of trafficked persons in shelter, кўрсатилган асар,283-ҳавола, 14 б.

287 ФСХХП, 9.1-модда

288 ИХУД, 3-модда, ЕИХК, 5.1-модда. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Америка конвенцияси (1969 йил 22 ноябрь), 7.1-модда

289 Қаранг, жумладан ЕХХТнинг 1991 йилги Москва ҳужжати, 23.1-модда

290 Gallagher A., Detention of trafficked persons in shelter, кўрсатилган асар,283-ҳавола, 14 б.

291 Ўша жойда, 15-модда

аниқламаслик улар томонидан ўзларининг ҳуқуқларини, шу жумладан қай-таришга тааллуқли ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилади<sup>292</sup>. Одам савдоси жабрдийдалари бўлган эркаклар тўғри идентификация қилинган ҳолатларда жабрдийда аёлнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиш учун махсус ишлаб чиқилган тизимлар ва жараёнлар одам савдоси предмети бўлган эркакларнинг ана шундай эҳтиёжларига жавоб бермайди<sup>293</sup>. Жумладан, ёрдам ва ҳимоя кўрсатиш бўйича кўпгина хизматлар шахвоний эксплуатация мақсадларидаги одам савдоси жабрдийдаларига биринчи даражали эътибор қаратишади. Аммо улар одам савдоси жабрдийдалари бўлган эркакларга нисбатан меҳнат эксплуатацияси мақсадларида ёрдам кўрсатишнинг чегараланган механизмларига эгалар (агар бундай механизмлар умуман бўлса).

Камситишнинг ман этилиши ҳам универсал (масалан, ФСХХП<sup>294</sup>), ҳам минтақавий шартномаларда (масалан, Европа Кенгаши<sup>295</sup> ва ЕИ<sup>296</sup>), шунингдек ЕХХТнинг мажбуриятларида<sup>297</sup> мустақкамлаб қўйилган. Жумладан, одам савдоси жабрдийдаларига нисбатан Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясида Конвенция қоидаларини бажариш

292 Craggs S. Rights, Residence, Rehabilitation, кўрсатилган асар, 132-ҳавола, 70 б.

293 Surtees R. Trafficked Men as Unwilling Victims. - In: St Antony's International Review, 2008, Vol. 4, № 1, p. 16.

294 ФСХХП, 2.3 ва 26-моддалар

295 Қаранг, масалан, ЕИХК, 14-модда ва 12-Протокол. Шунингдек қаранг: Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг тавсиялари, шу жумладан нафрат тили тўғрисидаги Res(97)20E/30 October 1997; оммавий ахборот воситалари ва бағрикенлик маданиятини рағбатлантириш тўғрисидаги Res(97)21E/30 October 1997; спортда ирқчилик, ксенофобия ва ирқий тоқатсизликнинг олдини олиш тўғрисидаги Res(2001)6E/18 July 2001; Европада ромлар ва дайдиларнинг соғлиқни сақлашдан фойдаланишларини яхшилаш тўғрисидаги Res(2006)10E/12 July 2006; ОАВда плюрализм ва медиа контентининг турфалиги тўғрисидаги Res(2007)2E/31 Res(97)19E/30 October 1997 January 2007 ва электорн оммавий ахборот воситаларида зўравонликнинг намоёниши тўғрисидаги тавсиялари. Бундан ташқари, Парламент ассамблеясининг қўйидаги тавсиялари ва резолюцияларига қаранг: "Европа мусулмон жамоалари экстеризм қаршисида" 1831(2008) тавсияси; "Шакколик, диний ҳақоратлаш ва шахсларга уларнинг дини муносабати билан душманлик фикрлари билдиришлар" 1805 (2007) тавсияси; "ОАВда бошпана излаётган шахслар, мигрантлар ва қочқорлар образи" 1768 (2006) тавсияси; "Европада антисемизмга қарши кураш" 1396 (1999) тавсияси; "Киберхудоуда ирқчилик ва ксенофобия" 1543 (2001) тавсияси; "Дин ва демократия" тавсияси; "Европада антисемитизм билан кураш" 1563 (2007) резолюцияси; "Нацизм мафқурасининг туғилиши билан курашиш тўғрисида" 1495 (2006) резолюция; "Европада мигрант аёлларни интеграциялаш тўғрисида" 1478 (2006) резолюция

296 Масалан, қаранг: Кенгашнинг 2000 йил 29 июндаги Шахсларга уларнинг диний мансублиги ва этник келиб чиқишидан қатъи назар тенг муомала қилиш принципига амал қилинишга йўналтирилган 2000 йил 29 июндаги 2000/43/ЕИ йўриқномаси, 2000 OJ L 180/22; Кенгашнинг 2000 йил 27 ноябрдаги Иш билан бандлик ва меҳнат фаолияти соҳасида тенг муомалани таъминлаш умумий доирасини ўрнатадиган 2000 OJ L 303 йўриқномаси. Шунингдек қаранг: Кенгашнинг 2008 йил 2 июлдаги Шахслар билан уларнинг диний эътиқодлари ёки ишончлари, имкониятлари чегараланганлиги ёхуд шахвоний қарашларидан қатъи назар тенг муомала қилишга йўналтирилган йўриқномасининг лойиҳаси, COM/2008/0426 final.

297 Қаранг: Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Якунловчи хужжати (Хельсики, 1975 йил 1 август): Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар, 1(а). 1989 йилги Вена хужжати, 13.7 ва 15-моддалар; 1990 йилги Копенгаген хужжати, 5.9 ва 25.4-моддалар; Мадрид учрашувининг Якунловчи хужжати (Якунловчи хужжатнинг кенгашдан кейинги қадамларига тааллуқли қоидалари асосида бўлиб ўтган иккинчи учрашув), Мадрид, 1983 йил 6 сентябрь; Истанбул хужжати (Истанбул, 1999 йил 19 ноябрь), 23 б.; ЕХХТ Вазирлар кенгашининг "Бағрикенглик ва камситмаслик" 4/03-қарори (Маастрихт, 2003 йил 2 декабрь), <http://www.osce.org/ru/mc/40538?download=true>; Вазирлар кенгашининг "ЕХХТнинг 2004 йилги Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги ҳаракатлар режаси" 14/04-қарори (София, 2004 йил 7 декабрь), <http://www.osce.org/ru/mc/23298?download=true>.

бирор камситишсиз амалга оширилиши<sup>298</sup>, шунингдек Конвенцияда иштирок этувчи томонлар аёллар ва эркеклар ўртасида тенгликни таъминлашга кўмаклашишга ҳамда одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилишга мўлжалланган чораларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолаш масалаларига ёндашишда гендер жиҳатларни ҳисобга олишга интилишлари кераклиги кўзда тутилган<sup>299</sup>. ЕИнинг одам савдоси жабрдийдалари тўғрисидаги йўриқномасида “одам савдоси гендер хусусиятига эгаллиги” ва “аёллар ва эркеклар кўпинча турли мақсадларда одам савдоси предметига айланади”<sup>300</sup> деб тан олинади. Бундан ташқари ушбу ҳужжатда заруратга қараб ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашнинг гендер хусусиятини ҳисобга оладиган чораларни кўришга даъват қилинади.

### Реинтеграциянинг аҳамияти

ХМТ томонидан яқинда ўтказилган тадқиқотлар одам савдоси предмети бўлган ва келиб чиқиш мамлакатига қайтаришда ёрдам кўрсатилмасдан ва реинтеграция қилинмасдан мажбуран қайтарилган шахслар бундай ёрдамни олган шахсларга нисбатан такроран одам савдоси тўрига тушиб қолиш эҳтимоли кўплигини кўрсатди<sup>301</sup>. Бошқа тадқиқотлар мажбурий қайтариш билан такроран одам савдогарлари қўлига тушиб қолишдан ҳимояланмаганлик ўртасида алоқаорлик мавжудлигини тасдиқлайди<sup>302</sup>. Бошқа ҳолатларда одам савдогарларининг агентлари одам савдоси жабрдийдалари бўлган, лекин шундайлиги бу ерга келгандан сўнг ёки бевосита полиция участкасида идентификация қилинмаган шахслар турган мамлакатдан келиб чиқиш мамлакатига депортация қилинганлар билан алоқа ўрнатганлари тўғрисида хабар қилинади<sup>303</sup>. Келиб чиқиш мамлакатига қайтарилган одам савдоси жабрдийдаларини реинтеграция қилишда ёрдам кўрсатиш кўп жиҳатдан ушбу мамлакатда

298 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 3-модда

299 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузасида 17-модданинг мақсади – умумий тушунчага мувофиқ аёллар одам савдоси нуқтаи назардан энг ночор гуруҳ ҳисобланади, шу билан бирга аёлларнинг маргиналлашиши ва камситилиши уларнинг шу масалада ночорлигини кучайтирадиган омиллар ҳисобланади. Демак, одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилишга йўналтирилган чоралар аёллар ва эркекларнинг турлича эҳтиёжларини, жумладан одам савдосининг жабрдийдалари бўлган кўплаб аёллар икки маротаба маргиналлашишини ҳисобга олиши керак (қаранг: . Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси, 210-банд)

300 ЕИнинг Одам савдоси йўриқномаси, 3-банд

301 Jobe A., The Causes and Consequences of Re-Trafficking, кўрсатилган асар, 39-ҳавола, 13 б.

302 Қаранг: Davis A., Sex trafficking victim wins substantial damages from the Home Office [Одам савдоси ва шахвоний эксплуатация жабрдийдаси чки ишлар вазирлигига нисбатан зарарни катта миқдорда қоплаш ишини ютди], The Guardian, 11 April 2011. Италиянинг «Группо Абеле» (Gruppo Abele) ННТ маълум қилган яна бир ҳолатда Албаниядаги шахвоний эксплуатация жабрдийдаси одам савдоси жабрдийдаси сифатида идентификация қилинмасдан депортация қилинган. Ўзининг ўтмиши учун шарманда бўлмаслик ва назарда қолмаслик учун оиласига қайтиб боришга журъат қилмаган ва кейинчалик одам савдогарларининг тўрига тушиб қолган. «Группо Абеле»нинг маълумотларига кўра, кўпинча одам савдогарларининг ўзлари жабрдийдалари қайтишларини қийинлаштириш, ҳатто бунга имкон бермаслик ва бу билан уларни эксплуатация қилишни давом эттиришни осонлаштириш учун жабрдийдалар нима билан шуғуланганликлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатади

303 ODHR Anti-Trafficking Programme, Paper on the Return of Victims of Trafficking from Italy [ДИИХБнинг Одам савдоси билан кураш бўйича дастури, Одам савдоси жабрдийдаларини Италиядан қайтариш], 2009, p. 11

реинтеграция механизмлари мавжудлигига боғлиқдир. Айрим келиб чиқиш мамлакатлари қайтарилган одам савдоси жабрдийдаларини реинтеграция қилишга кўмаклашади, уларга чегараланган молиявий ёрдам кўрсатади ёхуд турли ННТ ёки МХТ томонидан амалга ошириладиган ёки назорат қилинадиган махсус реинтеграция дастурларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Европа Иттифоқида ЕИга аъзо давлатлари фуқаролари бўлган одам савдоси жабрдийдалари бўлган ва ана шундайлар сифатида ЕИга аъзо бошқа давлатда идентификация қилинганларга нисбатан алоҳида савол пайдо бўлди. Амалиётчи мутахассислар томонидан тақдим этилган<sup>304</sup> ва ушбу масала бўйича тасдиқланган тадқиқотлардан бундай ҳолатлар аниқланмай қолиши мумкинлиги маълум бўлди<sup>305</sup>. ЕИга аъзо ҳар бир давлат фуқаролари ЕИга аъзо бошқа давлатда бўлишининг ҳуқуқи ушбу фуқароларга нисбатан миграция қоидалари амал этмаслиги ва улар қонуний асосларда ЕИга аъзо бошқа давлатларда ишлаши мумкинлигини англатади. Шу муносабат билан улар одам савдоси жабрдийдалари сифатида идентификация қилинган бўлсалар, уларнинг ҳуқуқий мақоми маъмурлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигига боғлиқ эмас. Натижада учинчи мамлакатларнинг фуқаролари бўлганларга одатда тақдим этиладиган, мақоми маъмурлар билан ҳамкорликка тайёрлигига боғлиқ бўлган хизматлар ёки ёрдамдан фойдаланиш рад этилиши мумкин<sup>306</sup>. Ҳатто ЕИ фуқаролари ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорлик қилган ҳолатларда ҳам уларнинг ЕИ фуқароси мақоми одам савдоси жабрдийдалари мақоми муносабати билан белгиланган ёрдамни олишга ҳалақит бериши мумкин<sup>307</sup>. Бундай ҳолат туриш мамлакатигадаги шахснинг одам савдоси объекти бўлган интеграциясига ёки келиб чиқиш мамлакатига реинтеграциясига ҳалақит бериши, бу билан ушбу шахснинг хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши ва одам савдогарлари тўрига такроран тушишига олиб келиши мумкин.

ЕХҲТ иштирок этувчи давлатларни ННТ ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда одам савдоси жабрдийдаларига хавфни камайтиришга кўмаклашишга даъват этади. Шунингдек, давлатларга одам савдоси жабрдийдаларининг такроран бундай савдо объекти бўлиши хавфини ва бунга олиб келадиغان омилларни бартараф этишни тавсия этилган. Бундай омилларга қашшоқлик, камситиш, таълим олиш имкониятининг йўқлиги, иқтисодий ночорлик, шахвоний асосда зўрлаш ва уйдаги зўравонлик тааллуқлидир<sup>308</sup>.

304 Ахборот Австриянинг ноҳукумати ташкилоти томонидан 2014 йил 11-12 февралда Варшавада бўлиб ўтган ДИИХБ экспертларининг кенгашида тақдим этилган

305 Evaluation of the Effectiveness of Measures for the Integration of Trafficked Persons [Одам савдоси жабрдийдаларини интеграция қилиш бўйича чоралар самарадорлигини баҳолаш]. Paris, IOM, 2013, p. 46.

306 Ўша жойда

307 Ўша жойда. Бундан ташқари, ЕИ фуқаролари учинчи давлатлар фуқароларидан фарқли равишда, халқаро ёрдам чораларидан фойдалана олмайдилар, чунки улар Европа Иттифоқи фуқаролари бўлганликлари учун ЕИда бошпана тақдим этиш тўғрисида мурожаат қила олмайдилар

308 ЕХҲТ Вази́рлар кенгашининг 14/06/ (2006) қарори, 4-банд

Шу муносабат билан БМТнинг Одам савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича конвенциясида (БМТОУЖК) иштирок этувчи давлатлар зиммасига одам савдоси жабрдийдаларини эҳтимол тутилган ўч олиш ва қўрқитишдан ҳимоя қилиш мажбуриятини юклайди, БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи эса бошқа нарсалар қатори одам савдоси жабрдийдаларини такроран виктимизациядан ҳимоя қилиш мақсадларида чоралар кўриш ва дастурлар қабул қилишга даъват этади<sup>309</sup>. Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, давлатлар жабрдийдаларнинг ҳимояланиш ва қўриқлашга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олишлари ҳамда қайтарилгандан кейин такроран виктимизациянинг олдини олишга йўналтирилган жабрдийдаларни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш дастурларини таъсис этишлари керак. Конвенцияда, шунингдек одам савдоси жабрдийдаларини жиноятчиларни тергов қилиш давомида ва тергов қилиш тугагандан сўнг ҳамда суд таъқиби жараёнида (лекин фақат шунинг ўзи эмас) эҳтимол тутилган ўч олиш ва қўрқитишдан самарали ва ишонарли ҳимоя қилишни кўзда тутуди<sup>310</sup>. Агар бошқа давлат ҳудудида зарар етказиш таҳдиди мавжуд бўлса, Конвенция қондаларига мувофиқ, давлатлар бу таҳдид тўғрисида тегишли равишда дарҳол ахборот беришлари керак<sup>311</sup>. Бундан ташқари, Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси Жиноят жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида тавсиялар нашр этди, унда “жабрдийдалар, имконияти борича, такроран виктимизациядан ҳимоя қилинишлари керак”лиги кўрсатилган<sup>312</sup>.

Такрорий виктимизациянинг олдини олиш – бу ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномасида аниқ белгилаб қўйилган мажбуриятдир<sup>313</sup>. Ушбу ҳужжатга муқаддимада “жабрдийдаларни эҳтимол тутилган ўч олиш, қўрқитиш ҳамда одам савдогарлари тўрига такроран тушиб қолиш хавфидан” ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадларида хавфларни алоҳида баҳолашни

309 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 9.1(b)-модда

310 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси, 28-модда. 28-моддада кўзда тутилган ҳимоя аниқ равишда тергов қилиш ва суд таъқиби муддатига йўналтирилган бўлиб, унинг давомида ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши керак бўлиб, бу аниқ бир ишда пайдо бўладиган таҳдидга боғлиқ (қаранг: Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси, 288-банд). Ушбу Маърузада жабрдийда хавфсизлиги масалаларини тўла равишда ҳисобга оладиган, шу жумладан, масалан, жабрдийда яшайдиган жойни одам савдогарларидан сир тутадиган ва ҳимоя қиладиган чораларни кўриш тавсия этилади (қаранг: Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясига Тушунтириш маърузаси, 164-банд)

311 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси, 33(1)-модда

312 Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг Жиноят жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Рес(2006) тавсиялари, 2006 йил, 14 июнь, 3.3-банд. Ушбу Тавсияларга мувофиқ, давлатлар жиноят жабрдийдаларининг жисмоний ва руҳий дахлсизлиги ҳимоя қилинишини таъминлашлари керак (10.1-модда). Бундан ташқари, давлатлар қўрқитиш, эҳтимол тутилган ўч олиш ёки такроран виктимизация қилиш хавфидан ҳимоя қилиш бўйича махсус чоралар кўришлари керак

313 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, муқаддима, 14 ва 19-бандлар, 12(4)-модда

ўтказишнинг аҳамияти таъкидланади<sup>314</sup>. Шу муносабат билан ЕИГА аъзо давлатлар хавфларни шахсий баҳолаш асосида одам савдоси жабрдийдаларига тегишли ҳимояни, шу жумладан гувоҳларни ҳимоя қилиш дастурлари ва шу каби бошқа чоралардан фойдаланиш имкониятини таъминлашлари керак<sup>315</sup>.

Ҳозирги пайтда одам савдоси жабрдийдалари фойдаланиши мумкин бўлган реинтеграцияга кўмаклашиш бўйича программалар муносабати билан мавжуд бўлган қатор муаммоларни таъкидлаш керак. Жумладан, бундай дастурларда фойдаланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги асосий тўсиқ деб айтилади. Зеро, агар реинтеграцияга кўмаклашиш бўйича хизматлар таклиф этилаётган бўлса ҳам улар йирик шаҳарлар ёки пойтахтлар ташқарисида бўлган одам савдоси жабрдийдалари учун имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари кўпгина реинтеграция дастурлари муайян яшаш жойига боғлиқ қилиб қўйилган ва жабрдийдалар уларда иштирок этишлари учун кўпинча оиласидан ва одатланиб қолган агрофидагилардан узоқда бошпаналарда яшашга мажбур бўладилар. Бу ҳар икки омил жабрдийдалар реинтеграцияда иштирок этишга у қадар хоши билдирмасликларига олиб келади<sup>316</sup>.

Бундан ташқари, реинтеграция дастурлари аҳолининг турли гуруҳларига мансуб ва турли эҳтиёжларга эга бўлган жабрдийдаларга мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Масалан, эркаклар ва аёллар ёки этник ёхуд диний озчиликни ташкил қилувчилар вакиллари учун. Самарали реинтеграцияга тўсиқлар сифатида узоқ муддатли реинтеграция дастурларининг мавжуд эмаслиги ҳам кўрсатилган. Бошқа муаммолар қаторида махсус ўқитилган персоналнинг ва ана шу дастурлар учун ажратилган ресурсларнинг мавжуд эмаслиги ҳам кўрсатилади.

---

314 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, муқаддима, 19-банд. ЕИнинг Экспертлар гуруҳи одам савдоси жабрдийдалари яна тақдирларини ўз қўлларига олишлари учун улар такроран виктимизация қилиниши ва савдогарлар қўлига тушиб қолишларининг олдини олиш мақсадларида, шунингдек улар хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадларида қайтаришнинг – ихтиёрий бўлиши мақсадга мувофиқ – бу шахсларни узоқ муддат қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган ижтимоий ёрдам дастурларини яратиш ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлашади. Бу дастурларни амалга ошириш туриш мамлакатда бошланиши ва одам савдоси жабрдийдалари келиб чиқиш мамлакатиган қайтиб келганларидан кейин давом эттирилиши керак (қаранг: Report of the EU Group of Experts, Explanatory Paper 13: Return and social inclusion, кўрсатилган асар, 54-ҳавола, 197 б.).

315 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, 12(3)-модда. ЕИнинг Жиноят жабрдийдаларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги йўриқномасида жабрдийдаларнинг такроран ва кўп маротаба виктимизациядан ҳимоя қилишнинг аҳамияти тасдиқланади ва одам савдоси жабрдийдалари дучор бўладиган алоҳида таҳдидлар тан олинади. Бундан ташқари, Йўриқномада жабрдийдаларни махсус, шу жумладан жинорий иш жараёнида ҳимоя қилишнинг зарурати тасдиқланади; жабрдийдаларга такоран виктимизация муносабати билан тақдим қилиниши керак бўлган ахборот қўллаб-қувватланиш ва ёрдам кўрсатиш турлари санаб ўтилади ҳамда ҳимояланиш ҳуқуқи батафсил баён этилади. Йўриқнома жиноят жабрдийдалари бўлган болалар ҳар қандай ҳолатда ҳам такроран ва кўп маротаба виктимизация ҳамда қўрқитишдан алоҳида ночорликлари учун алоҳида ҳимояга муҳтож деб ҳисобланиши кўрсатилади

316 Surtees R., Listening to Victims, указ. соч., сноска 77, с. 46; Surtees R., Re/integration of trafficked persons: how can our work be more effective [Одам савдоси жабрдийдаларининг реинтеграцияси; ишимизни қадайд қилиб самаралироқ қилсак бўлади], Issues paper 1, King Baudouin Foundation and the Nexus Institute, 2008, p. 20; Ноҳукумат ташкилоти вакилит билан интервью, APRAMP (Asociación para la Prevención, Reinserción у Atención de la Mujer Prostituida) и MOM.

Реинтеграция дастурларини муваффақиятли амалга ошириш йўлидаги қўшимча тўсиқ жабрдийдаларини қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган органлар ўртасида етарли даражада ўзаро ҳамкорликнинг йўқлиги; давлат муассасалари, НХТ ва халқаро ташкилотлар, шунингдек ана шу муассасалар ичида алоқанинг ҳамда ахборот алмашишнинг мавжуд эмаслиги самарали ҳамкорлик қилишни ва улар ўртасида ўзаро иш кўришни қийинлаштиради<sup>317</sup>. Бундан ташқари реинтеграцияга кўмаклашиш бўйича дастурлар кўпинча вазиятга қараб ва қабул қилинган стандартлар, протоколлар ва моделлардан фойдаланилмасдан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бу келишмовчиликка, тақдим этилаётган хизматларнинг сифати паст бўлишига олиб келади<sup>318</sup>.

Бундан ташқари самарали реинтеграция одам савдоси жабрдийдалари сифатида қайтарилаётган шахсларнинг стигматизацияси оқибатида хавф остига қўйиши мумкин. Тадқиқотлар жабрдийдалар хусусий ҳаётининг дахлсизлиги ва уларнинг ўзларига тааллуқли ахборотдан реинтеграция жараёнининг бутун давомида назорат қилишни сақлаш ҳуқуқига амал қилиш катта аҳамиятга эгаллигини тасдиқлайди<sup>319</sup>. Камситиш ва стигматизация билан боғлиқ муаммолар фақат одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий интеграцияга қодирлигига таъсир кўрсатибгина қолмайди; улар шунингдек ўзларининг иқтисодий интеграциясига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, ишга жойлашишларига ёки ўз бизнесини бошлашларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин<sup>320</sup>. Айрим ҳолатларда реинтеграцияда ёрдам олиш стигматизация ва камситиш хавфини ошириши мумкин. Чунки, бундай ёрдам одам савдоси жабрдийдаларининг ўтмишига эътиборни жалб этади ҳамда жабрдийдалар ўртасида аниқ ёрдам тақдим этилиши муносабати билан норозилик ҳиссини туғдириши мумкин<sup>321</sup>. Шу сабабли айрим давлатларда реинтеграция дастурларини у қадар кўзга ташланмайдиган қилиб ўтказиш чоралари кўрилмоқда; уларни аҳолининг анча кенгроқ гуруҳларига (масалан, ишсизларга) ёрдам доирасида ўтказиш мумкин. Бунда одам савдоси жабрдийдаларига эътиборни жалб эттирмасдан ёрдам тақдим этилиши мумкин<sup>322</sup>.

317 Одам савдоси жабрдийдаларига хизмат кўрсатаётган ташкилотлар давлат муассасаларининг хизматчилари реинтеграция бўйича ўз вазифаларини етали даражада билмасликлари ва уларнинг одам савдоси жабрдийдаларининг тақдири учун масъулиятни ўз зимасига олишни хоҳламасликларини маълум қилади. Одам савдоси жабрдийдаларига қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар тақдим этиш бўйича масъул айрим мансабдор шахслар аниқ вазифаларини бажариш бўйича кўникмаларга эга эмаслар (қаранг: Surtees R., *Listening to Victims*, кўрсатилган асар, 77-ҳавола, 29 б.).

318 Ўша жойда, 46 б.

319 Қаранг: Self-Empowerment Program for Migrant Women (SEPOM), 'Trafficked' Identities as a Barrier to Community Reintegration: Five Stories of Women Rebuilding Lives and Resisting Categorisation [Одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш реинтеграция йўлидаги тўсиқ сифатиде] (GAATW Feminist Participatory Action Research Series), Bangkok, GAATW, 2010

320 Surtee R. *Re/integration of trafficked persons*, кўрсатилган асар, 322-ҳавола, 19 б.

321 APRAMP ННТ вакиллари билан интервью (Asociación para la Prevención, Reinserción y Atención de la Mujer Prostituida), НПО Vagalume и MOM 2008 йил декабрь .

322 Surtee R. *Re/integration of trafficked persons*, кўрсатилган асар, 322-ҳавола, 20 б.

ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси иштирок этувчи давлатларни одам савдоси жабрдийдаларига муваффақиятли реалибитация ва ижтимоий реинтеграцияга кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатлари доирасида уларга ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар тақдим этиш имкониятларини кўриб чиқишга даъват этади<sup>323</sup>. Жумладан, ЕХХТда иштирок этувчи давлатларга болаларни улар қайтарилиши бутун жараёни давомида хавфсизлигини ва омон-эсонлигини алоҳида ҳимоя қилишни таъминлайдиган чораларни кўриш даъват этилади. Қайтараётган давлатларга одам савдоси жабрдийдалари қайтиб келганларидан сўнгги аҳволларини кузатиш имкониятларини берадиган чораларни қўллаб-қувватлаш таклиф этилади<sup>324</sup>. Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болалар реинтеграциясининг аҳамиятига алоҳида эътибор берилади ва иштирок этувчи давлатлар одам савдоси жабрдийдаларининг келиб чиқиш ҳамда туриш мамлакатларида ижтимоий жалб қилиш ва реинтеграцияга ёрдам берадиган тузилмаларни мустаҳкамлашлари лозим<sup>325</sup>.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколида давлатларга бошқа масалалар қатори одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий реабилитация қилиш, буни “шу жумладан зарурат бўлган ҳолатларда ноҳукумат ташкилотлари, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа унсурлари билан ҳамкорликда” таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш имкониятини кўриб чиқиш тавсия этилган<sup>326</sup>.

Худди шу тарзда Европа Кенгашининг Одам савдоси жабрдийдалари тўғрисидаги конвенцияси давлатлар томонидан такроран виқтимизациянинг олдини олишга йўналтирилган реинтеграциянинг идоралараро дастурларини ишлаб чиқишни кўзда тутди. ЕИ даражасида Брюссель декларациясида одам савдоси жабрдийдаларига улар ўз келиб чиқиш мамлакатларига қайтарилаётгани ёки уларга туриш мамлакатаида узоқ муддатли резидент мақоми тақдим этилишидан қатъи назар реинтеграция чораларининг тўлиқ рўйхатидан фойдаланишлари имкониятини яратиш зарурлиги тасдиқланади<sup>327</sup>.

ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномасида ҳам одам савдоси жабрдийдалари бўлган кузатилмаётган болалар учун ишонарли қарор излаш муносабати билан реинтеграция тилга олинади<sup>328</sup>. Одам савдоси жабрдийдаларига қочоқ мақоми ёки қўшимча ҳимояга мухтож шахс мақоми тақдим этилиши ҳолатларида ЕИнинг қонунчилиги ЕИга аъзо давлатлар халқаро ҳимоядан фойдаланилаётган шахсларга ёки интеграция дастурларини ишлаб чиқиш, ёхуд

323 ЕХХТнинг Ҳаракатлар дастури, V-бўлим, 7(3)-банд. ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2013 йилги

324 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2013 йилги Кўшимча, 10-банд

325 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2013 йилги Кўшимча, 11-банд

326 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 6.3-модда

327 Брюссельская декларация, с. 17.

328 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, муқаддима, 23-банд

уларга мавжуд бўлган дастурлардан фойдаланиш имкониятини бериш орқали интеграция бўйича чоралар кўрилишини кўзда тутуди<sup>329</sup>.

ЕИнинг Экспертлар гуруҳи ЕИга аъзо давлатлар учун ишлаб чиқилган, мажбурий ҳуқуқий кучга эга бўлган қоидалар билан бир қаторда реинтеграция муваффақиятини таъминлаш учун одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш катта аҳамиятга эгалигини таъкидлайди. Экспертлар гуруҳи ҳуқуқ ва имкониятларни кенгайтиришни “шахс мустақил иш кўришга ўзининг қодирлигини ривожлантиришини, ўзининг қарорларини мустақил қабул қилишни ва ўзининг ҳаётини бошқара олишини намойиш қилиши жараёнидир. Бу одам савдосидан жабр кўрган шахсларни фаолсиз жабрдийда сифатида кўришнинг эмас, балки уларни фаол иштирок этишга жалб этишни назарда тутуди” деб белгилаган<sup>330</sup>. ШУ муносабат билан Экспертлар гуруҳи шахсий ёрдам кўрсатиш режасини ишлаб чиқишни ва уни амалга ошириш давомида режанинг ушбу жабрдийда эҳтиёжларига доим мувофиқ бўлишини таъминлаш учун унда одам савдоси жабрдийдалари иштирок этишини тавсия этади<sup>331</sup>.

Одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришдан кейинги реинтеграция жараёнининг пировард мақсади ушбу шахсларга ижтимоий-иқтисодий ҳаётда иштирок этиш, шу жумладан ўзлари яшаётган жамиятда мақбул деб ҳисобланадиган турмуш даражасига эришиш имконияти учун зарур бўлган асосий ҳуқуқлар, имкониятлар ва ресурслардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини таъминлашдан иборатдир<sup>332</sup>.

Давлатларда ббилан боғлиқ ҳолатдан фарқли равишда, одам савдоси жабрдийдалари бўлган балоғат ёшидагиларга нисбатан узоқ муддатли қарорлар топишни талаб қиладиган стандартлар мавжуд эмас. Ҳолбуки, энг мақбул ҳолатда одам савдоси жабрдийдалари бўлган балоғатга етганларни қайтаришда узоқ муддатли қарор бўлиши керак. Кўпгина ҳолатларда эса бу туриш мамлакатига бўлишга асоси бўлмаган шахсларни жўнатишни назарда тутуди. Бу одам савдоси жабрдийдалари қайтиб келганларидан кейин кўпинча савдогарлар қўлига тушишни англатади.

329 ЕИнинг Ҳимоя шартлари тўғрисидаги йўриқномаси, 34-модда

330 Экспертлар гуруҳи шунингдек таъкидлайдики, реинтеграция дастурини узоқ муддатли самараситни таъминлашда ҳамда уни одам савдоси жабрдийдаларининг эҳтиёжларига йўналтиришда реинтеграцияни режалаштириш ва амалга оширишда жабрдийдаларининг фаол иштироу этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга (қаранг: Report of the EU Group of Experts, Explanatory Paper 13: Return and social inclusion, кўрсатилган асар, 54-ҳавола, р. 197).

331 Рекомендации МЦРПМ о ММП, с. 69. Бундай режа турар жой билан таъминлаш, ижтимоий-руҳий маслаҳатлар, ҳуқуқий маслаҳатлар ва ёрдам, тиббий ёрдам, ижтимоий хизматлар ва соғлиқни сақлаш хизматлари, тил ўргатиш курслари, таълим тадбирлари, касбий тайёргарлик, ишга жойлаштириш масалалари бўйича маслаҳатлар даромад манбасини яратиш дастурлари, оила/жамиятга реинтеграция бўйича чоралар, оилавий ишларда воситачилик, дам олишни ташкил этиш, молиявий ёрдам, шунингдек мониторинг ва баҳолашни кўзда тутиши мумкин

332 Рекомендации МЦРПМ о ММП, с. 68.

Узоқ муддатли қарорларни излашда давлатлар ичкарасида жойини ўзгартирган шахслар учун бундай қарорлар излаш соҳасида яхши амалиёт мисолларидан фойдаланишлари мумкин<sup>333</sup>. Узоқ муддатли қарор қай даражада эришилганлигини аниқлаш учун қўлланиладиган мезонлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Уларга ҳимоя ва хавфсизлик даражаси, етарли турмуш даражаси, тирикчилик учун маблағ мавжудлиги, турар жой, ер ва мулкнинг реститутцияси, ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти, оила билан бирлашиш, ижтимоий ҳаётда иштирок этиш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя ва одил судловнинг самарали воситаларидан фойдаланиш тааллуқлидир<sup>334</sup>. Юқорида қайд қилинганларни ўзаро боғлаб турадиган қўшимча мезон – бу камситишдан ҳоли бўлиш тамойилидир. Бу шахслар жойини ўзгартиришлари, бошқа ҳар қандай белгилар бўйича камситишга дучор бўлмасликларини англатади<sup>335</sup>.

---

333 Масалан, қаранг: Promotion and protection of all human rights, civil, political, economic, social and cultural rights, including the right to development, Report of the Representative of the Secretary-General on the human rights of internally displaced persons, Walter Kalin. Addendum: Framework on Durable Solutions for Internally Displaced Persons [Инсоннинг барча ҳуқуқларини, фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини, шу жумладан ривожланиш ҳуқуқини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш (Бош котиб вакили жаноб Вальтер Келининг ичкарида жойини ўзгартирган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича маърузаси), Қўшимча: Ичкарида жойини ўзгартирган шахслар манфаатлари бўйича узоқ муддатли қарорини излаш намунавий дастури], 29 December 2009, A/HRC/13/21/Add.4. (A/HRC/13/21/Add.4), 2009 йил 29 декабрь

334 Ўша жойда, 53-банд

335 Ўша жойда, 5-банд. Шунингдек қаранг: Узоқ муддатли қарор таъминланганлигини аниқлашнинг асосий мезонлари тўғрисида 56, 62, 71 ва 72-бандлар

## 6-тамойил.

# Ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш ИМКОНИАТИ

---

Одам савдоси жабрдийдалари одил судловдан фойдаланишга ҳаракат қилганларида жиддий тўсиқларга дуч келадилар. Кўпгина жабрдийдалар тегишли тарзда идентификация қилинмайди, бу эса уларнинг ҳуқуқий ҳимоя воситаларига ҳуқуқи эътироф этилмаслигини ёки бунга амал этилмаслигини англатади. Худди шу тарзда одам савдоси жабрдийдаларини ушлаш ва депортация қилиш умумий амалиёти ҳуқуқий ҳимоя воситаларини амалга оширишга ҳалақит беради; жабрдийдаларга ҳуқуқий ёрдам, ахборот ва қўллаб-қувватлаш тақдим этилмаслиги ҳам шундай оқибатларга олиб келади. Ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни қийинлаштирадиган бошқа омилларга пухта бўлмаган ҳуқуқий асослар, эксплуатация мақсадларида одам савдоси тўғрисидаги ишлар бўйича суд тартибининг (айниқса ҳуқуқий ҳимоянинг муайян воситаларидан фойдаланиш учун дастлабки шарт бўлган шахсни аниқлаш ва жиноятчини ҳукм қилиш) паст кўрсаткичлари; одам савдоси жабрдийдалари ва гувоҳ сифатида иштирок этаётган жабрдийдалар тўғрисидаги қоидалар мавжуд эмаслиги; ҳуқуқий соҳада самарали халқаро ҳамкорликни мавжуд эмаслиги; одам савдоси билан боғлиқ жинсий фаолиятдан олинган даромадларни муваффақиятли излаш ва мусодара қилишнинг паст кўрсаткичлари тааллуқлидир<sup>336</sup>.

Одам савдоси жабрдийдаларининг ҳам туриш мамлакатада, ҳам келиб чиқиш мамлакатига қайтиб келганидан сўнг компенция тўланишига эришишга бўлган қодирлигини камайтирадиган кўпгина тўсиқлар мавжуд<sup>337</sup>. Кўпгина мамлакатларда одам савдоси жабрдийдаларига у ёки бу шаклда компенция тўлаш кўзда тутилган бўлса ҳам ЕХҲТ минтақасида камдан-кам давлатларгина жабрдийдаларни компенция олиш имконияти тўғрисида хабардор қилишни ҳамда уларга компенция тўланишига эришиш мақсадида мамлакатда бўлиш ҳуқуқини кафолатлайдиган аниқ қоидалар қабул қилган. Айрим туриш мамлакатларида компенция тақдим қилиш миллий дастур доирасида

---

336 Кўшимча қаранг: Махсус маърузачининг одам, айнқса аёллар ва болалар савдоси масаласи бўйича маърузаси, Жой Нгози Эзейло, А/НRC/17/35, 2011 йил 13 апрель

337 Hancilova B., Legislation and the Situation Concerning Trafficking in Human Beings for the Purpose of Sexual Exploitation in EU Member States, кўрсатилган асар, 80-ҳавола; Programmes and Strategies in the EU Member States (European Migration Network), кўрсатилган асар, 13-ҳавола, 83 б.

компенцация олиш имконияти жиноятларнинг муайян турлари билан чегараланган. Бу бирор аниқ ҳолатда ўша одам савдоси жабрдийдалари эксплуатация қилинган турини қамраб олмаган бўлиши эҳтимоли мавжуд. Бошқа мамлакатларда компенцация тақдим қилиниши одам савдоси жабрдийдаларига у ёки бу тарзда кўзга ташланадиган тана жароҳатлар етказилиши ҳолатлари билан чегараланади<sup>338</sup>. Бундан ташқари, компенцация тақдим этишнинг миллий дастурлари фақат ушбу мамлакат фуқароларига, ЕИ фуқароларига ва/ёки туриш мамлакати ҳудудида қонуний асосда бўлган учинчи мамлакат фуқароларига тақдим этилиши мумкин<sup>339</sup>.

Одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишларига асосий амалий тўсиқ туриш мамлакатига бўлиш ҳуқуқининг чегаралинишидир<sup>340</sup>. Айрим мамлакатларда одам савдоси жабрдийдаларига нисбатан виза дастури амал этади, бу уларга туриш мамлакатига фуқаролик даъвоси кўриб чиқилиши давомида қолиш имконини беради. Бошқа мамлакатларда одам савдоси жабрдийдаларини уларнинг компенцация олишга эришиш ва бепул ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилишади. Бирок бу тартибларда одам савдоси жабрдийдалари қайтарилгунга қадар компенцацияни тўлаш тўғрисидаги даъволарни кўриб чиқишни яқунлайдиган кафолатлар қайд этилган аниқ қоидалар мавжуд эмас. Шунингдек, компенцация тўлаш тўғрисидаги даъво аризаси бериш муддати одам савдоси жабрдийдаларига бериладиган истиқомат қилиш вақтинча ҳуқуқи амал этиши муддатидан ортиб кетиши мумкин.

Жумладан, ЕХХТ минтақасида компенцация тўлаш тўғрисида даъво аризаси берган одам савдоси жабрдийдалари бу аризани кўриб чиқиш тугамасдан келиб чиқиш мамлакатига қайтарилиши ҳолатлари қайд этилган. Даъвочи жўнатиб юборилиши натижасида уларнинг адвокатлари бу шахслар билан алоқани ушлаб туришлари, жисмоний ва/ёки руҳий зарарнинг далилларини топиш қийинлашади. Жабрдийда компенцация тўлаш тўғрисида даъво аризаси бергунича қайтарилиб юбориладиган ҳолатларда адвокатлар мижоз билан шахсан учрашиш ва унинг шахсини тасдиқлаш юзасидан ўзларининг ҳуқуқий мажбуриятини бажара олмаслиги сабабли улар номларидан иш кўра олмасликлари мумкин<sup>341</sup>. Бундай муаммоларнинг пайдо бўлиши жабрдийда компенцация тўлаш тўғрисида даъво аризаси бериши билан жиноий ишни кўриб чиқиш бошланган ёки уни кўриб чиқиш охирига етмаган ҳолатларда

338 Масалан, қаранг: Council of Europe: Group of Experts on Action against Trafficking in Human Beings, Report concerning the implementation of the Council of Europe Convention on Action against Trafficking in Human Beings by the Slovak Republic [Словакия Республикасида Одам савдоси билан курашиш тўғрисидаги конвенцияга амал қилиниши тўғрисидаги маъруза], 16 December 2013, GRETA(2011)9, para. 119

339 Қаранг: Council of Europe: Group of Experts on Action against Trafficking in Human Beings, Report Concerning the Implementation of the Council of Europe Convention against Trafficking in Human Beings by Austria [Австрияда Одам савдоси билан курашиш тўғрисидаги конвенцияга амал қилиниши тўғрисидаги маъруза], 15 September 2011, GRETA(2011)10, para. 120.

340 Предоставление компенсаций жертвам эксплуатации и торговли людьми в регионе ОБСЕ. Варшава, БДИПЧ ОБСЕ, 2008, с. 36.

341 Ўша жойда, 113 б.

айниқса кўп учрайди<sup>342</sup>. Бундай вазиятларда фуқаролик даъво аризаларини кўриб чиқиш узоқ давом этиши ва жабрдийдага ушбу жараён давомида мамлакатда бўлишнинг қонуний ҳуқуқи эҳтимол тақдим этилмаслиги мумкин.

Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасига ҳуқуқ - бу ФСХХП, ЕИХК ва ЕХХТ мажбуриятларида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқдир<sup>343</sup>. Шу муносабат билан БМТ, ОУЖК ва БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи одам савдоси жабрдийдаларига компенсация тақдим этиш тартибларини яратишни кўзда тутади. БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протокоliga мувофиқ, иштирок этувчи давлатларнинг ички ҳуқуқий тизими одам савдоси жабрдийдаларига етказилган зарар учун компенсация олиш имкониятини тақдим этадиган чораларни кўзда тутилишини таъминлаши керак<sup>344</sup>. Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси жабрдийдаларга тегишли ахборот, шу жумладан улар компенсация ва ҳуқуқий ёрдам олиш учун фойдалана оладиган тadbирлар тўғрисида тегишли ахборотни тақдим этиш кераклигини кўзда тутади<sup>345</sup>.

Бундан ташқари, Конвенцияда жабрдийдаларнинг жиноятни содир этган шахслардан ҳам моддий зарар, ҳам бошидан ўтказган уқубатлар учун пул компенсациясини олиш ҳуқуқи яна бир бор тасдиқланади ҳамда иштирок этувчи давлатларга одам савдоси жабрдийдаларига компенсация тўлашни кафолайдиган чоралар кўриш мажбурияти юкланади. Худди шу тарзда ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномасида асосий ҳуқуқларга, шу жумладан самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига ҳуқуққа амал қилиш қайд этилади, лекин компенсациядан ташқари ҳимоянинг бошқа воситалари турига ҳавола

342 Ўша жойда, 26 б.

343 ФСХХП, 2-модда; ЕИХК, 13-модда; Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги хартияси, 47-модда; 1989 йилги Вена ҳужжати, 13.9-модда; 1990 йилги Копенгаген ҳужжати, 11-модда; 1991 йилги Москва ҳужжати; ЕХХТнингБянги Европа учун Париж хартияси (Париж, 1990 йил); ЕХХТ Вазирлар кенгашининг “Жиний одил судлов доирасида инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлигини таъминлаш” 12/05-қарори, Любляна, 2005 йил 6 декабрь, <http://www.osce.org/ru/mc/17493?download=true>; ЕХХТ Вазирлар кенгашининг “ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-қарори, Хельсинки, 2008 йил 5 декабрь, ., <http://www.osce.org/ru/mc/35498?download=true>.

344 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 6(б)-модда. Бундан ташқари, БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича Махсус маърузачиси одам савдоси жабрдийдалари учун етказилган зарар учун тегишли компенсация тақдим этилиши, шу жумладан бунинг қайтарилмаслиги таъминлини ва уларга ҳар қандай жиний, фуқаролик ёки маъмурий жараён якунланганига қадар ўзлари ҳуқуқий ҳимоя воситаларига эга бўлишга ҳаракат қилаётган мамлакатда қолишга рухсат берилиши керак (БМТнинг Одам, аиниқса аёллар ва болалар савдоси тўғрисидаги масала бўйича Махсус маърузачиси Жой Нгози Эзейло,нинг 2011 йил 11 апрелдаги маърузаси, А/НRC/17/35, п. 51)

345 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 15-модда

мавжуд эмас<sup>346</sup>. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳуқуқий ҳимоя воситалари тўғрисида гап кетганда ЕХХТ минтақасида диққат марказида асосан компенсация олиш ҳуқуқи туради<sup>347</sup>, ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2010 йилги Қўшимчасида ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг концепцияси кенгайтирилган ва ҳимоянинг процессуал воситалари – масалан, ўйлаш ва истиқомат қилиш ҳуқуқини олиш учун вақт ажратиш, шуниндек собиқ одам савдоси жабрдийдаларини хавфсиз қайтариш ва реинтеграция қилишни таъминлаш қамраб олинган<sup>348</sup>.

Бундан ташқари, одам савдоси жабрдийдаларига инсон ҳуқуқлари бузилиши жабрдийдаларига бўлгани каби компенсация тўланиши ва компенсацияни олиш ҳуқуқи доирасидан чиқадиган ҳуқуқий ҳимоянинг етарли ва тегишли воситалари ҳуқуқи тақдим этилиши керак<sup>349</sup>.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича Махсус маърузачиси томонидан ишлаб чиқилган Одам савдоси жабрдийдалари учун самарали

---

346 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, муқаддима, 33-банд. Кенг маънодаги жиноят жабрдийдаларига келганда, ЕИ Кенгашининг “Жиноий жараёнда жабр кўрганларнинг мақоми тўғрисида”ги 2001/220/ЈНА намунавий қарори аъзо давлатлар жиноий жараён давомида жиноий ҳуқуқбузарликдан жабр кўрганлар оқилона муддат давомида ҳуқуқбузар томонидан компенсация тўлашга тааллуқли қарорни олиш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлашлари кераклигини кўзда тутди, миллий қонунчилик компенсация тўланишини бошқача йўлини назарда тутадиган ҳолатлар бундан мустаснодир (қаранг: 2012 йил 25 октябрдаги Жиноятлар жабрдийдаларининг ҳуқуқлари уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш энг кам стандартларини ўрнатиш тўғрисидаги 2012/29/ЕУ йўриқнома (2015 йил 16 ноябрдан Кенгашнинг намунавий қарорини алмаштиради) аъзо давлатлар зиммасига қўйидагиларни юклайди:

- “жиноий жараён давомида жиноий ҳуқуқбузарликдан жабр кўрганлар оқилона муддат давомида ҳуқуқбузар томонидан компенсация тўлашга тааллуқли қарорни олиш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлашлари кераклигини кўзда тутди, миллий қонунчилик компенсация тўланишини бошқача йўлини назарда тутадиган ҳолатлар бундан мустаснодир;
- ҳуқуқбузарларни жабрдийдаларга тегишли компенсация тақдим этишларини раҳбатлантиришга йўналтирилган чоралар кўриклашига кўмаклашиш” (2012/29/ЕУ Йўриқномаси, 16-модда)

347 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 14/06 (5-банд), 8/07 (7-банд) ва 5/08 (19- банд) қарорларида бу шундай акс этган. ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасида иштирок этувчи давлатларга одам савдоси жабрдийдалари учун компенсация тўловлари фондини таъсис этиш, ушбу фондни молиялаштиришнинг қўшимча манбаси сифатида одам савдоси ва турдош житноятлар ҳисобига ташкил этилган мусодара қилинган активлардан фойдаланиш масаласини куриб чиқиш даъват этилади (қаранг: ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, III бўлим, 1.5-банд)

348 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2010 йилги Қўшимча, IV бўлим, 2-банд

349 Қаранг: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Одам савдоси билан курашиш бўйича Глобал ҳаракатлар режаси, 3-банд. Шунингдек қаранг: БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича Махсус маърузачисининг ташаббуси бўйича 2013 йил 7 ноябрда бўлиб ўтган одам савдоси жабрдийдалари учун ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситасига ҳуқуқи тўғрисидаги масала бўйича Умумжаҳон маслаҳат кенгашидаги нутқ. БМТ томонидан қабул қилинган “Ҳуқуқий ҳимоя ва зарарни қоплаш ҳуқуқига тааллуқли асосий принциплар ва дастурамал қоидалар”да давлатларнинг одил судловдан тенг ҳуқуқли асосда ва самарали фойдаланиш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг мавжудлигини таъминлаш умумий мажбурияти тасдиқланади. Бундан ташқари, уларда инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишидан – бу инсон савдосининг энг жиддий ҳолатларига қўлланиши мумкин бўлган атама - ҳуқуқий ҳимоя воситаларига ҳуқуқи ўзида одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқини, етказилган зарарнинг қопланиши ҳуқуқини, ҳуқуқ бузилиши тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқини ҳамда зарарни қоплашнинг механизмлари қамраб олиши тасдиқланади. Одил судловдан фойдаланиш ўзида жабрдийдаларнинг ҳуқуқий ҳимояга бўлган ҳуқуқини амалда ошириш имкониятини, шунингдек ҳар қандай суд жараёни давомида уларнинг хавфсизлиги ва шахсий ҳаётини ҳимоя қилиши мужассамлаштиради (қаранг: БМТ Бош Ассамблеясининг “Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормаларнинг қўпол бузилиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқ жиддий бузилишларининг жабрдийдалари учун ҳуқуқий ҳимояланиши ва зарарнинг қопланишига ҳуқуқига тааллуқли асосий принциплар ва дастурамал қоидалар “ резолюцияси, А/ RES/60/147)

ҳуқуқий ҳимоя воситаларига ҳуқуққа нисбатан асосий тамойиллар лойиҳасига мувофиқ, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларига ҳуқуқ ҳам компенсацияга моддий ҳуқуқни, ҳам компенсация олиш учун зарур бўлган процессуал ҳуқуқни қамраб олади<sup>350</sup>. Бундай тоvon тўлаш реституция, компенсация, тиклаш, сатисфакция, шунингдек такрорланмаслик кафолатини мужассамлаштирган<sup>351</sup>. Одам савдоси жабрдийдаларига тоvon тўланишини муваффақиятли олишлари учун ваколатли ва мустақил органлар билан учрашиш, ўз ҳуқуқлари (шу жумладан, тоvon тўланиши ва компенсация олиш механизмлари мавжудлиги, шунингдек улардан фойдаланиш воситалари) тўғрисида ахборот олиш; ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланиш учун зарур бўлган ҳуқуқий, тиббий, психологик, ижтимоий, маъмурий ва бошқа ёрдам; шунингдек тикланиш ва ўйлаш учун вақт, бу вақт тугагандан кейин одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланадиган вақтда вақтинча яшаш мақоми тақдим этилади<sup>352</sup>.

Қайтариш маъносида процессуал таркибий қисм (ўйлаш учун вақт тақдим этишни зарурат бўлганида етарли бўлган ёрдам билан биргаликда) қайтарилаётган одам савдоси жабрдийдаларини ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятини таъминлаш йўлидаги биринчи энг муҳим қадам ҳисобланади. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, тегишли идентификация механизмларини мавжудлиги ва одам савдоси жабрдийдаларини аниқлаш имконияти бўлган қайта йўналтириш ўйлаш учун вақт тақдим этишнинг зарур шarti ҳисобланиди<sup>353</sup>. Жабрдийдаларга бундай вақтни ҳамда ўзларининг ҳуқуқлари тўғрисида тўлиқ ахборотни тақдим этмаслик, шу жумладан ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги жабрдийдалар томонидан ҳуқуқий ҳимояланишга эришиш учун ҳаракатлари самарасиз ёки умуман маваффақиятсиз бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ўйлаш учун вақт тақдим этиш одам савдоси жабрдийдаларини қайтаришга тааллуқли тегишли ҳуқуқий тартиблар (2-тамойилга қаранг) масалалари муносабати билан кўриб чиқилади. Бундан ташқари, одам савдоси жабрдийдалари ўйлаш учун берилган вақт тугагандан кейин қайтарилиши ёки бундан кейинги муддатда қандай тоvon тўланишига эришиш учун ўйланган қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлишлари сўзсиз шарт ҳисобланади. Агар бу ахборот қайтаришгача тақдим этилмаса, жабрдийдаларнинг тоvon тўланишининг муайян турини олиш имконияти афтидан чегараланган бўлади ва натижада улар ҳуқуқий ҳимоянинг воситаларидан самарали фойдалана олмайди.

350 Одам, айниқса аёллар ва болалар савдоси тўғрисидаги масала бўйича Махсус маърузачининг маърузаси, Жой Нгози Эзейло, 2011 йил 13 апрель, .A/HRC/17/35, I илова, 1.3-банд

351 Ўша жойда, 1.4-банд

352 Ўша жойда, 1.5-банд

353 Жабрдийдаларга халқаро ҳимоя тақдим этилган ва мажбурий қайтариш жараёнида уларни идентификация қилиш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида батафсилроқ қаранг: European Migration Network (EMN), Identification of victims of trafficking in human beings in international protection and forced return procedures - Summary Report [Халқаро ҳимоя тақдим этиш ва мажбурий қайтариш тизимида одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш], March 2014.

Одам савдоси жабрдийдаларини келиб чиқиш мамлакатига қайтаришни, агар бу етказилган зарарни қоплаш ва такрорланмаслик кафолатини қамраб олган бўлса, ҳуқуқий ҳимоя шаклларида бири сифатида қараб чиқилиши мумкин<sup>354</sup>. Шунинг учун қайтариш хавфсиз бўлиши (1-тамойилга қаранг) мутлақ зарурат ҳисобланади. Амалиётда бу одам савдоси жабрдийдаларини шунчаки чегарадан ўтказмаслиги кераклигини билдирмайди – аввал тегишли идентификациялаш жараёнини охиригача етказиш керак, бундан кейин эҳтимол, ўйлаш учун берилган вақт кучга киради ва (бу - энг муҳими) қайтаришдан аввал хавфни баҳолаш ўтказилади (батафсилроқ 2-тамойилга қаранг)<sup>355</sup>. Асосий табойиллар лойиҳасида реституция асосида одам савдоси жабрдийдаларини энг яхши манфаатлари ётиши кераклиги кўзда тутилади<sup>356</sup>. Қайтариш фақат бу хавфсиз бўлса ҳамда энг мақбул вазиятда қайтарилётган шахс учун узоқ муддатли қарорни топиш йўлида олға қараб қўйилган қадам бўлсагина, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан бири сифтида қараб чиқилиши мумкин.

Шу муносабат билан ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан боғлиқ икки қўшимча жиҳат аҳамиятлидир. Уларнинг биринчиси ҳатто қайтаришдан кейин ҳам фуқаролик суд иши тартибида компенсация олиш, шу жумладан одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сабабли етказилган зарар қопланиши имконияти; жиной ишлар давомидла судлар томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларнинг компенсация тўлаш тўғрисидаги қарорларини чиқариш; давлат томонидан етказилган зарар учун компенсация олишга тааллуқлидир<sup>357</sup>.

Иккинчи жиҳат одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан, айниқса молиявий компенсация олиш ҳуқуқи тақдим этилишида кўпинча хал қилувчи омил бўладиган бу жабрдийдалар мақомига тааллуқлидир. Агар одам савдоси жабрдийдалари маъмурлар билан ҳамкорлик қилмаса, бу жабрдийдалар ишлари бўйича жиной иш очилмайди. Жабрдийданинг мақоми жиной ишни тергов қилиш ва судда кўриб чиқилиши билан узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқий тартибларда бу одам савдоси жабрдийдаларига тегишли мақом тақдим этилмаслигини ва бунинг оқибатида улар ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари чегараланиши ёки бунинг имконияти бўлмаслигини англатади. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ҳеч бир вазиятда уларнинг маъмурлар билан ҳамкорлик қилишига боғлиқ бўлмаслиги

354 Одам савдоси жабрдийдалари учун самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига ҳуқуқига нисбатан асосий принциплар лойиҳаси, 7-банд

355 Қаранг: UNHCR et al., Prevent, Combat, Protect: Human Trafficking, pp. 59–60.

356 Одам савдоси жабрдийдалари учун самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига ҳуқуқига нисбатан асосий принциплар лойиҳаси, 7(a), (b)-бандлари. Энг яхши манфаатларни таъминлаш принципи фақат одам савдоси жабрдийдалари бўлган болалар учун ишонarli қарорни излаш тўғрисида гап кетган ҳолатларда мажбурий хусусиятга эга бўлади. Бироқ давлатлар одам савдоси жабрдийдалари ўзларини одам савдоси жабрдийдалари бўлиш хавфига дучор бўладиган вазиятга тушиб қолмасликларини таъминлаш мақсадида одам савдосининг туб сабабларига самарали барҳам беришлари кераклиги тўғрисидаги тавсия билан биргаликда энг яхши манфаатларни таъминлаш муҳим қўшимча бўлади (шунингдек қаранг: 7(c)-банд)

357 Ўша жойда, 9-банд

зарурлиги тамойилдан келиб чиққан ҳолда<sup>358</sup> бу жиноий иш тергов қилинмаётганда, ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни чегаралаш ёки умуман тақдим этмасликка йўл қўймаслик зарурлиги хулосаси келиб чиқади.

Худди шу тарзда одам савдоси жабрдийдалари жиноятчиларни таъқиб қилиш уларга ҳукм чиқариш билан тугалланмаганидан ёки ҳукм қилинган жиноятчилар жабрдийдага тегишли компенция тўлаш учун етарли воситаларга эга бўлмаган ҳолатларда жабрдийдалар кўпинча компенция олмайди. Бундай ҳолат Асосий тамойиллар лойиҳасида одам савдоси жабрдийдалари улар билан савдо қилган шахслар ҳукм қилинганликлари-қилинмаганликларидан қатъи назар компенция олиш ҳуқуқига эгаликлари тўғрисидаги қоидага зид келади<sup>359</sup>.

---

358 Ўша жойда, 8(b)-банд

359 Ўша жойда, 9-банд

## 7-тамойил.

# Ҳамкорлик ва мониторинг

---

Давлат ичидаги ва халқаро ҳамкорлик ушбу ҳужжатга киритилган барча тамойилларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу одам савдоси жабрдийдаларининг хавфсиз қайтарилишини ҳамда ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш имкониятини, шунингдек жабрдийдаларга бундан кейин зарар келтириш сабабларининг олдини оладиган ишонарли қарорни излаш учун алоҳида катта аҳамиятга эгадир. Бироқ амалиёт одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш билан шуғулланаётган субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик кўпинча фақат аҳён-аҳён бўлиши, демак кўп жиҳатдан ташкилотлар ва улар ходимлари ўртасида йўлга қўйилган алоқага боғлиқлигидан далолат беради<sup>360</sup>. Жумладан, ҳам ички давлат, ҳам халқаро ҳамкорликнинг белгилаб қўйилган стандартлари тартиблари ва моделларининг мавжуд эмаслиги жиддий камчилик ҳисобланади. Фойдаланиш имконияти бўлган хизматлар тўғрисидаги ахборотнинг мавжуд эмаслиги бўлиш мамлакати маъмурларига одам савдоси жабрдийдаларини хавфсиз қайтариш ва уларга тегишли ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш, шунингдек узоқ муддатли қарорларни излашни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни қийинлаштиради<sup>361</sup>.

Одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш маъносида бўлиш мамлакати ва келиб чиқиш мамлакатигаги давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик аксарият ҳолатларда одам савдоси жабрдийдалари шахсларини ўрнатишда ва уларга йўл ҳужжатларини беришда консуллик ёрдами билан чегараланади. Бундай ҳамкорлик, қоида бўйича, ихтиёрий қайтариш ишида ёрдам кўрсатиш бўйича расмий тадбирларни амалга ошириш туфайли мустаҳкамланади<sup>362</sup>. Бу соҳаларда ёрдам кўпинча ижрочи шериклар томонидан кўрсати-

---

360 Cuzuioc-Weiss B., Lacroix C. Study on Post-Trafficking, кўрсатилган асар, 81-ҳавола, 122 б..

361 Surtees, Listening to Victims, кўрсатилган асар, 77-ҳавола, 44 б.

362 Programmes and Strategies in the EU Member States (European Migration Network), кўрсатилган асар, 13-ҳавола, 78 б.

лади. Бу ролда одатда ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ёки НХТ бўлади<sup>363</sup>. Тегишли ва етарли ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек бўлиш ва келиб чиқиш мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ёмон аҳволда эканлиги ёки бундай ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги одам савдоси жабрдийдаларининг чиқиб кетиш ва қайтиб келиш ҳуқуқини амалга ошириш йўлидаги энг муҳим тўсиқ ҳисобланади. Икки томонлама ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги кўпинча қайтаришни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар кечикиб берилиши ёки умуман берилмаслиги ҳолатига олиб келади. Айрим келиб чиқиш мамлакатлари ўз фуқароларининг шахси тўла аниқ ҳолда аниқланмаганлиги сабабли уларни қабул қилишдан воз кечишларининг алоҳида ҳолатлари тўғрисидаги хабарлар мавжуд<sup>364</sup>.

Яна бир аниқланган муаммо – бу келиб чиқиш мамлакатадаги давлат маъмурулари билан ННТ ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг етарли эмаслигидир<sup>365</sup>. Қатор мамлакатларда давлат муассасалари ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликка расмий тус бериш мақсадида одам савдоси жабрдийдаларини қайта йўналтиришнинг миллий механизмлари яратилган<sup>366</sup>. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, турли мамлакатлардаги қайта йўналтириш моделлари бир-биридан жиддий равишда фарқ қилади, шунингдек улар фаолиятининг соҳалари ҳам бир-биридан фарқ қилади<sup>367</sup>. Қайта йўналтиришнинг миллий механизмлари яратилган кўпчилик мамлакатларда фуқаролик жамияти миллий даражада одам савдосига қарши курашишда, шу жумладан қайтаришни мувофиқлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди<sup>368</sup>. Айрим мамлакатларда ННТ ва давлат органлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида расмий битимлар ҳам имзоланган. Айрим мамлакатларда ННТ ва давлат органлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида расмий битимлар имзоланган. Бундай битимларда баъзан одам савдоси жабрдийдалари учун, шу жумладан қайта йўналтириш,

---

363 Ўша жойда, 7 б. Айрим мамлакатларнинг ҳукуматлари ХМТ билан битимлар ёки ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумларни имзолаб, ҳукумат органлари ва ХМТнинг қайтариш сиёсатини амалга оширишга нисбатан роллари ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилди (ўша жойда, 53 б.). Бундан ташқари, ХМТ келиб чиқиш мамлакатига қайтиб келгандан кейин қабул қилиш ва реинтеграцияга ёрдам кўрсатиш шунингдек қайтаришнинг хавфсизлигига ва кадр-қимматни ҳурмат қилишга амал қилишни таъминлаш учун махсус чоралар кўриш, масалан, транзитни, қабул қилиш ёки кузатишни ташкил этиш учун масъулдир (ХМТ вакили томонидан 2011 йил 8 декабрда тақдим этилган ахборотдан). Тадқиқотлардан бирининг маълумотларига кўра, қайтариш ХМТ шафелигида амалга оширилган ҳолатларда бошқа ноҳукумат ва халқаро ташкилотлари кўрсатилаётган ёрдамнинг аниқ жиҳатларини амалга ошириш мақсадларида жалб этилади (Jobe A., The Causes and Consequences of Re-Trafficking, кўрсатилган асар, 39-ҳавола, 50 б.).

364 Programmes and Strategies in the EU Member States (European Migration Network), кўрсатилган асар, 13-ҳавола, 58 б.

365 Human Trafficking in the Baltic Sea Region (UNODC), кўрсатилган асар, 37-ҳавола, 39 б.

366 Механизмы перенаправления жертв торговли людьми на национальном уровне: объединяя усилия по защите прав жертв торговли людьми. Практическое руководство. Варшава, БДИПЧ ОБСЕ, 2004.

367 Surtees, Listening to Victims, кўрсатилган асар, 77-ҳавола, 47 б.

368 373 OSCE Office of the Special Representative and Co-ordinator for Combating Trafficking in Human Beings, Efforts to Combat Trafficking in Human Beings in the OSCE Area: Co-ordination and Reporting Mechanisms [EXХТ минтақасида одам савдоси билан курашиш бўйича саъй-ҳаракатлар: мувофиқлаштириш ва маълумотлар узатиш механизмлари]. Vienna, OSCE, 2008, p. 11

ахборот айрибошлаш ва қайтаришдан аввал хавфни баҳолашни ўтказиш учун полиция ва маслаҳат марказларининг роли ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилади<sup>369</sup>.

Ўзаро ҳамкорлик соҳасидаги муаммолар одам савдоси жабрдийдаларига имконияти бўлган барча ёрдам ва хизматлар рўйхатидан фойдаланишларига ҳалақит бериши ва бу фақат муайян муассасалар ҳамда уларнинг шериклари томонидан таклиф этиладиган ёрдам билан чегараланиши мумкин<sup>370</sup>. Бундай муаммолар, шунингдек одам савдоси жабрдийдаларини, айниқса уларнинг қайтарилишидан аввал хавфларни баҳолаш ёки ҳимояни тақдим этиш юзасидан етарлича ҳамкорлик кузатилмаётган бўлса, бу уларни хавф остига қўйиши мумкин. Масалан, айрим мамлакатларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан қайтиб келаётган одам савдоси жабрдийдаларига маслаҳат тақдим этиладиган муассасалар ўртасидаги ҳамкорликдаги мураккабликлар хавфларни нотўғри баҳолашга олиб келганлиги тўғрисида хабарлар мавжуд<sup>371</sup>.

Айрим давлатларда қайта йўналтириш миллий механизмларига қўшимча равишда давлат муассасалари билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик қонунлар ёки қонуности ҳужжатларини ёхуд дастурий ҳужжатлар ёки протоколларни имзолаш орқали расман расмийлаштирилган. Асосий ишни бажарадиган шахсларнинг роллари аниқ кўрсатиб қўйилган одам савдоси билан курашиш бўйича миллий дастурларнинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилашга кўмаклашди<sup>372</sup>.

Одам савдоси жабрдийдалари қайтиб келгандан сўнг ва реинтеграция даври давомида мониторингнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг сифати ва давомийлиги етарли эмаслиги ташвиш туғдиради. Фақат бир нечта бўлиш ёки ҳатто келиб чиқиш мамлакатаги жабрдийдалар билан улар қайтиб келгандан кейин алоқани ушлаб туради<sup>373</sup>. Ҳатто реинтеграцияда ёрдам тақдим этилган келиб чиқиш мамлакатлари ҳам жабрдийдалар қайтиб келгандан кейин кўпчилик ҳолатларда мониторинг мавжуд эмаслигини маълум қилишади.

Давлатлар ўртасида, шунингдек тегишли давлатлар ва бунинг доирасидаги нодавлат шериклар ўртасидаги ҳамкорлик халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинади. Бироқ мониторинг соҳасидаги амалиётни тартибга солиш ноаниқлигича қолмоқда. БМТ ОУЖК ҳам, БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи ҳам диққат-эътиборни асосан ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг

369 Масалан қаранг: Kooperationskonzept für die Zusammenarbeit von Fachberatungsstellen und Polizei für den Schutz von Opferzeugen/innen von Menschenhandel zum Zweck der sexuellen Ausbeutung, Bundesministerium für Familie, Senioren, Frauen und Jugend, 2007 (немис тилида)

370 Surtees, Listening to Victims, кўрсатилган асар, 77-ҳавола, 44 б.

371 Human Trafficking in the Baltic Sea Region (UNODC), кўрсатилган асар, 37-ҳавола, 43 б.

372 Hancilova B., Legislation and the Situation Concerning Trafficking in Human Beings for the Purpose of Sexual Exploitation in EU Member States, кўрсатилган асар, 80-ҳавола, 93 б

373 Programmes and Strategies in the EU Member States, кўрсатилган асар, 13-ҳавола, 79 б.

давраларо даражасидаги ҳамкорлигига қаратган<sup>374</sup>, бироқ БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколида ноҳукумат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа унсурлари билан одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш мақсадларида ҳамкорлик тўғрисида тавсиялар келтирилган<sup>375</sup>.

Европа Кенгаши томонидан келиб чиқиш ва бўладиган мамлакатларига қайтариш жараёнининг ҳар бир босқичида ҳамкорлик ва ўзаро иш кўриш бўйича қатор мажбуриятлар юкланган. Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, айниқса одам савдоси жабрдийдаларининг шахсини аниқлаш ва шахсни аниқлаш тўғрисидаги ҳамда кириш/чиқишга рухсат бериладиган ҳужжатларни беришда гап кетганда ўзаро иш кўриш айниқса катта аҳамияга эгадир<sup>376</sup>. Конвенцияга мувофиқ, келиб чиқиш мамлакати одам савдоси жабрдийдалари унинг фуқаролиги эканлигини ёки улар ўз ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқига эгалигини текширишлари ҳамда жабрдийдаларга туриш мамлакатини тарк этиш ва келиб чиқиш мамлакати ҳудудига кириш имкониятини берадиган зарур ҳужжатларни бериши керак<sup>377</sup>. Бундан ташқари, Конвенция иштирок этувчи давлатлар томонидан репатриация дастурларини ишлаб чиқиш мақсадларида қонунчилик ёки бошқа чораларни кўришлари кераклигини назарда тутлади. Бу ҳужжатларни амалга оширишда тегишли миллий ёки халқаро муассасалар ва ноҳукумат ташкилотлари жалб этилади<sup>378</sup> ҳамда Конвенцияда давлатлар ННТ ва Конвенция мақсадларига эришишга кўмаклашадиган фуқаролик жамиятининг бошқа унсурлари билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга даъват этилади<sup>379</sup>.

ЕХХТ келиб чиқиш, транзит ва бориладиган мамлакатлардаги тегишли субъектлар ўртасида одам савдоси жабрдийдаларини қайтариш ва реинтеграция қилиш жараёнида самарали ҳамкорликнинг алоҳида аҳамиятини тасдиқлайди. Ташкилот давлатларга давлатлар, фуқаролик жамияти ва одам савдоси жабрдийдаларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш билан шуғулланаётган бошқа томонлар ўртасида мувофиқлаштириш ва стратегик шерикликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадларида қайта йўналтиришнинг миллий механизмларини яратишни тавсия этади<sup>380</sup>. ЕХХТ полиция билан ННТ ўртасида одам савдоси жабрдийдаларини идентификация

374 БМТ ОУЖК, 27-модда; БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 9(4), 11(6)-моддалар. БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи 9-моддаси 5-бандида шунингдек талабга қарши курашишга йўналтирилган икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик кўриб чиқилади

375 БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи, 6(3) моддаси, шунингдек 9(3) ва 10(2)-моддалари

376 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 16(4)-модда

377 Ўша жойда, 16-модда

378 Ўша жойда, 16(2)-модда. Шунингдек қаранг: Конвенциянинг 32-34-моддалари

379 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 35-модда

380 ЕХХТ Вазирлар кенгаши, Одам савдоси тўғрисидаги декларация (Порту, 2002 йил 7 декабрь) МС(10). ЮУР/2, <http://www.osce.org/ru/mc/40526?download=true>; ЕХХТнинг Харакатлар режаси, V бўлим, 3(1)-банд. Қайта йўналтиришнинг миллий механизмлари тўғрисида ЕХХТ ДИИХБнинг “Миллий даражада одам савдоси жабрдийдаларини қайта йўналтириш механизмлари” амалий қўлланмасига батафсилроқ қаранг

қилиш, хабардор қилиш ва ҳимоя қилиш соҳасида фаол ўзаро иш олиб бориш, шунингдек элчихоналар ва консулликлар билан ҳамда ушбу муассасалар ўртасида шахсий маълумотларни тезкор аниқлаш мақсадида ҳамкорлик қилиш заруратини алоҳида таъкидлайди<sup>381</sup>. Шу муносабат билан қайта йўналтиришнинг миллий механизмлари миллий, минтақавий ва халқаро даражада ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, меҳнат инспекциялари, ижтимоий ҳимоя органлари, тиббиёт муассасалари, миграция ва чегара хизматлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, жабр кўрганларни қўллаб-қувватлаш хизматлари ва тижорат сектори ўртасида ҳамкорлик келишувларни мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиши керак<sup>382</sup>. Бундан ташқари, иштирок этувчи давлатлар ННТ, касаба уюшмалар ва ижтимоий таъминот хизматлари қайта йўналтириш миллий механизмлари ёки бошқа тегишли тузилмалар орқали одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ташаббусини кўтариб чиқишлари ҳамда тегишли органлар билан ҳамкорлик қилишлари чораларини кўришлари керак<sup>383</sup>.

ЕХХТ давлатларга масъул мансабдор шахслар ўртасида, жумладан элчихоналар ва консулликлар ходимлари ўртасида шахсий маълумотларни текширишни енгиллаштириш ва тезлаштириш ҳамда ноқонуний ҳамда асоссиз кечиктирмасликга йўл қўймаслик мақсадида ҳамкорликни мутаҳкамлашни тавсия этади<sup>384</sup>. Бундан ташқари, иштирок этувчи давлатлар қайта йўналтириш миллий механизмлари ёки бошқа тегишли тузилмалар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришлари ҳамда одам савдосининг олдини олиш, у билан курашиш ва трансчегара даражасида содир бўлган ҳолат оқибатидаги одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилишнинг мукамалроқ кенг қамровли мувофиқлаштирилган ёндашувни ишлаб чиқишни давом эттиришлари зарур<sup>385</sup>.

Давлат органларининг НХТ ва халқаро ташкилотлар билан одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатишга йўналтирилган ҳамкорлиги шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) томонидан ишлаб чиқилган одам

381 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, V бўлим, 5.2-банд

382 ЕХХТ Вазирлар кенгаши, 14 06 –сон, 2-модда

383 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2013 йилги Кўшимча, IV бўлим, 1.2-банд. Унда давлат органлари, ННТ, касаба уюшмалар ҳамда камситиш билан курашиш ва аёллар, болалар, этник, миллий, диний озчиликни ташкил қилувчилар ва мигрантларни ҳимоя қилиш дастурларида иштирок этаётган бошқа тегишли институтлар ўртасида мулоқот ва ҳамкорликка, шунингдек одам савдоси объекти бўлган шахсларни идентификациялашга кўмаклашиш ҳамда улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш мақсадида миллий қайта йўналтириш механизмлари доирасида идоралараро шерикликни кенгайтириш тавсиялари баён этилган (шунингдек қаранг: V бўлим, 2-банд)

384 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, V бўлим, 5.2-банд

385 Шунини таъкидлаш муҳимки, ЕХХТ ҳам келиб чиқиш, транзит ва бориладиган мамлакатларнинг тегишли органлари билан ЕХХТнинг ҳамкорлик бўйича Осие ва Ўрта ер денгизидаги шерикларига нисбатан халқаро ҳамкорликни, жумладан биргаликдаги тергов гуруҳларини ташкил этиш орқали кучайтиришга интилади (қаранг: ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасига 2013 йилги Кўшимча, V бўлим, 5-банд). ЕХХТнинг Осиедаги шерикларига Япония, Жанубий Корея, Таиланд ва Афғонистон, 2014 йил мартдан бошлаб Ўрта ер денгизи шерикларига Жазоир, Миср Исроил, Марокаш ва Тунис тааллуқдидир

савдосига қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш мақсадларидаги дастурда ҳам кўзда тутилади<sup>386</sup>.

Худди шу тарзда ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси миллий маърузачилар институтларини ёки шунга ўхшаш бошқа механизмларни таъсис этиш мақсадларида қўллаб-қувватлаш кўрсатадиган хизматлар билан фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кўзда тутди<sup>387</sup>. ЕИнинг Одам савдоси билан курашиш илғор тажрибасини умумлаштириш ва кенгайтириш режасида ҳам ҳокимият органлари билан фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни, масалан, ўзаро англашув ва ишончни рағбатлантириш учун келишилган қоидаларни ўрнатиш орқали мустаҳкамлаш тавсия этилади<sup>388</sup>. “ЕИнинг Одам савдоси билан курашиш соҳасида ташқи фаолиятни мустаҳкамлаш тўғрисидаги амалий ҳужжат”да ЕИ чегаралари ташқарисига чиқадиган, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатишда иштирок этаётган ташкилотлар ўртасида алоқа ва айрибошлашни йўлга қўйишнинг аҳамияти таъкидланади<sup>389</sup>. ЕИ Кенгашининг Учинчи мамлакатларнинг кузатилмаётган вояга етмаган фуқаролари тўғрисидаги 97/С 221/03-резолюциясида агар қайтарилмаётган жабрдийда 18 ёшга тўлмаган кузатилмаётган шахс бўлса, маъмурлар халқаро ташкилотлар (масалан, ЮНИСЕФ) билан, шунингдек тегишли НХТ билан келиб чиқиш мамлакатада қабул қилиш ва парваришlash муассасасининг мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳамкорлик қилишлари кераклиги кўрсатилган.

386 Қаранг: МДҲда иштирок этувчи давлатларнинг 2014-2018-йилларда одам савдосига қарши курашишда ҳамкорлик қилиш дастури, 2013 йил 25 октябрь, 4.4-банд

387 ЕИнинг Одам савдоси тўғрисидаги йўриқномаси, 11(4) ва 19-моддалар. Йўриқнома муқаддимасининг 6-бандида шунингдек фуқаролик жамияти ташкилотлари билан одам савдоси билан курашиш бўйича кўрилатган чоралар таъсирининг мониторингини ва баҳолашни ўтказиш мақсадларида қалин ҳамкорлик қилиш таклиф этилади. Худди шунингдек Брюссель декларациясида келиб чиқиш, транзит ва бориладиган мамлакатларнинг одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатишда иштирок этаётган ННТ, ижтимоий хизматлар ва бошқа субъектлари билан тажриба алмашишни ривожлантириш тавсиялари қайд этилган.

388 European Union, EU Plan on Best Practices, Standards and Procedures for Combating and Preventing Trafficking in Human Beings [ЕИнинг Одам савдосининг олдини олиш ва у билан курашиш илғор тажрибаси, стандартлари ва тартибларини умумлаштириш ва кенгайтириш бўйича режаси], 2005/С 311/01, 9 December 2005, 2005/С 311/01, para. 5(i). ЕИнинг Экспертлар гуруҳи одам савдоси жабрдийдаларини хавфсиз қайтариш, дарҳол ва узоқ муддатли ёрдам кўрсатишни таъминлайдиган дастурларни ишлаб чиқиш мақсадида давлатлар ва ННТ ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашни тавсия қилади (қаранг: Экспертлар гуруҳининг маърузаси, 110-тавсия). Бундан ташқари, МССХМ қайта йўналтириш миллий механизмининг таркибий қисми сифатида “қайта йўналтиришнинг халқаро механизмлари”ни яратишни тавсия этади. Қайтариш маъносига ушбу механизмлар ҳукумат ва ноҳукумат субъектларининг қайтариш жараёнидаги вазифаларини ва амалларини, жумладан ушбу субъектлар бир-бирларига тақдим этишлари шарт бўлган ахборотни аниқ белгилаган бўларди (қаранг: Рекомендации МЦРПМ о ММП, сс. 24-25). ЕИнинг Экспертлар гуруҳи, шунингдек келиб чиқиш ва бўладиган мамлакатлар ўртасида элчихоналар ва консулликларда одам савдоси объектлари бўлган фуқароларнинг масалалари ва уларнинг алоҳида эҳтиёжлари билан шуғулланадиган алоқада бўладиган шахсларни тавсия этади (қаранг: Доклад Группы экспертов, 198 б.).

389 Council of the European Union, Action-Oriented Paper on strengthening the EU external dimension on action against trafficking in human beings; Towards Global EU Action against Trafficking in Human Beings [ЕИнинг Одам савдоси билан курашиш соҳасида ташқи фаолиятни мустаҳкамлаш тўғрисида амалий ҳужжат: ЕИнинг глобал акцияси йўлида], GS/ACA/ld 1, 11450/5/09 REV 5, p. 23.

Айрим мамлакатлар томонидан кузатилмаётган вояга етмаганларни қайтаришга тааллуқли аниқ икки томонлама битимлар ишлаб чиқилган. Бироқ агар улар келиб чиқиш мамлакатада ёрдам кўрсатиш ва интеграциялашнинг тегишли чоралари билан тўлдирилмаган бўлса, етарли даражада самарали бўлмаслиги аниқланган.

Ҳозирги вақтда одам савдоси жабрдийдалари реинтеграциясининг аниқ ҳолатлари мониторингини бевосита тартибга соладиган одам савдоси билан курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилмаган<sup>390</sup>.

Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларнинг аҳволи ушбу қоидадан истисно ҳисобланади. БМТнинг БҲКда кўзда тутилган болага тақдим этиладиган даволаш ҳуқуқини мунтазам баҳолаш ва ваколатли органлар томонидан уни парваришлашни тайинлаш билан боғлиқ ҳуқуқи ҳисобга олинган ҳолда ЮНИСЕФнинг Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма аниқ бир бола оиласи билан бирлашгандан кейин ёки/ва болаларни парваришлаш бўйича марказ талабларига жавоб берадиган парвариш қилишга жойлаштириш мониторингини кўзда тутди<sup>391</sup>. Боланинг оиласи билан бирлашган кунидан кейин ҳокимиятнинг ваколатли органлари бола билан тегишли тарзда муомала қилинаётганлиги, у реинтеграция қилинганлиги ва унга одам савдогарлари қармоғига такроран тушиб қолиши таҳдид этмаётганига ишонч ҳосил қилишлари учун узоқ вақт давомида (бола балоғат ёшига етгунча) назорат ташрифларини амалга оширишлари керак<sup>392</sup>.

ЕХХТ минтақасида мониторинг кўпинча қайтариш МХТ шафелиги остида ўтказилганда олиб борилади. МХТ томонидан ишлаб чиқилган “Одам савдоси жабрдийдаларига бевосита ёрдам” қўлланмасида мониторинг тўғрисида реинтеграциянинг дастлабки уч ойи мобайнида ҳар ойда, кейин йилнинг ҳар чорагида камида икки марта ҳисобот тузиш тавсия этилади<sup>393</sup>. МХТ одам савдоси жабрдийдалари қайтиб келгандан сўнг реинтеграцияси мониторингини амалга оширган ҳолатларда мониторинг давомийлиги бир ойдан уч йилгача давом этади, лекин кўпчилик ҳолатларда бу бир йилдан ортмайди<sup>394</sup>. Ушбу масала бўйича тавсияларни, шунингдек МССХМ томонидан ишлаб чиқилган “ЕИҒа аъзо давлатларга қайта йўналтиришнинг халқаро механизмларини яратиш стандарт операция тартиблари”да топиш мумкин. Унга мувофиқ, аниқ бир ҳолатнинг мониторинги ва баҳолаш жараёни узоқ муддатли ёрдамнинг

390 МДҲда иштирок этувчи давлатларнинг 2014-2018-йилларда одам савдосига қарши курашишда ҳамкорлик қилиш дастури ушбу давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида мунтазам равишда тажриба алмашишни кўзда тутди

391 БМТ БҲК, 25-модда

392 ЮНИСЕФнинг Одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланмаси, 94-банд

393 Ўша жойда

394 Миграция бўйича халқаро ташкилот (МХТ). Прямая помощь жертвам торговли людьми: руководство. Москва, МОМ, 2010, сс. 109-110.

таркибий қисми бўлиши,<sup>395</sup> одам савдоси жабрдийдалари эса ижтимоий интеграция билан таъминланишлари кераклиги қайд этилган<sup>396</sup>.

Шунингдек сиёсат ва дастурни амалга оширишни назорат қилишга тааллуқли мониторингнинг навбатдаги даражасини ҳам эслатиш зарур. Европа Кенгаши Конвенциянинг ҳар бир иштирокчиси одам савдосига қарши курашишга йўналтирилган ҳамда миллий қонунчилик талабларининг бажарилиши учун давлат муассасалари фаолиятини кузатиш мақсадида миллий маърузачиларни тайинлаш ёки бошқа механизмларни яратиш тўғрисидаги масалани “кўриб чиқишлари” кераклигини кўрсатади<sup>397</sup>. Мониторингни ушбу даражаси одам савдоси жабрдийдаларининг қайтишига тааллуқли шахсий ҳолатлар воқеаларининг ривожлагниши мониторингини назарда тутмаса ҳам бундай мониторингни самарали амалга ошириш одам савдоси жабрдийдаларининг гуруҳига фойда келтиради.

Бундай тавсия ЕХХТнинг Ҳаракатлар режасида ҳам мавжуд<sup>398</sup>. Бундан ташқари, ИҲОКБнинг Одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича тавсия этиладиган тамойилларида ушбу соҳадаги қонунчилик, сиёсат, дастурлар ва чораларнинг инсон ҳуқуқларига таъсирини кузатиш учун механизмлар яратиш тўғрисида тавсиялар мавжуд. Ушбу тамойилларга мувофиқ, одам савдоси жабрдийдалари бўлган шахслар билан иш олиб борадиган ноҳукумат ташкилотларини одам савдоси билан курашиш бўйича чораларнинг инсон ҳуқуқларига таъсирининг мониторингида ва баҳолашда иштирок этишларини рағбатлантириш лозим<sup>399</sup>.

---

395 Jobe A., The Causes and Consequences of Re-Trafficking, кўрсатилган асар, 39-ҳавола, 49-50 б.

396 Рекомендации МЦРПМ о ММП, сс. 69, 76 и 115.

397 Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 29(4)-модда

398 ЕХХТнинг Ҳаракатлар режаси, VI бўлим, 5.2-банд

399 ИҲОКБнинг Одам савдоси тўғрисидаги масала бўйича тавсия этиладиган принциплари

